

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК (УЎК): 821.512.133.09-31

**ОМАНОВА МУБОРА АБДУРАЗАКОВНА**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ШАЙХ ВАЛИЙЛАР  
ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: Якубов Исламжон Ахмеджанович,**

филология фанлари доктори, доцент

**Жиззах – 2022**

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ШАЙХ-ВАЛИЙЛИК ТУШУНЧАЛАРИ: ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ</b> .....	14
1.1. Диний ва тасаввуфий манбаларда шайх-валийлик: адабиётшуносликдаги ўрганилиш тарихи.....	14
1.2. Пайғамбарлар ва улуғ сўфийлар шахсини бадиий талқин қилиш адабий анъана сифатида.....	41
<b>II БОБ. ТАРИХИЙ ВА БАДИИЙ ҲАҚИҚАТ</b> .....	60
2.1. “Аҳмад Яссавий” романи: ҳаётий асослари ва ижодкор бадиий концепцияси.....	60
2.2. Баҳоуддин Нақшбанд шахси ва маънавий-руҳий камолот йўлининг бадиий талқини.....	74
<b>III БОБ. ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК РОМАНЛАРДА БАДИИЙ ТАСВИР ЙЎСИНЛАРИ</b> .....	91
3.1. “Паҳлавон Муҳаммад” тарихий биографик романида қаҳрамон маънавий-руҳий оламининг бадиий реаллашув йўсини.....	91
3.2. Бадиий мушоҳада ва поэтик ифода муштараклиги.....	107
<b>ХУЛОСА</b> .....	127
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	130
Илова.....	143

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, романчилигида муайян давр кесимида юзага келган асарларни янгича талқинлар нуқтаи назаридан ўрганиш ва уни англаш зарурати филология соҳаси олдига жиддий муаммоларни ҳал этишни тақозо этмоқда. Сўнги давр тадқиқотларида романчиликнинг умумназарий муаммолари ўзга йўсинда ўрганилмоқда. Чунки адабий жараён уч муҳим асос: а) янгиланаётган ижтимоий-маданий ҳаёт; б) ўтмиш хатоларини идрок этиб, жаҳон адабиёти илғор ютуқларини ижодий ўзлаштириш асосида ривожланаётган миллий адабий-маънавий муҳит; в) замондош ижодкорлар поэтик тафаккур қамрови ва руҳиятига уйғун тарзда ўзгариб, такомиллашиб боради. Характерлар орқали ижтимоий ҳаётнинг бадиий тадқиқ этилиши, муаллиф ўй-фикрлари, руҳият, кечинмаларининг образлар тийнатиغا сингдирилишини ўрганиш романчиликнинг тараққиёт тамойиллари, образлар олами, поэтик ифода йўсинлари ривожига таъсир этаётган омилларни англаш, унинг истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”<sup>1</sup>. Шунга кўра адабиётшунослик фани ўз объектига ҳамиша янгича нигоҳ билан қараш, роман поэтикасига дахлдор муаммоларни теран тадқиқ этиш йўлидан боради.

Дунё адабиётшунослигида олам ва ундаги инсон муаммолари негизида долзарб адабий-назарий муаммолар кўлами ортмоқда. Жумладан: а) олам ва одам муносабатларининг поэтик англаниш кўлами; б) макон ва замоннинг ўтмиш-ҳозир-келажак ёхуд ерости олами-замин-қоинот (Арши аъло) училиги доирасида фикрий ва ҳиссий идрок этилиши; в) характерлар оламини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев. Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. 2020 йил, 1 октябрь, № 207.

ижтимоий-маданий жараёнлар билан бир қаторда, шарқона исломий эътиқод манбалари – Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар негизида таҳлил этиш; г) анъана, адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик; д) шакл ва мазмун мутаносиблигига эришиш, композицион яхлитликни таъминлаш, эпик баён турлари, ифода ва услуб, бадиий шартлилик ва шу каби меъёрлардан фойдаланишдаги бадиий маҳоратини ёритиш каби масалалар шулар жумласидандир. Бу йўналишдаги тадқиқотлар истиқлол даври ўзбек романларида шайх-валийлар образининг бадиий талқинларини ўрганишда илмий-назарий асос вазифасини ўтайди.

Мустақиллик даври Қуръони карим ва ҳадиси шариф ҳақиқатлари, тасаввуф ва ислом фалсафаси тарихи, шайх-валийлар табақалари, пир-муридлик қоидаси ва одоблари, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, уларнинг илмий-адабий мероси, мураккаб фаолияти ҳамда ғояларини ўрганиш учун кенг имкониятлар берди. Бу ҳол ўзбек тарихий-биографик романларидаги характерлар талқинида: а) муқаддас китоблар ва саҳиҳ манбаларга таяниш; б) моддий дунё тасвирлари – ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий талқинлар билан чекланмай, абадиятга дахлдор мавзу ва илғор ғояларни ижодий давом эттириш; в) “ўн саккиз минг олам”ни идрок этиш орқали бадиий ифода ракурсларини кенгайтириш; г) шайх-валийлар характерини уларнинг руҳият олами кенгликларида тасвирлаш; д) рамзий-мажозий тимсоллар моҳиятига кириш сингари янги поэтик тамойилларни олиб кирди. Бу тамойиллар истиқлол даври миллий романлари мавзу қамрови, ифода йўсинларини юксалтирди. Тарихий давр жанр тараққиёти учун муайян бадиий асос вазифасини бажарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, 2021 йил 4 февралдаги ПҚ-4977-сон “Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фондини ташкил этиш

тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 11 июлдаги ПФ-4988-сон “Абдухолик Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослари В.Б.Александров, Н.А.Бугрина, А.Ю.Петанова, В.В.Полонский, Н.В.Проскурня, Е.А.Цурганова, Ф.Бойназаров ва Ш.Шукуров изланишларида тарихий шахслар образини бадиий талқин қилиш, тарихий портрет, эпик баёнда ҳужжатлилик, ёзувчи ижодида тарихий-биографик романнинг ўрни, жанрий-услубий тажрибаларнинг аҳамияти, образ ва муаллиф дунёқараши сингари масалалар муайян даражада тадқиқ этилди<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Александров В.Б. Исторический портрет и его функционирование в историческом познании // Биография как вид исторического исследования. – Тверь, 1982. – С.52-69; Бойназаров Ф. Художественная интерпретация исторической личности (о походах Александра Македонского в Средней Азии в советской исторической прозе). Дис.д-ра филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1991; Бугрина Н.А. Документальность биографического повествования и его жанры // Факт, домысел, вымысел в литературе. – Иваново, 1987. – С. 117-131; Петанова А.Ю. Романистика Юрия Тынянова и ее жанровое своеобразие. Дис. канд. филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1990; Полонский В.В. Биографический жанр в творчестве Д.С.Мережковского 1920-1930-х годов. Дис.канд.фи-лол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1998; Проскурня Н.В. Ю.Н.Тынянов как писатель-литературовед: жанрово-стилевой эксперимент в истори-ко-биографическом романе. Дис. канд. филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1999; Цурганова Е.А. Современный роман и особенности литературы второй половины XX века // Современный роман. Опыт исследования. – М.: 1990. – С.3-24; Шукуров Ш. Совершенный человек и богочеловеческая идея в исламе // Совершенный человек. Теология и философия образа. – М.: 1997. – С. 72-110.

Аҳмад Яссавий ҳақидаги илк мақолалар XX аср бошидаёқ юзага кела бошлаган эди<sup>3</sup>. Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан эътиборан Зайниддин Восифий, истиқлол йилларида Алишер Навоий, Фахриддин Али Сафий, Ҳасанхўжа Нисорий асарлари ва сўфийлар ҳақидаги мақомотлар чоп этилди<sup>4</sup>. Таниқли рус, ўзбек ва турк олимлари Е.Э.Бертельс, Ф.Кўпрулу, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, Ҳ.Кароматов, И.Ҳаққул, Ҳ.Ҳомидий, Ҳ.Болтабоев, Н.Жабборов изланишларида тасаввуф тарихи, назарияси, сўфийлар ҳаёти ва ижоди кенг таҳлилга тортилди<sup>5</sup>. Истиқлол йилларида Насафий, Садриддин Салим Бухорий, Ҳамидхон Исломи, Нусратилла Жумахўжа, Султонмурод Олим, Озод Мўъмин,

---

<sup>3</sup> Саъдий А. Яссавий ким эди? / “Инқилоб”. 1922, 5-сон; Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд. Тошкент - Самарқанд, 1928; Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси. / “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1972, № 4-5; Ҳаққулов И. Навоий азиз билган... / “Ёшлик”. 1988. № 4; Ҳабибулла Зайниддин. Битикларда бордир ҳақиқат. / “Жаҳон адабиёти”. 2005 йил, 12-сон; Йўлдошев Қ. Моҳият реаллиги ифодаси. / Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2006; Мамадалиева З. Навоий ва Софокл. / “Жаҳон адабиёти”. 2014 йил, 2-сон; Юсупова М. Навоий образининг янги талқини. (Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-диалогияси мисолида) ФарДУ Илмий Ахбороти, 2019 йил 1-сон. – Б. 155-157; Адабий алоқалар – ижодий жараён кўзгуси (давра суҳбати) . // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2014 йил, 13-сон.

<sup>4</sup> Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақо. (Нодир воқеалар). Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад./ Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: 1999; Алишер Навоий. МАТ. Ўн учинчи том. Мажолисун-нафоис. – Тошкент: 1997; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, Ўн еттинчи том. – Тошкент: Фан, 2001; Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт. Таржимон Худойберган ибн Бекмуҳаммад. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Бахриддин Умрзоқ) – Тошкент.: Абу Али ибн Сино, 2004; Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: 1993; Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. – Тошкент: Фан, 2017; Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали Мақомотлари ёки Мақомот. Форсчадан Муталлиб Ҳазратқулов таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011; Ўринбоев Б. Шайх Худойдод Вали маънавияти. / Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти. Илмий-амалий анжуман материаллари.– Самарқанд: 2006.

<sup>5</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: 1970; Маллаев Н.М Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: 1976; Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-босқич. (Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Кўпрулу – Анкара: 1993; Қаюмов А.П. Алишер Навоий: (Улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар).– Тошкент: Камалак, 2001; Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид (Хожа Аҳрори Вали). Монография. Ўзбек ва тожик тилларида . “Сўғдиёна” ва “Зарафшон” нашриётлари. – Самарқанд: 1992, 1993; Ҳомиджон Ҳомидий.Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Тузувчи ва изоҳлар муаллифи: Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005; Ибн Араби. Избранное. Т.1. – М.: 2014; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977.; Alı Şir Navai ve eserleri sempozyumu. Bildiriler kitabı. – Istanbul: 2021; Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 254 б.

Мусулмон Намоз сингари ёзувчи ва олимларнинг шарҳлари юзага келди, ноширлик ишлари ривож топди<sup>6</sup>.

Сўнгги йилларда ҳимоя қилинган диссертацияларда ўзбек адабиётида шарият, тариқат, маърифатнинг шеъриятда акс этиши, нубувват, футувват талқини, образ ва тимсоллар тавсифи, туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг матний-қиёсий тадқиқи, Навоий ва мусиқа санъати сингари долзарб муаммолар тадқиқ этилди<sup>7</sup>.

З.Пардаева, Ш.Дониёрова, У.Қосимов, И.Якубов, Ғ.Муродовларнинг докторлик, Ш.Исаева, М.Пирназарова, Ф.Ҳожиёва, Ш.Ботирова, Д.Тўраевларнинг (PhD) диссертацияларида тарихий, тарихий-биографик ва замонавий мавзудаги ўзбек романларида характерлар руҳиятини тасвирлаш усуллари, романчиликнинг тараққиёт тамойиллари, жанр хусусиятлари, услуб масаласи, миллий руҳ ва қаҳрамон, анъана ва ўзига хослик, бадиий психологизм, мавзу ва ғоя, поэтик тасаввур ва эстетик талқин сингари долзарб муаммолар тадқиқ этилди<sup>8</sup>.

---

<sup>6</sup> Насафий (Евгений Ефимович Березиков). Хожа Аҳмад Яссавий. Бадиа. Русчадан Маҳкам Маҳмуд таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревғарий. Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний таржимаси; /. – Тошкент: Наврўз, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Маворуннаҳр, 2009; Ҳамидхон Исломи. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Фан, 2005; Til va adabiyot tadqiqotlari I. Karabuk Universiteti nashrlari: 53. – Karabuk, 2020; Фиш Радий Геннадиевич. Джалалиддин Руми. – М.: Молодая гвардия, 1972; Радий Фиш. Жалалиддин Румий. Роман. Рус тилидан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016; Идрис Шох. Нақшбандий тариқати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993; Насафий (Евгений Ефимович Березиков) Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Фан, 1993; Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003; Ўша муаллиф. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012; Ўша муаллиф. Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) Бадиа. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Озод Мўмин Хўжа. Ҳазрат Саид Амир Кулол (тарихий воқеаномалар). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2012; Шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. – Нақшбандий. Ўзбекистон – авлиёлар ватани. – Тошкент: Sano-Standart, 2019; Мусулмон Намоз (Намозов Мусурмон). Баҳоуддин Нақшбанд. –Тошкент: Sharq, 2018.

<sup>7</sup> Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар) – филол. фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд: 2019; Бекташева А. Тариқат, маърифат ва шеърият муштарақлиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида). – филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Тошкент: 2019; Джураева Л.Ш. Навоий ва мусиқа санъати. – Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2019.

<sup>8</sup> Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент: 2001; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: 2003; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент: 2006; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси: Филол. ф. д-ри. дисс. – Тошкент: 2012.; Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. ф. д-ри. дисс. –

Профессор А.Расулов: “Ўзбек адабиётида тарихий, таҳлилий, биографик, мистик, саргузашт, фантастик, детектив, сатирик, маиший романлар пайдо бўлди”<sup>9</sup>, – деб ёзади. Олим И.Ёқубов мустақиллик йиллари ўзбек романида жанр модификацияси содир бўлганини таъкидлар экан, унинг роман-эпопея, роман-пенталогия, ривоят-роман, мистик-роман, илмий-фантастик роман, маърифий-биографик роман, эссе-роман, роман истехзо, роман-мушоҳада, роман-публицистика, “мини-роман” каби ички шакллари пайдо бўлганини қайд этади<sup>10</sup>.

Юқоридаги тадқиқотлардан чиқариладиган илмий-назарий умумлашмалар истиқлол даври ўзбек романларида шайх-валийлар образининг бадий талқинларини монографик аспектда тадқиқ этишда илмий-назарий асос вазифасини ўтайди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2 “Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари: талқин ва тадқиқ” (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Истиқлол даври ўзбек романларида яратилган шайх валийлар образларининг янгича бадий талқинларини ёритиб беришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

Тошкент: 2018; Муродов Ғ. Тарихий романининг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. Филол. ф. д-ри. дисс. – Тошкент: 2018; Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик. (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида) Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: 2020; Хажиева Ф. Биографик роман жанри хусусиятлари (И.Стоун, М.Қориев ва Н.Норматов асарлари қиёсида). Филол. фан. фалсафа докт(PhD)... дисс... – Тошкент: 2018; Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида) Филол. фан. фалсафа докт (PhD)... дисс... – Қарши: 2019; Тўраева Д. Бадий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласи. фалсафа доктори (PhD) дисс... ) Филол. фан. фалсафа докт(PhD)... дисс. – Фарғона: 2019.

<sup>9</sup> Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2003 йил. № 9. – Б.154.

<sup>10</sup> Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. –Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б.4.



шайх-валийлар ҳақидаги романлар учун эпик замин вазифасини ўтовчи диний манбаларни қиёсий-типологик ўрганиш;

романчиликдаги пайғамбарлар ва буюк сўфийлар шахсиятини бадиий талқин қилиш адабий анъанасининг ютуқлари ва нуқсонларини очиб бериш;

“Аҳмад Яссавий” романининг ҳаётий асослари ва бадиий талқини орқали ижодкор бадиий концепциясини белгилаш;

Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Паҳлавон Муҳаммад сингари мутасаввиф шайх-валийлар ҳамда Алишер Навоийнинг улуғ шахси, уларнинг адабий қаҳрамон сифатидаги маънавий-руҳий камолот йўлларининг романда ёритилишини таҳлил қилиш;

тарихий-биографик романлардаги бадиий тасвир усулларини аниқлаш ва адабий қаҳрамон маънавий-руҳий оламининг бадиий реаллашув жараёнини тадқиқ этиш, бадиий мушоҳада ва ифода муштараклигини ўрганиш;

шайх-валийлар образи талқини орқали С.Сиёев, Т.Ҳайит, А.Дилмурод ва И.Султон сингари адиблар бадиий маҳоратини баҳолаш;

романларнинг бугунги кун китобхони дунёқараши, маънавиятига таъсири, шахс камолотидаги ўрнини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”, Тўлқин Ҳайитнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси”, Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад”, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” тарихий биографик романлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Истиклол даври ўзбек романларида шайх-валийлар образларининг бадиий талқини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, биографик, социологик, аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва бадиий-эстетик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва ўзбек адабиётида Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Паҳлавон Муҳаммад, Алишер Навоий каби сўфийлар сиймосининг яратилишида шайх валийларнинг ғайритабиий туғилиши, дунёқарашининг

назар остида юксалиб бориши, пир хомийлигида маънавий-руҳий камол топиши ва эзгу амалларга камарбаста бўлиши сингари омиллар асос бўлганлиги аниқланган;

шайх-валийлар сиймоси тасвирланган Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”, Тўлқин Ҳайитнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси” сингари тарихий-биографик романларнинг генетик илдизлари жаҳон адабиётидаги агиография, ҳаётнома, биографик портрет, Қуръони карим, ҳадиси шариф руҳи ва ўзбек адабиётидаги ҳолат, қисса, маноқиб, дoston сингари жанрларга тутшиб бориши далилланган;

Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад” тарихий-биографик романи тасвир йўсинига кўра ўзида ҳам очик, ҳам ёпиқ романларга хос хусусиятларни аралаш ҳолда намоён этганлиги, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида инсон умрининг мазмуни табиат-жамият-инсон учлиги (триадаси)нинг муносабатларини характерлар қисмати мисолида кўрсатганлиги очиб берилган;

жаҳон адабиётидаги мавзуга оид асарларнинг иймонсизлик, ахлоқий нопоклик, қасоскорлик ва қотиллик акс этган тасвирларига, жоҳилият даври ва айрим культларга алоқадор мотивларга, индивидуализм белгилари ёрқин намоён бўлган ўринларга, эътиқоди ва илми-аъмоли залолатда бўлган риёкор шахслар адабий қаҳрамон сифатида танланиб, дин уламолари образи ва турмуш тарзининг сатирик планда тасвирланиши каби хусусиятларига эргашиб бўлмаслиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилганлиги, диссертация режасининг тўғри тузилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, биографик, социологик, аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва бадий-эстетик таҳлил каби тадқиқот усуллари билан асосланганлиги, истиқлол даври ўзбек романларида шайх-валийлар образининг бадий талқинларини таҳлил ва тадқиқ этишда Қуръони карим, ҳадиси шариф ва тасаввуф адабиётига оид саҳиҳ манбалар,

романшунослик ютуқлари акс этган ишончли илмий-назарий адабиётларга таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар истиқлол даври ўзбек романларида шайх ва валийлар образларининг бадиий талқинларини кенг қўламда монографик тадқиқ қилиш орқали ўзбек ва дунё адабиётшунослигидаги мавжуд билимларни тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти муайян давр кесимидаги образларнинг бадиий талқинларини асл маншаъи ва жаҳон адабиётидаги аналоглари билан қиёсий ўрганиш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш натижасида чиқарилган фикрлар ҳозирги адабий жараён, адабий танқид тарихи бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига, романшунослик муаммоларини тадқиқ этиш бўйича олиб бориладиган кейинги ишларга илмий манба бўлиб хизмат қилиши, ўзбек романлари масалалари бўйича махсус курслар ўтишда, академик лицей ва умумтаълим мактабларида дарс машғулотлари олиб боришда, дарслик, ўқув қўлланмалар ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Истиқлол даври ўзбек романларида шайх валийлар образининг бадиий талқинлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жаҳон ва ўзбек адабиётида Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Паҳлавон Муҳаммад, Алишер Навоий каби сўфийлар сиймосининг яратилишида шайх валийларнинг ғайритабиий туғилиши, дунёқарашининг назар остида юксалиб бориши, пир ҳомийлигида маънавий-руҳий камол топиши ва эзгу амалларга камарбаста бўлиши талқинларига оид илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф1-80 рақамли “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 5 июлдаги 3/1255-1961-сон

маълумотномаси). Натижада Истиқлол даври романларида образ генезиси ва такомили, ижодкор поэтик маҳорати муаммоларини аниқлашга эришилган;

шайх-валийлар сиймоси тасвирланган Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”, Тўлкин Ҳайитнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси” сингари тарихий-биографик романларнинг генетик илдизлари жаҳон адабиётидаги агиография, ҳаётнома, биографик портрет, Қуръони карим, ҳадиси шариф руҳи ва ўзбек адабиётидаги ҳолот, қисса, манокіб, дoston сингари жанрларга туташиб бориши билан боғлиқ илмий хулосалардан ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 5 июлдаги 3/1255-1961-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек романчилигида янгиланган адабий-эстетик тафаккурнинг инъикос этиши, табаррук инсонлар ва улар илгари сурган маърифий ғоя, уларнинг аҳамияти сингари илмий натижалар XX аср ўзбек насри дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилган, лойиҳа илмий маълумотлар билан бойитилган;

Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад” тарихий-биографик романи тасвир йўсинига кўра: ўзида ҳам очик ҳам ёпиқ романларга хос хусусиятларни аралаш ҳолда намоён этганлиги, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида инсон умрининг мазмуни: табиат-жамият-инсон учлиги (триадаси)нинг муносабатларини характерлар қисмати мисолида кўрсатганлиги очиб берилганлиги ҳақидаги назарий хулосаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ижодий кенгаши йиллик ва истиқболли режалари доирасида 2019-2021 йиллардаги ҳисобот йиғилиши дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2021 йил 4 майдаги 01-03/622-сон маълумотномаси). Натижада Истиқлол даври ўзбек романларида тарихий-адабий қаҳрамонларни кескин қутблантириш чуқурлашган, миллий романчиликнинг ютуқ ва нуқсонларини белгилаш имкони юзага келган;

жаҳон адабиётидаги мавзуга оид асарларнинг иймонсизлик, ахлоқий нопоклик, қасоскорлик ва қотиллик акс этган тасвирларига; жоҳилият даври ва айрим культларга алоқадор мотивларга; индивидуализм белгилари ёрқин намоён бўлган ўринларга; эътиқоди ва илми-аъмоли залолатда бўлган рижкор шахслар адабий қаҳрамон сифатида танланиб, дин уламолари образи ва турмуш тарзининг сатирик планда тасвирланиши каби хусусиятларига эргашиб бўлмаслиги билан боғлиқ таҳлилий фикр-хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Миллат ва маънавият”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2021 йил 30 апрелдаги 04-25-655-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиттиришлар илмий жиҳатдан бойитилиб, миллий романчилигимиз ютуқлари кенг оммага ҳавола этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та, жумладан, хорижий журналда 4 та, республика журналларида 5 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

# Ў БОБ. ШАЙХ-ВАЛИЙЛИК ТУШУНЧАЛАРИ: ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

## 1.1. Диний ва тасаввуфий манбаларда шайх-валийлик: адабиётшуносликдаги ўрганилиш тарихи

Истиқлол шарофати билан халқимиз Аллоҳ таолонинг пайғамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга, ул киши орқали барча инсониятга юборган муқаддас Каломи – Қуръони карим ва тафсирлари, ҳадиси шарифнинг моҳияти, саҳобаларнинг ибратли йўллари ҳақидаги энг муҳим ва саҳиҳ маълумотлардан воқиф бўлди. Шунинг баробарида тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид илмлари мўътабар илм экани, у инсон қалбини тозалаш, бандага Аллоҳни танитиш, ундан қўрқиш (яъни “илми аввал” ва “илми охир” М.О.)ни ўргатиш билан шуғулланишини чуқурроқ англаб етдилар. Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол йилларида маънавиятимиз илдизлари ва ислом тасаввуфи асослари билан кенгроқ танишиш имкони юзага келди. Юзлаб кўлёмалар илмий истеъмолга киритилди. Диний-маънавий меросни ўрганиш қайтадан жонланди.

Албатта, ҳар бир манба ўзига хос мазмун-мавқега, услуб ва ифода тарзига эга. Табиийки, тасаввуф илми ва шайх-валийликни тадқиқ этиш жараёнида Ислом динининг асосий манбаи ва илмий-назарий асоси бўлмиш Қуръони каримга мурожаат этилади. Биз тадқиқ қилаётган мавзу ҳам Ислом дини ва унинг марказида турувчи бош манба Қуръон доирасида ўз изоҳини топади. Қуръони карим ҳақиқатларини халққа тушунтириш, шарҳлашга бўлган интилиш Эрону Туронда кўп асрлар олдин бошлангани яхши маълум. Шунинг назарда тутиб, бундай ҳаракатларни икки катта даврга ажратдик:

I. Қуръони карим маъноларининг XX асргача амалга оширилган таржималари<sup>11</sup>: Бу таржималар форс ва татар тилларида амалга оширилган ҳамда ўзбек халқи тушунишида бирқадар қийинлик қилган.

---

<sup>11</sup> Абу Жаъфар Табарийнинг (875- 999) “Қуръони карим тафсири” форс тилига изоҳли таржимаси; Абдуносир Қурсавийнинг (1776-1812) татар тилига таржимаси; Хусайн Амирхоновнинг (1814 - 1893) татар

II. Қуръони карим маъноларининг XX асрда амалга оширилган таржималари<sup>12</sup>. Мустақилликкача бўлган даврда ҳам Қозон ва Покистон нусхаларининг мавқеи баланд эди. Олтинхон тўра араб имлоси билан ўзбек тилига ўгирган Қуръони карим маъноларининг таржимаси мустақилликнинг илк даврларида ўзбек китобхонларига етиб борган бўлса-да, мазкур таржимадан араб имлосини мутолаа қила оладиган кишиларгина баҳраманд бўлдилар. Чунки ушбу маъноли таржима гарчи ўзбек тилида бўлса-да, араб имлосида экани боис оддий аҳолига қийинчилик туғдирди. Ўзбекча изоҳли таржималарнинг пайдо бўлиши, илм ва ижод аҳли ҳамда кенг китобхонларга етиб бориши истиклол берган улуғ неъматлардан биридир. Улар адабий ижод аҳли фикр кенгликлари, тахайюл юксакликлари, ифода йўсини инжаликлари, мавзу ва образлар оламининг кўлами янада ранг-баранглашуви учун асосли манба вазифасини ўтади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) даврларида юзага келган “тафсир” сўзи баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш маъноларини англатади. Аммо уламолар истилоҳида: “Тафсир – инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илмдир”, – деб таърифланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) одамларга Қуръони каримнинг маъноларини ўз суннатлари билан баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон

---

тилига таржимаси; Муҳаммад Содик Имонқулининг (1870-1932) икки жилдли “Тасҳилил баён фит-тафсирул Қуръан” (Қуръон тафсирини осонлаштириб тушунтириш) китоби. Татар тилига таржимаси (Қозон, 1910-1911).

<sup>12</sup> 1) Шайхулислом Ҳамидий. “Ал-Итқон фит-таржиматул-Қуръан”. Қозон, 1907. Бу китоб ўша даврда Қатар, Япония ва Туркияда ҳам чоп этилган (М.О) 2) Нўъмоний. “Коръэн тафсире”. Икки жилдлик. – Қозон, 1907. 3) Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (Олтинхон тўра)<sup>12</sup>. Қуръони карим маъноларининг илк туркий (эски ўзбек тилидаги) таржимаси (1956). – Покистон, 1975. Таникли арабшунос Исматулла Абдуллаев ушбу нашрни ўзбек кирилл ёзувига табдил этиб, ўз ҳисобидан 100 нусха нашр эттирган (1994.) 4) Алоуддин Мансур. Қуръони карим, Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 767 б. 5) Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 640 б.; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Туркия: Türkiye Diyanet Vakfı, 2018. – 628 б.; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2019. 6) Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б. (Ушбу китоб 2001; 2004; 2017 йиллари қайта-қайта чоп этилди. М.О.) 7) Шайх Усмонхон Темурхон Самарқандий. “Тафсири ирфон”<sup>12</sup>. Олти жилдлик. – Қуръони карим маъноларининг ўзбекча таржима ва тафсири. – Тошкент: 2019. 8) Шайх Муҳаммадjon мулла Рустам ўғли (Муҳаммадjon хожи Ҳиндистоний) Қуръони каримнинг маънавий таржимаси – “Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон”<sup>12</sup>. 9) Шамсиддин Маҳбубий. Қуръони карим маънолари таржимаси. (1990-1993). 10) Шамсиддин Бобохонов<sup>12</sup> Қуръони карим таржимаси. “Амма” пораси изоҳли таржимаси (1991).

Шунингдек, қаранг: Ғафуров И. Қуръон таржималари: тажрибалар. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2009 йил, 16-сон.

оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эдилар. Демак, тафсир илми саҳобаларга пайғамбаримиздан мерос қолган эди. Саҳобаларнинг бу илмдаги даражалари турлича эди. Шунинг учун баъзи оятлар маъносини англашда тафсир илмида машҳур бўлган ҳазрати Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқалардан сўраб олишга эҳтиёж сезиларди. Тобеъинлар ҳам тафсирни саҳобалардан ўрганиб, шуҳрат қозонишган. Саҳобалар ва тобеъинлар даврида ҳам тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлган. Тафсирлар китобат қилиниши билан бу илмда янги давр бошланган. Тафсир илми келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнида икки қисм: 1) саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг фикрлари билан тафсир қилинган китоблар; 2) муфассирнинг ўз фикри ва интилиши билан тафсир қилиш жараёнида яна иккига: а) тафсирчи ишончли манбаларга таянган; б) тафсирчи бидъат ва залолатдан халос бўлолмаган китоблар юзага келган. Шунингдек, оятнинг зоҳирий эмас, балки фақат махфий (ишоравий) қатламини тафсир қилувчи сулук ва тасаввуф арбоблари ҳам бўлган. Тафсир китоблари ҳам замон, макон, халқ, миллат, элатлар, мазҳаб ва йўналишига кўра фарқланади.

Қуръони карим тафсирига оид мингдан зиёд ҳадисларни жамлаган “Жомеъус-саҳиҳ” асари муаллифи – имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий Мовароуннаҳрдаги тафсир илми ва муфассирлар сардори эди. Шундан сўнг “Таъвийлоту аҳлис-сунна” муаллифи имом Мотуридий, “Баҳрул улум”нинг муаллифи имом Абу Лайс (Имом Ҳодий) , “Кашшоф ан ҳақоиқи ва уйунил ақовили фий вужухит-таъвийл” (“Кашшоф”) тафсири муаллифи Замахшарий, “Мафотихул ғайб” номли тафсир китобининг муаллифи Ҳусайин Розий, “Мадорикут-танзил”нинг муаллифи Имом Насафий ва бошқаларни санаш ўринлидир. Айни пайтда Мовароуннаҳрда тожик, ўзбек, татар ва бошқа тилларда ёзилган: “Итқон”, “Тафсири Нўъмоний”, “Тафсири Тибён”, “Тафсири Мавлоно Чархий” каби тафсирлар ҳам борлигини қайд қилиш ўринлидир.



## **1. Диёримиздан етишиб чикқан муфассирлар ёзган тафсирлар:**

Қуръони каримнинг маънолар таржимаси ва тафсири билан шуғулланган аксарият шайх-уламоларимиз оятлар маъноси имкон қадар замондош китобхонларга тушунарли, содда ва раво бўлишига ҳаракат қилишди. Улар оятларни тафсир қилиш асносида олис ва яқин ўтмишдаги ҳамда доктор Ваҳба аз Зухайлий каби бизга замондош муфассирларнинг “Тафсири Мунир” типидagi тафсирлари, шунингдек, рус, татар тилларидаги тафсирлардан ҳам фойдаланишди. Замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, оламшумул кашфиётлар баён этилган илмий китобларга мурожаат этишди. Таъкидлаш ўринлики, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири ҳилол” асари нашр этилиши салкам юз эллик йиллик танаффусдан сўнг қадим Мовароуннаҳр диёридаги тафсир илмининг қайта тикланиш даврини бошлаб берди<sup>13</sup>.

**2. Истиқлол йилларида илмий истеъмолга киритилган қўлёзмалар ва тасаввуфшунослик:** Биз истиқлол йилларида илмий истеъмолга киритилган қўлёзмалар орасида қадимги миф ва афсоналардан тортиб “Авесто”, “Хуастуанифт”, “Ирк битиги”, “Олтин ёруқ” достонигача; Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, Зайниддин Муҳаммад Ғазолийнинг “Кимёи саодат”, Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбату-л-ҳаёт”, Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Факрнома”, Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт”, Шайх Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара”, Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, “Мажолиси саъба”, Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи волидия”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”, Сўфи Оллоҳёрнинг “Маслаку-л-муттақин”, Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” ва бошқа кўплаб асарларни учратамиз.

---

<sup>13</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Тошкент: “HILOL NASHR”, 2017. – 628 б.

Шу боис тадқиқот объектларига дахлдор бўлган манбаларни шарҳлашга муайян эҳтиёж мавжуд деб ҳисоблаймиз:

Шарқ адабиётида “Шайх Санъон ва тарсо қизи қиссаси”, “Иброҳим Адҳам ва роҳибнинг қиссаси”, “Шоҳ Машраб қиссаси” каби асарлар севиб ўқилган. Яссавий ва Машраб бир талай шеърларида Мансур Халлож номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишган. XI-XII асрларда яшаган тарихий шахс деб тахмин қилинувчи “Шайх Санъон” ҳақидаги севги қиссаси Шарқ мамлакатлари халқлари орасида илк маротаба шайх Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида қаламга олинган. Кейинчалик, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари 79-бобида Худхуд ишқ йўли моҳиятини тушунтириш учун шайх ул-машойих даражасига эришган инсон – Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Қиссада кўнгли ғайб сирларини билувчи шайхнинг насроний қизига ошиқ бўлгани ва ишқ йўлида онгли равишда ўз қисматида кўнгани билан боғлиқ ғаройиб қисмати қаламга олинади.

Адабиётшунос Зуҳра Мамадалиева “Навоий ва Софокл”<sup>14</sup> мақоласида Навоий Шайх Санъони сабри ва Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясидаги Шоҳ Эдипнинг тақдир ҳукмига исёнкорона муносабатини қиёслашга интилан. “Лисон ут-тайр”ни тадқиқ этган профессор У.Жўракулов “Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари”<sup>15</sup> номли мақоласида шоир ва сўфий Навоий феноменини бир бутун идрок этишга ҳаракат қилган. Баҳодир Нурмухамедовнинг “Навоийнинг “Лисон ут тайр” асарида авлиёлик таърифи” мақоласида “Лисон ут-тайр”нинг диний-фалсафий моҳияти кенг таҳлилга тортилган.

Шайх Худойдод Валий ўз шеърларида яссавия анъаналарига мувофиқ тариқат ғояларини тарғиб этган эди<sup>16</sup>. Унинг илмий-адабий меросини ўрганиш ва таҳлил қилишда Б.Валихўжаев ва Б.Ўринбоевларнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Б.Ўринбоев: “Шайх Худойдод

<sup>14</sup> Мамадалиева З. Навоий ва Софокл. // “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент, 2014 йил, № 2. – Б. 49.

<sup>15</sup> Жўракулов У. “Лисон ут тайр”да хронотоп шакллари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010, №1. – Б.16-26.

<sup>16</sup> Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали Макомотлари ёки Макомот. Форсчадан Муталлиб Ҳазраткулов таржимаси. – Тошкент: Мовароуннахр, 2011. – Б.12.

Ўзи эришган билимларни ажойиб ҳикматларида мерос қолдирган. Унинг ҳикматларидаги марказий образ – Аллоҳ. Ўзбек адабиётида Яссавийдан сўнг полефоник (оҳангдорлик) тафаккурни Худойдод Валий давом эттирган. Шайх Худойдоднинг ижодидаги мазкур кўп оҳанглилик, кўп маънолилик эса, Қуръони карим таъсирида юзага келган<sup>17</sup>, – деб таъкидлайди.

Истиқлолнинг илк кунларидаёқ академик А.П.Қаюмов “Алишер Навоий: (Улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар)”<sup>18</sup> китобини нашр қилдирди. Кейинчалик олимнинг кўп жилдликлари юзага келди. Академик Б.Валихўжаев “Буюк маънавий муршид (Хожа Аҳрори Валий)”<sup>19</sup> монографиясида Хожа Аҳрори Вали ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиш тарихи, яшаган даври, мухити, турмуш тарзи, феъл-атвори, ёзган асарлари ва панд-ўғитлари ҳақидаги мулоҳазаларни қамраб олди. Профессор Ҳ.Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари”<sup>20</sup> рисоласида ҳам Шарқнинг машҳур машойихлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида қисқа ва ихчам маълумот берилди. Муҳими, рисоладаги аксарият лавҳалар биринчи манбалар асосида, у ёки бу аллома асарларига суянган ҳолда ёзилган.

Профессор Ҳ.Болтабоев тузган “Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи)”<sup>21</sup> илмий мажмуаси араб, форс ва турк тилидан ўгирилган қимматли манбаларни жамлагани билан аҳамиятлидир. Мажмуада Қуръони карим, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Туркий тафсир”, “Илоҳий мулоқот”, “Тайр қиссаси”, “Кимёи саодат”, “Мукошафату-л-қулуб”, “Ихйа ал-улум ад дин”, “Рутбату-л-ҳаёт”, “Факрнома”, “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт”, “Усули ашара”, “Рисолаилал қоим”, “Маснавийи маънавий”, “Фиҳи ма фиҳи”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Рисолаи Волидия”, “Насойиму-л-муҳаббат”, “Футуватномаи султоний”, “Мубаййин”, “Маслаку-л-муттақин”,

<sup>17</sup> Ўринбоев Б. Шайх Худойдод Вали маънавияти. / Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: 2006. – Б.7.

<sup>18</sup> Қаюмов А.П. Алишер Навоий: (Улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). –Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.

<sup>19</sup> Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид (Хожа Аҳрори Вали). – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 152 б.

<sup>20</sup> Ҳомиджон Ҳомидий.Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 208 б.

<sup>21</sup> Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи) . Тузувчи ва изоҳлар муаллифи: Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.

“Тазкираи қаландарон”, “Рисолаи қаландарий” каби қимматли асарлардан парчалар берилди.

Ҳ.Болтабоевнинг “Туркий тазкираларда Алишер Навоий сиймоси”, У.Қосимовнинг “Навоий ва Саъдий”, Н.Жумаҳўжанинг “Мурувват барча бермақдур...”<sup>22</sup>, С.Олимнинг “Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таърифи”<sup>23</sup> мақолалари долзарб мавзуга бағишлангани билан илмий-адабий жамоатчилик эътиборига тушди.

У.Қобилов “Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар)”<sup>24</sup> монографик тадқиқотида ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқинига асос бўлган манбалар: (“Қисса-ул анбиё”лар туркуми, “Қасас ар-Рабғузий”, Атоийи ва Саккокий шеърляти, Алишер Навоий “Хамса”си ва лирик девонлари, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, меърожномалар, ҳамдлар, наътлар, васфлар, мадҳлар, ҳамду наът ғазаллар, ривоятлар, ҳикоятлар)нинг мумтоз адабиётга таъсири; нубувват тушунчасининг маънолари; унинг ўзига хос бир мақом сифатида шаклланиши; нубувват ва бадий ижод масалаларини ёритиб берди. Ўзбек адабиётида тавҳид, нубувват; набавий мўъжизалар; малаклар олами талқини; шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашларни атрофлича ўрганди. Ўзбек адабиётида нубувват ва нубувват халқаси ифода этилган ранг-баранг жанрий шаклларни тадқиқ этди. Тарихий-бадий қиссалар ва улар шаклланишига асос бўлган ҳолатларга баҳо берди. Тасаввуф адабиётида нубувват мотиви орқали ифодаланган маърифий масалаларни аниқлаб, нубувват мақомига берилган изоҳ-шарҳлар ва улар бадий ифодасидаги ўзига хосликларга аниқликлар киритди. Мумтоз шеърятда пайғамбарлар образи орқали ифодаланган поэтик манзаралар, рамзий-мажозий ифодалар оламини ёритиб берди. Мазкур тимсоллар билан боғлиқ хилма-хил бадий детал ва образлар

<sup>22</sup> Болтабоев Ҳ. Туркий тазкираларда Алишер Навоий сиймоси. // “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.170.; Қосимов У. Навоий ва Саъдий. // “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.160.; Жумаҳўжа Н. Мурувват барча бермақдур. // “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.156.

<sup>23</sup> Олим С. Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таърифи. // “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент: 2013 йил, №3. – Б.152.

<sup>24</sup> Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар) – филол. фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд: 2019. – 283 б.

оламига муайян баҳо берди. Нубувват мотиви ва образлари ифодалаган миллий ва умуминсоний қадриятлар, туйғу ва кечинмалар жозибадорлигини бадиий матнлар асосида таҳлил этди.

Азиза Бекташеванинг филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида<sup>25</sup> тасаввуф адабиёти йирик намоёндаси шайх Нажмиддин Кубронинг манқабавий ҳамда тарихий ҳаёти ва фаолияти ёритилиб, аксарияти хорижий ўлкаларда таржима этилиб нашр этилган ва маълум бир қисми хануз қўлёзма ҳолича қолаётган илмий-адабий ва шеърӣй мероси ўрганилди ва илмий истеъмолга киритилди. “Тасаввуф ҳақида бир рисола” насрий асари орқали шайхнинг сўфиёна шеърӣятга муносабати белгиланди. Салафлар шеърӣяти билан Кубро асарларидаги ўзаро ўхшашлик кирралари очилди. Унинг замондош ўзбек ўқувчиси учун янгилик бўлган бир қатор форсча рубоийлари, фардлари, қитъалари ва арабча шеърлари таҳлилга тортилди.

Мустақиллик йилларида Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад”,<sup>26</sup> Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”<sup>27</sup>, Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр”<sup>28</sup>, Тўлқин Ҳайитнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси”<sup>29</sup>, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий”<sup>30</sup> каби романлари ёзилди ва нашр қилинди. Шубҳасиз, бу мустақиллик даври адабий жараёнида юзага келган ижобий силжиш, яъни юқорида саналган манбалардан имкон қадар баҳраманд бўлиш асосида юзага келган эди. Шунинг учун объект учун танланган тўртта роман юзага келишида муҳим бўлган, улар учун манба вазифасини ўтаган асарлар ҳақида ҳам махсус тўхталамиз:

*1. Ҳожа Аҳмад Яссавий тўғрисидаги маълумотлар акс этган асарлар:*

<sup>25</sup> Бекташева А. Тариқат, маърифат ва шеърӣят муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида). – филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Тошкент: 2019. – 163 б.

<sup>26</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 432 б.

<sup>27</sup> Сиёев Саъдулла. Аҳмад Яссавий: Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 336 б.

<sup>28</sup> Мухторов О. Навоий ва рассом Абулхайр. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 223 б.

<sup>29</sup> Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман / Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 448 б.

<sup>30</sup> Исажон Султон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: “ADABIYOT” нашриёти, 2021. – 512 б.

Ўз давридаёқ “Султон ул-орифин”, “Пири Туркистон”, “Туркистон аҳлининг қиблайи дуоси” каби юксак ва шарафли номлар билан ардоқланган Хожа Аҳмад Яссавий тўғрисидаги дастлабки маълумотларни биз Сўфи Муҳаммад Донишманднинг (XII аср) “Миръот ул-қулуб” (“Кўнгуллар кўзгуси”) ва Муҳийуддин ал-Арабий (вафоти 638/1240)нинг айрим асарларида учратамиз. Улардан сўнгги давр олимлари: Хожа Муҳаммад Порсо<sup>31</sup>, Алишер Навоий<sup>32</sup>, Фахруддин Али Сафий<sup>33</sup>, Ҳасан Хожа Нисорий<sup>34</sup>, Султон Аҳмад Ҳазиний<sup>35</sup>, Муҳаммад Тоҳир Хоразмий<sup>36</sup>, Ғулом Сарвар Лоҳурий<sup>37</sup> ва бошқалар томонидан ёзилган асарларда ҳам Аҳмад Яссавий ҳақидаги қимматли маълумотлар келтирилган.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли, ижодиёти ва авлодларининг тақдири, тариқат қонун-қоидалари ҳақида қимматли маълумот берувчи илмий, адабий, маноқибий китоблар қаторида: Сулаймон Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби”, Мавлоно Сафийуддин Қўйлиқийнинг “Насабнома”, Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳоту айни-л-хаёт”, Фазлуллоҳ Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг “Жавоҳир ул-аброр мин амвожил биҳор”, Шайх Муҳаммад Олим Сиддиқнинг “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс” каби асарларни санаш лозим. Ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Аҳмад Яссавий даври эмас, балки XVI аср бошларидаги тарихий аҳамиятга молик воқеалар тасвирланган. Шунга қарамасдан, асарда Хўжа Аҳмад Яссавий ватани – Ясси

---

<sup>31</sup> Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия”, “Таҳқиқот”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мухтасари тарихи Макка”, “Фусулул хитоб би васлил аҳбоб” каби йигирмадан ортиқ китоблар муаллифидир (М.О.).

<sup>32</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, Ўн еттинчи том. – Тошкент: Фан, 2001. – 419 б.

<sup>33</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-хаёт. Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ) – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. – 535 б.

<sup>34</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: 1993. – 344 б.

<sup>35</sup> Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. – Тошкент: Фан, 2017.

<sup>36</sup> Муҳаммад Тоҳир Хоразмий. “Силсилаи хожағони нақшбандия”, “Ал-абёт ул-нақшбандия”, “Хужжат ас-солиқин ва роҳат ат-толибин”, “Рисола сайр илаллоҳ”, “Румуз ул-калом” асарлари муаллифидир. (М.О.)

<sup>37</sup> Мавлавий Ғулом Сарвар ибн муфтий Ғулом Муҳаммад ал-Лоҳурий. “Ҳазинат ул-асфиё” (“Мусаффо кишилар хазинаси”) номли форсий тилда ёзилган икки жилддан иборат асар муаллифидир. Мазкур асарнинг тўртинчи махзани (боби) нақшбандия тариқатига бағишланган. Муаллиф сўзни Салмон Форсий (розияллоху анху)дан бошлайди. Унда Ҳамадоний ва унинг тўрт халифаси: Баррақий, Андоқий, Яссавий ва Ғиждувонийлар, сўнг Ғиждувонийнинг халифалари, Нақшбанд ва унинг халифалари ҳақида баён қилинган. (М.О.)

шахрининг ўша вақтларда Туркистон вилояти маркази экани, Яссавий қабри устида ғоят баланд мухташам ва улуғвор мақбара қад ростлагани қайд этилади. Муаррих Сайрамда бўлган кезларида Яссавий авлодларидан бўлмиш шайхулислом шайх Шамсиддин ибн Муҳаммад Моҳим билан учрашиб суҳбатда бўлганини ҳам таъкидлайди.<sup>38</sup>

Манбалар бениҳоя кўп ва талқинлар турлича экани боис, яссавийшуносликни бир неча даврларга тасниф қилиш ўринлидир:

*а) XX асрнинг 20-30 йилларидаги яссавийшунослик.*

Муҳаммад Фуод Купрулининг “Турк адабиётида илк мутасаввифлар” (1918) китоби яссавийшуносликда муҳим ҳодиса бўлди. Дарҳақиқат, унинг саккиз марта нашр этилиши ҳам бежиз эмасди<sup>39</sup>. Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда ҳам мумтоз адабиёт тарихига қизиқиш ортди. Жумладан, профессор Абдурахмон Саъдийнинг “Яссавий ким эди?” номли мақоласи юзага келди<sup>40</sup>. Ўзбек адабиёти тарихи билан фаол шуғулланган Абдурауф Фитрат<sup>41</sup> “Аҳмад Яссавий”, “Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” (1928) мақолаларини чоп эттирди<sup>42</sup>. Унинг “Аҳмад Яссавий” номли мақоласида тасаввуф тўғрисида умумий маълумот берилгач, Яссавийнинг илк устози Арслонбоб экани таъкидланади. Сўнгра у Юсуф Ҳамадонийнинг муриди ва учинчи халифаси сифатида танилиб, устоз вафотларидан сўнг муайян муддат Бухорода шайхлик қилгани ва кейин Яссига қайтгани ҳақида маълумот берилади. “Девони ҳикмат”нинг нусхалари, маърифий-ирфоний қиммати ва адабий таъсири масалаларига тўхталинади. Аҳмад Яссавийнинг муҳити ва мафкураси (дунёқараши, таъкид бизники М.О.) ҳақида гап кетган ўринларда Фитратнинг айрим ҳикматларни таҳлил қилишда синфийлик тамойили билан ҳисоблашишга мажбур бўлганини ҳам кўриш мумкин.

<sup>38</sup> Ҳабибулла Зайниддин. Битикларда бордир ҳақиқат. // “Жаҳон адабиёти”. 2005 йил, 12-сон.

<sup>39</sup> Фуод Купрули. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-босқич. (Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Купрули. – Анкара: 1993. – 415 б.

<sup>40</sup> Саъдий А. Яссавий ким эди? // “Инқилоб”, 1922, 5-сон.

<sup>41</sup> Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд. – Тошкент-Самарқанд: 1928.

<sup>42</sup> “Маориф ва ўқитғучи”. 1927, 6-сон. – Б.29-35; “Маориф ва ўқитғучи”. 1927, 7-8-қўшма сонлар. – Б.39-44.

*б) XX аср 30 -70 йилларидаги яссавийшунослик.*

XX аср 30-йилларидан то етмишинчи йилларигача Яссавий ижодиётини тадқиқ этишда муайян турғунлик ҳукм сурди. Даврнинг мафкуравий таъйиқларига қарамасдан, Иброҳим Мўминов XX асрнинг 50-60 йилларида Навоидан тортиб, Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилди. Эргаш Рустамовнинг айрим мақолаларида ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрганилди.<sup>43</sup> Е.Э.Бертельс “Суфизм и суфийская литература” китобида Аҳмад Яссавий ҳақида махсус тўхталмаган бўлса ҳам, тасаввуф ва сўфийлик адабиёти, унинг поэтик атамалари, шунингдек, Бобо Кўхий Шерозий, Абдулла Ансорий, Ҳамадоний, Санойи, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағдодий, Фаридуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Навоий ва бошқа вакиллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирди. Рус шарқшунос олими таъкидлаганидек: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”<sup>44</sup>.

Профессор Камол Эраслон “Девони ҳикмат”дан сочмалар” китобини нашрга тайёрлади ва чоп эттирди. Иброҳим Ҳаққул “Навоий азиз билган...”<sup>45</sup> мақоласида Навоийнинг Аҳмад Яссавийга муносабати масаласини ёритди. Кейинроқ олимнинг “Менинг ҳикматларим дардликка дармон...” номли мақоласи “Муштум” журналида эълон қилинди. Иброҳим Ҳаққул Аҳмад Яссавий девонини сўзбоши ва изоҳлар билан чоп эттирди<sup>46</sup>.

*в) Мустақиллик даври яссавийшунослиги.*

Мустақиллик даврига келиб, илгари элдан пинҳон тутилган шайх-валийлар шахсияти, мероси, тариқат-одобини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишга эътибор ортди. Бу йўсиндаги ишларни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий асослар яратилди. Насафий (Евгений Ефимович Березиков)нинг Хожа Аҳмад

<sup>43</sup> Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси. // “Ўзбек тили ва адабиёти”.1972, № 4-5.

<sup>44</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965. – С.54

<sup>45</sup> Ҳаққулов И. Навоий азиз билган... // Ёшлик, 1988. № 4. – Б.67-72.

<sup>46</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 256 б.



Яссавий<sup>47</sup> бадиаси кўплаб ривоятлар, шунингдек: Аҳмад Яссавийнинг “Расоил”, “Девони ҳикмат”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айни-л-хаёт” каби асарларига суяниб ёзилган бўлиб, унда Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва исломни тарғиб қилиш, мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти ёритилган. Шунингдек, ушбу мўъжаз бадиада Яссавийнинг Бухородан Яссига келиши ва 63 ёшидан бошлаб ер остига кириб яшаши сабаблари ҳақида ҳам сўз боради.

1991-1993 йиллар оралиғида туркий халқлар олимлари томонидан Яссавий ҳаёти, тариқати ва шеъриятига доир юзлаб мақолалар нашр қилинди, илмий анжуманлар, йиғинлар ўтказилди. Туркияда Аҳмад Яссавий вақфи тузилиб, унинг нашри ўлароқ “Яссавий” журнали чиқарила бошланди. “Девони ҳикмат”нинг бир неча нашрлари юзага келди. Жумладан, Иброҳим Ҳаққул нашрга тайёрлаган “Ҳикматлар” 1995 йилда Истанбулда Эрхан Сезайи Тўплу томонидан турк тилига ўгирилиб, нашр қилинди. Айни нашрлар турли баҳс-мунозараларга ҳам мавзу бўлди<sup>48</sup>. Нажмиддин Комиловнинг “Комил инсон ахлоқи” (1996) ва “Тавҳид асрори” (1999) асарларининг бир жилд остида “Тасаввуф”<sup>49</sup> номи билан нашр қилиниши ҳам маданий ҳаётимизнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Иброҳим Ҳаққулнинг “Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами)” номли докторлик диссертациясида (1995), “Яссавий ва маломатий маслағи”, “Тариқат ва шеърият муносабатига доир” сингари мақолалари, шунингдек, унинг раҳбарлигида чоп этилган “Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари” (2001) номли тўпламда Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати тадқиқ этилди.

Ёш олим Нодирхон Ҳасан 2012 йилда “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” монографиясини чоп эттирди. Унинг 2017 йилда шу

<sup>47</sup>Насафий (Евгений Ефимович Березиков). Хожа Аҳмад Яссавий. Бадиа. Русчадан Маҳкам Маҳмуд таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б.10.

<sup>48</sup> Жумахўжа Н. Бахсдан мақсад – ҳақиқат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 1998 йил, 10 июль. №28. – Б.1.

<sup>49</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Маворуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 448 б.

мавзуда ҳимоя қилган докторлик диссертациясининг алоҳида фаслида “Ўзбекистонда яссавийшунослик” масаласи ёритилди. Нодирхон Ҳасаннинг “Туркияда яссавийшунослик”<sup>50</sup> рисоласида Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати мавзусида турк яссавийшунослари: Маҳмуд Асъад Жўшон, Ҳасан Комил Йилмаз, Наждат Йилмаз, Мустафо Узун, Муҳаммад Сарҳинд Тайший, Мустафо Қара, Сулаймон Улутоғ ва Мустафо Таҳрали билан ўтказган суҳбатлари жамланди.

Ҳамидхон Исломиёв “Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий”<sup>51</sup> рисоласида Яссавий ҳақида кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб қўлёмаларга таянди. Асарда Марказий Осиё маънавияти тарихидан муносиб ўрин олган бир қанча машҳур шахслар – Сўфи Муҳаммад Донишманд, Сайфуддин Қўйлоқий, Соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири Хожа Боязид, Жаноби Расулуллоҳнинг авлоди Саййид Аҳмад ота ва уларнинг Яссавий тўғрисидаги қарашлари келтирилди.

Шоҳсанам Давронова “Тарихий романда мутасаввуф аллома сиймоси” номли мақоласида С.Сийёевнинг “Яссавийнинг сўнгги сафари” романидаги адабий анъана ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги масаласига диққат қаратиб: “Яссавийнинг сўнгги сафари” романи мутасаввуф аллома, маърифатпарвар шоир Аҳмад Яссавийнинг бадиий олами яратилгани қаторида, ахлоқий-таълимий мазмунга эгалиги, комил инсон тарбияси масаласининг талқин этилганлиги жиҳатидан ҳам эътиборни тортади”<sup>52</sup>, – деб ёзади. Олима асарни ўрни билан рус адиби, шарқшунос олим ва таржимон Радий Фиш қаламига мансуб “Жалалиддин Румий”<sup>53</sup> тарихий-биографик романи билан қиёслашга интилади. Чунки Жамол Камол рус

<sup>50</sup> Туркияда яссавийшунослик: (Кул Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати мавзусида турк яссавийшунослари билан ўтказилган суҳбатлар тўплами) // Суҳбат қилувчи ва нашрга тайёрловчи Н. Ҳасан./ Сўзбоши муаллифи: И.Ҳаққулов; Масъул муҳаррир: С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 56 б.

<sup>51</sup> Ҳамидхон Исломиёв. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Фан, 2005. – 40 б.

<sup>52</sup> Давронова Ш. Тарихий романда мутасаввуф аллома сиймоси. // *Til va adabiyot tadqiqotlari* I. Karabuk Universiteti nashrlari: 53. – Karabuk, 2020. – Б.115.

<sup>53</sup> Радий Фиш Геннадиевич. Джалалиддин Руми – М.: Молодая гвардия, 1972 – 285 с.; Джалалиддин Руми. – 2-е изд., испр.. – М.: Наука, 1985. – 268 с.; Радий Фиш. Жалалиддин Румий. Роман. Рус тилидан Жамол Камол Таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 368 б.

тилидан ўгирган ушбу романда Жалолиддин Румийнинг болалик чоғларидан то умрининг охиригача бўлган даври қамраб олинган. Унда Румий сиймоси жонлантирилган ва туркона ҳаёт мезонлари, миллий маънавият илдизлари акс этган эди.

## *2. Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисидаги маълумотлар акс этган асарлар:*

Маълумки, 1993 йилда машҳур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси, Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома – Баҳоуддин Нақшбанд<sup>54</sup> (1318-1389) таваллудига бағишлаб қўплаб илмий анжуманлар бўлиб ўтди. “Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти” монографияси ва Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Ас-Сафийнинг “Рашоҳоти айнул-ҳаёт”<sup>55</sup> асарларидаги ушбу таълимотга оид маълумотлар таржима этилиб, илмий шарҳлар билан нашр этилди. Улуғ шайх туғилган Қасри Орифон<sup>56</sup> қишлоғида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муаммад Алининг “Мақомоти Хожа Нақшбанд”<sup>57</sup> асари нашр этилди. Бу асар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, босиб ўтган ибратли йўли, сулукининг асослари ва уни ривожлантиришга ҳисса қўшган кишиларнинг фаолиятини мукамал баён қилувчи муҳим манбадир. Асар Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли томонидан “Баҳоуддин Балогардон” номи билан форсийдан таржима қилинди. Китоб Тақдима, Муқаддима, уч мақсад (яъни боб, изоҳ бизники М.О.) ва луғатдан иборат. Муаллиф асарнинг Тақдима қисмида Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари ва ул зот ҳақдаги рисолаларни баён қилади. Муқаддимада Баҳоуддин Нақшбанднинг таваллуд топишлари ва силсилалари нисбати келтирилади. Биринчи бобда шайхнинг бошланғич ҳоллари; иккинчи бобда сулук йўли, дарвешлик

---

<sup>54</sup> Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) – Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий – Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин, Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур. (М.О.)

<sup>55</sup> Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 64 б.

<sup>56</sup> У туғилган қишлоқ Қасри Ҳиндувон (кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига Қасри Орифон) деб аталган (М.О.).

<sup>57</sup> Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 208 б.

сифати, аҳвол ва ахлоқлари баён қилинган. Шунингдек, шариф мажлисларда уларнинг муборак оғизларидан чиққан нозик сўзлар ва мўъжиза каломлар келтирилган. Учинчи бобда валийлик даражасига юксалган бу инсон турли жойларда кўрсатган кароматлари ва ғайритабиий ҳолатлар баён қилинган. Китобга илова қилинган луғат айрим атамаларнинг тушунилишини осонлаштиришга хизмат қилади.

Евгений Березиковнинг “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд”<sup>58</sup> асари турли ривоятлар ва Жомийнинг “Баҳористон”, Фаҳриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоти айнул-хаёт”, Навоийнинг “Насойимул муҳаббат”, Абул Восеъ Низомийнинг “Мақомоти мавлоно Жомий”, Сўфи Оллоҳёрнинг “Саботул ожизин”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб -ул мақдур фи ахбори Таймур”, Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Сийрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд куддуса сирраҳу”, Е.Э.Бертельснинг “Жомий”, Э.Рустамовнинг “XV аср биринчи ярмида ўзбек шеърляти” сингари илмий ва тарихий-адабий манбаларга асосланиб ёзилган. Асарда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ҳамда сулуки ҳақида мухтасар маълумот берилган. Асар сўнгида таржимон ва муҳаррир изоҳлари келтирилган.

Тарихчи, тасаввуфшунос олим, шоир ва таржимон Садриддин Салим Бухорийнинг “Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир”<sup>59</sup> китобида Хожагон-нақшбандия тариқати “Силсила”ларида қайд этилган етти пир: Абдулҳолик Гиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али ар Рометаний, Хожа Муҳаммад Саммосий, Ҳазрат Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қисқача маълумот берилган.

Садриддин Салим Бухорийнинг “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари”<sup>60</sup> китобида уч минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган бу азим диёрда яшаб ижод этган етти юзга яқин аллома, обид, зоҳид пирлар; шунингдек, шоир,

<sup>58</sup> Насафий (Евгений Ефимович Березиков). Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Фан, 1993. – 48 б.

<sup>59</sup> Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 35 б.

<sup>60</sup> Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2012. – 302 б.

деҳқон, косиб, меъмор – бунёдкор устодлар билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг номлари келтирилган. Асарда маънавиятимиз дарғаларининг табаррук зиёратгоҳлари, шу алломалар, ориф-авлиёларнинг ҳаёти, мероси, ибратли ҳаёт йўллари, хулқ-одоби, касб-кори, илм-маърифати, имон-эътиқоди ҳақида ҳам ҳикоя қилинган. Муаллиф халқ оғзаки ижоди ҳамда араб, форс тиллари ва эски ўзбек ёзувида битилган, аксарияти қўлёзма ҳолида бўлган тарқок манбаларни сабр-матонат билан ижодий ўрганди, бир жилд остида тўплади. Шу маънода, “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” китоби ўзига хос комусий асардир.

Садриддин Салим Бухорий “Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд)”<sup>61</sup> бадиасида Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ҳикматларига фаол мурожаат қилган. Китобни ёзиш жараёнида Абулҳасан Муҳаммад Боқир Муҳаммад Алининг “Мақомоти шоҳи Нақшбанд”, Нуриддин ал Бухорийнинг “Тухфат аз Зоирин” (“Зиёратчиларга тухфа”), Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Жомийнинг “Нафоҳатул – унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат”, Шайх Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султония”, ал-Ғаззолийнинг “Охиратнома”, Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкират ул авлиё”, шунингдек, “Тухфат ул ансоб”, “Мақомоти Амир Кулол”, “Робитаи муршид” сингари қимматли манбаларда келтирилган маълумотлардан ижодий фойдаланган. Шу боис ушбу асар турли сура ва оятлар, ҳадислар, ҳикоят ва ривоятлар билан зийнатланган. Унда шариат, тариқат, ҳақиқат мақомлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Нақшбандия тариқатининг усул ва одоби баён қилинган.

Султонмурод Олимнинг “Нақшбанд ва Навоий”<sup>62</sup> китобида Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий билан Алишер Навоийни ўзаро боғлаб турувчи ришталар хусусида сўз юритилди. Уларнинг башарият хазинасига қўшилган дурдона фикр-ғоялари таҳлили асносида ҳаёт, фалсафа, тасаввуф, адабиёт ва миллий ғоянинг ўзаро чамбарчас алоқадорлиги кўрсатилди.

<sup>61</sup> Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) Бадиа. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 80 б.

<sup>62</sup> Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.

Озод Мўъминнинг “Ҳазрат Саид Амир Кулол (тарихий воқеаномалар)”<sup>63</sup> асари мовароуннаҳрлик буюк шахс, валий Ҳазрат Саййид Амир Кулолга бағишланди. Тарихий қиссада Амир Кулолнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилди. Таҳсил олган устозлари, таълим берган шогирдлари – Ориф Деггароний, Шамсиддин Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Амир Темур билан боғлиқ воқеалар тасвирланди. Бадий-тарихий қисса муаллифи азиз-авлиёларга хос бўлган фазилат-хислатлар, кайфият- ҳолларни илмий ва фалсафий томондан асослашга ҳаракат қилди.

2018 йил сентябрь-октябрь ойларида Абдухолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд меросининг айрим намуналари хорижий тилларга таржима қилинди. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, илмий меросига оид хорижий мамлакатлардаги қўлёзма манбалар, илмий тадқиқотлар ва адабиётлар ҳақидаги маълумотлар жамланиб, нашр этилди ва зиёратгоҳлари обод қилинди.

Туркиялик олим ва мутасаввиф, нақшбандия тариқати пешқадамларидан бири – Шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарийнинг “Ўзбекистон – авлиёлар ватани”<sup>64</sup> рисоласи Абдумурод Тилавов таржимасида чоп этилди. Китоб тўрт бўлимдан иборат бўлиб, илк бўлимда таржимоннинг муаллиф билан суҳбати берилган. Иккинчи бўлимда етти пир: Абдухолик Гиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Али Ромитаний, Муҳаммад Бобо Саммосий, Саййид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд ўғитлари жой олган. Учинчи бўлимда нафис мажлислар ва нодир ҳикматлар келтирилган. Тўртинчи бўлимда Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг Гулчеҳра Наврўзова таржимасидаги матни берилган.

Мусулмон Намознинг 2018 йилда чоп этилган “Баҳоуддин Нақшбанд”<sup>65</sup> номли китоби Аввалги сўз (Муқаддима) ва Сўнгсўз (Хотима)дан ташқари, бир-бирини мантиқан тўлдирувчи саккиз бобдан таркиб топди. Асарда

<sup>63</sup> Озод Мўъмин Хўжа. Ҳазрат Саид Амир Кулол (тарихий воқеаномалар). – Тошкент.: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2012. – 176 бет.

<sup>64</sup> Шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарий – Нақшбандий. Ўзбекистон – авлиёлар ватани. – Тошкент: Sano-Standart, 2019. – 176 б.

<sup>65</sup> Мусулмон Намоз (Намозов Мусурмон). Баҳоуддин Нақшбанд. –Тошкент: Шарқ, 2018. – 226 б.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти, устозлари, шогирдлари, дўстлари ҳамда тасаввуф таълимотига қўшган улкан ҳиссалари ҳақидаги тарихий битиклар бугунги кун нуқтаи назаридан танқидий таҳлил этилган.

Профессор Н.Жабборовнинг “Маоний аҳлининг соҳибқирони” монографиясида Алишер Навоийнинг шахс, давлат арбоби ва ижодкор сифатидаги камолотининг асослари Қуръони карим ва Суннатни мукамал ўргангани, энг мўътабар тафсир ва ҳадис китобларини мутолаа қилгани, буюк мутасаввифлар илмий-ирфоний меросини чуқур ўзлаштиргани ҳамда тасаввуф ҳаётини амалда яшагани билан чамбарчас боғлиқ экани буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига доир манбалар асосида янги талқинда ёритилди. Ирфоний ва адабий-эстетик олами, хусусан “Хамса” да ижодкор бадиий концепцияси, образлар поэтик талқини ва буюк шоирга издошлик анъаналари кенг тадқиқ этилди.<sup>66</sup>

Шубҳасиз, барча тадқиқотчилар биринчи навбатда Қуръони карим ва Исломнинг иккинчи асосий манбаси бўлмиш ҳадис тўпламлари, хусусан, “Жомеъ ус саҳиҳ”<sup>67</sup> (Имом Бухорий)га, шунингдек, “Тазкират ул авлиё”<sup>68</sup> (Фаридуддин Аттор), “Нафаҳот ул-унс” (Абдурахмон Жомий), “Насойим ул муҳаббат”<sup>69</sup> (Алишер Навоий), “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”<sup>70</sup> (Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний), “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”<sup>71</sup> (Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али), “Орифнома”<sup>72</sup> (Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий), “Силсилаи хожағони нақшбандия”<sup>73</sup> (Муҳаммад

<sup>66</sup> Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 254 б.

<sup>67</sup> Олтин силсила-Саҳиҳул Бухорий. –Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёт-матбааси, 2021 (2013,2016,2019). – 672 б.

<sup>68</sup> Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.

<sup>69</sup> Алишер Навоий. МАТ., Ўн еттинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. –519 б.

<sup>70</sup> Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 44 б.

<sup>71</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: “O`zbekiston” НМИУ, 2019. – 335 б.

<sup>72</sup> Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний таржимаси. – Тошкент: Наврўз, 1994. – 16 б.

<sup>73</sup> Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида №7017-1, 856-1 рақами остида сақланаётган туркий нусхаси. Асарда илк ислом давридан 1747 йилга қадар юртимизда яшаган, турли соҳаларда фаолият юритган 320 нафардан ошиқ сулук аҳли ва олимлар тўғрисидаги маълумотлар жамланган. У хижрий 1160 йили (1747) ёзиб тугалланган бўлиб, хижрий 1329 йили (1911) Муҳаммад Яъқуб

Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий), “Рашаҳоти айни-л-ҳаёт” (Фахруддин Али Сафий), “Самарот ул-машойих” (Муҳаммад Мирак ибн Азизон Хожа Мир ал-Хусайний) ва бошқа нақшбандия тариқати, унинг буюк намояндалари ҳақида кенг маълумотлар берувчи мўътабар илмий ва тарихий-адабий манбаларга мурожаат қилишга интилишди. Улар орқали жамиятимизнинг бугунги энг муҳим муаммоларига жавоб излашди. Дарҳақиқат, бундай эзгу ишлар нақшбандия таълимоти асоси бўлган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, илм-маърифатга интилиш, меҳр-оқибатли бўлиш ғояларининг ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга экани билан чамбарчас боғлиқдир.

3. *Паҳлавон Муҳаммад тўғрисидаги маълумотлар акс этган тарихий-адабий ва илмий-назарий асарлар:* Паҳлавон Муҳаммад тўғрисидаги қимматли маълумотларни Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида учратамиз.<sup>74</sup> Шунингдек, Навоий “Мажолисун-нафоис” тазкирасининг тўртинчи фаслини Паҳлавон Муҳаммад зикри билан бошлаганининг гувоҳи бўламиз: “Паҳлавон Муҳаммад Гўштигирким, кўб фазойил била орастадурким, гўшти фани бавужуди улким, анинг андоқ ҳақ ва мулкидурким, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғай. Ўзга фазойилига кўра дун мартабасидур. Мусиқий ва адвор илмида даврининг беназиридур. Чун камолоти “азҳару мин аш-шамсдур, шарҳ қилмоқ эҳтиёж эмас”<sup>75</sup>, – деб ёзган эди. Улуғ шоир Паҳлавон Муҳаммаднинг кураш санъати, мусиқа назарияси ва амалиётида ўз даврининг тенги йўқ устози эканини таъкидлар экан, унинг камолини: “қуёшдан порлоқ” (арабча “азҳару мин аш-шамс”), – дея юксак баҳолаганди. Замонавий санъатшунослик илми ҳам Навоий асарларида келтирган иккита “Чаҳоргоҳ”ни ҳозирги амалиётда мавжуд Уфари Савти Чоргоҳ ва Чоргоҳ IV (қашқарча) шўъбаси билан қиёслаб, бу асарларнинг бастакорлари XV асрда

---

охунд Бешарикий томонидан Хива шаҳрида кўчирилган. Манбаларда “Силсилаи хожাগони нақшбандия”, “Тазкираи Тоҳир эшон”, “Тазкират ул-авлиё” номлари билан ҳам учрайди. (М.О.)

<sup>74</sup> Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.119.

<sup>75</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн учинчи том. Мажолисун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.114.



яшаган Соҳиб Балхий ва Паҳлавон Муҳаммад эканлиги хусусидаги хулосага келадики, бу ҳол Навоий фикрларини яна бир бор тасдиқлайди<sup>76</sup>.

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”<sup>77</sup> асарининг “Паҳлавон Муҳаммад Абусаъид ва Султон Ҳусайн Мирзонинг бошқа курашчилари фазилятлари ва камолоти зикрида” фаслида “... то шу дамгача, куннинг зарин кокилли қизил паҳлавони кўк гумбази майдонида шомнинг қора либосли занги курашчиси юзини ерга қаратиб, забун этиб турган экан, ҳар вақт субҳидамда у ер узра кўтарилиб, калла уриш фанида у зангини замон тупроғидан олиб, чуқурга улоқтирар экан, унга тенг келадиган паҳлавон дунёга келмаган. Бирорта паҳлавон ҳам унинг тизини ерга теккизолмагани маълум. Паҳлавон барча илму фанларга, фазилату камолатга моҳир эди”<sup>78</sup>. Шундан сўнг Зайниддин Восифий Алишер Навоий тазкирасидаги маълумотларни батафсил келтиради. Бошқа кўплаб манбаларда ҳам Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги маълумотларни учратамиз.<sup>79</sup>

#### **4. Навоий шахсияти ва ижоди – йўлчи юлдуз сифатида.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Навоий шахсияти ва у қолдирган бебаҳо мерослар чин маънода қадр топди. Юртимиз ўз онгли ҳаёти, бутун ижодий тафаккурини юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллий тил, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик ривожига сафарбар этган бу мўътабар зотнинг қутлуғ номи билан истиқлол даврига қадам қўйди. Маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорлари тарихий хотираси абадийлаштирилди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд саналари кенг нишонланди. “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилди.

---

<sup>76</sup> Джураева Л.Ш. Навоий ва мусиқа санъати. – Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2019.

<sup>77</sup> Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақоеъ. (Нодир воқеалар) . Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.214.

<sup>78</sup> Ўша манба. – Б.119.

<sup>79</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: 1970; Ўлдошев Қ. “Моҳият реаллиги ифодаси” / Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2006 каби асарлар назарда тутилмоқда. (М.О.)

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 2021 йилнинг 15 октябрь куни бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши еттинчи саммити Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифи асосида Туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва давлат арбоби “Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш хақида”ги қарорини қабул қилди<sup>80</sup>. Шунингдек, Халқаро Туркий академия (ХТА) “Алишер Навоий – Шарқнинг ёрқин юлдузи” мавзусида илмий-амалий онлайн-анжуман ўтказди. Навоий асарлари ҳам жаҳоннинг юзлаб тилларида жарангламоқда. Жумладан, Франция, Германия, Туркия, Россия Федерацияси, Афғонистон, Ҳиндистон, Япония, АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатларда Навоий асарларининг таржималари чоп этилди. Улуғ шоирга бағишланган мақола ва рисолалар юзага келди. Бу ҳол Навоий ижодидаги инсонпарвар ғояларнинг миллат ва элатлар қалбига кириб бораётганлигини кўрсатади. Истиқлол йилларида Навоийнинг йигирма ва ўн томлик мукамал асарлар тўпламлари нашр қилинди. Халқаро нуфузга эга “Алишер Навоий” журналида чоп этилган хориж навоийшунос олимлари: Бенедек Пери, Ислам Жеменей, Бадриддин Мақсудовларнинг мақолаларида навоийшунослик, Алишер Навоий адабий меросининг умумжаҳон тамаддунида тутган ўрни ва адабий таъсир масалалари ёритилди<sup>81</sup>. 2021 йил 23 ноябрда Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУда улуғ мутафаккир таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб Туркиядаги Юнус Эмро институти, Евро Осиё Турк жамияти, федерацияси, “Билга турк” Таълим маданият вақфи мутавалли ҳайъати, Анқара Йилдирим Боязид университети, Гази университети билан ҳамкорликда ўтказилган “Мир Алишер Навоий ва асарлари панели” мавзусидаги халқаро симпозиум ҳам муҳим воқеа бўлди. Анжуманда “Alı Şir Navai ve eserleri sempozyumu” Bildiriler kitabı<sup>82</sup> тақдимоти ўтказилди. Шунингдек, 25 та миниатюралар кўرғазмаси намоиш қилинди. Мазкур

<sup>80</sup>Эшонқулов Ж. Алишер Навоий – дунёнинг шоири. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2021. №14. – Б.1.

<sup>81</sup>Муҳиддинова Б. Алишер Навоий журнали жаҳон кезмоқда. // [https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-zhurnali-zhahon-kezmogda\\_282390](https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-zhurnali-zhahon-kezmogda_282390)

<sup>82</sup> Alı Şir Navai ve eserleri sempozyumu. Bildiriler kitabı. – Turkiya: Istanbul, 2021. – 661 b.

китобда таниқли ўзбек олимлари билан бир қаторда, Али Ниҳад Тарлан, Саадет Ўрмечи, Фарук К.Темурташ, Ибраҳим Кафасоғлу, Эмек Ушенмес, Ваҳит Турк, Сулейман Сўлмаз, Нергис Бирай, Финдикўғлу Зияуддин Фаҳри, Иса Юсуф Алптекин, М.Аккушоғлу каби ўнлаб турк олимларининг мақолалари ҳам ўрин олди.

Кейинги йилларда республика навоийшунослигида: “Кўнгил ҳайратлари” (Муслиҳиддин Муҳиддинов), “Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари” (Шуҳрат Сирожиддинов), “Алишер Навоий (Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили)” (Шуҳрат Сирожиддинов), “Навоийшунослик” (Шуҳрат Сирожиддинов, Дилнавоз Юсупова, Олимжон Давлатов), “Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси” (Узоқ Жўрақулов), “Маънолар хазинаси” (Олимжон Давлатов), “Қаро кўзум” (Нусратилла Жумахўжа), “Шавқи Наво” (Зухриддин Исомиддинов), “Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг насрий баёнига шарҳлар” (Ақром Малик) “Алишер Навоий бадий асарларининг XV–XVI асрлардаги кўлёмалари” (Абдумажид Мадраимов) каби китоблар нашр этилди. “XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи” (Гулноз Халлиева) монографиясида XX аср Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши масаласи ёритилди. “Фарҳод ва Фауст (образ типологиясига доир)” (Сувон Мели) мақоласида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ҳамда Гётенинг “Фауст” трагедияси ечимига илоҳий-ирфоний қатлам типологик қиёсланди. Бу типдаги изланишларда адабиётшуносларимиз тафаккуридаги муҳим ўзгариш ўзбек адабиётини жаҳон адабий жараёнининг ажралмас ва таркибий қисми сифатида олиб қараш бўлди. Академик Б.А.Назаров таъкидлаганидек, эндиликда адабий алоқалар: “...Энг аввало, адабиётимизнинг бадий теранлигига фаол таъсир кўрсатадиган, уни халқаро миқёсларга кўтариш ва жаҳон адабиёти контекстида ўз ўрнини эгаллашида муҳим аҳамият касб этадиган, миллий ғояларимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, ижтимоий, маданий-маърифий равақимизнинг муҳим

белгиларини кўрсатиб, комил шахс йўналишидаги инсонни тарбиялаш иши билан мустаҳкам боғланган жараён сифатида қараш”<sup>83</sup> тамойили шаклланмоқда. Бу эса миллий адабиётимизга янги адабий руҳнинг кириб келиши, ўзига хос бадиий-услубий изланишлар ривож топишига имкон бермоқда. Шунинг назарда тутган адабиётшунос олим У.Жўрақулов: “Имкон қадар Навоийни ўрганган бир илм толиби сифатида ишонч билан айта оламанки, у бадиий-тарихий, илмий-назарий, ижтимоий-маърифий ҳамда лирик асарларини истисно этганда ҳам, биргина “Хамса” асари билан жаҳоннинг ҳар қандай даҳоси билан бўйлаша олади. Навоий “Хамса”си ҳар қандай анъаналар силсиласида ўзига хос, том маънода индивидуал, улкан бадиий феномен мақомида туради”<sup>84</sup>, – дея эътироф этади. Дарҳақиқат, Навоий шахсияти ва ижоди биз учун ҳамisha йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

Замонавий ўзбек романидаги шайх-валийлар сиймосини қуйидаги асосларда ўрганиш мумкин:

- а) Шайх-валийларнинг ғайритабиий туғилиши;
- б) дунёқарашининг назар остида юксалиб бориши;
- в) пир ҳомийлигида маънавий-руҳий камол топиши ва эзгу амалларга камарбаста бўлиши.

Юқорида саналган ҳолатлар ўзаро қиёслаб ўрганиш – қиёсий ёндашув тадқиқот усулига мурожаат қилишни талаб қилади. Шайх-валийлар ҳаётини эса қуйидагиларга қиёслаш мумкин: а) Қуръон ва суннатдан далиллар келтириш; б) жаҳон динлари ва улуғ пайғамбарлар образининг бадиий талқинларига қиёслаш; в) пайғамбарлар дўстлари образини поэтик ифодалари билан таққослаш;

---

<sup>83</sup> Адабий алоқалар – ижодий жараён кўзгуси (давра суҳбати). // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 2014. – №13. – Б.3.

<sup>84</sup> Жўрақулов У. Навоийни англаш. (Адиба Умирова билан суҳбат.) – <https://saviya.uz/hayot/suhbat/navoiyni-anglash/>

Қиёсий метод ҳар бир давр адабий сиёсати ва алоҳида романнависнинг шайх-валийлар сиймосини бадиий реаллаштиришдаги ўрнини белгилашда қуйидагиларни назарда тутди:

- а) давр адабий сиёсати: имкон ва имконсизлик ҳолатлари;
- б) ёзувчининг маънавий-руҳий даражаси;
- в) адибнинг бадиий нияти ва эстетик идеали;
- г) поэтик маҳорати.

Юқорида саналганлар шайх-валийлар образи тасвирларидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш ҳамда уларни келтириб чиқарган омилларни белгилаш имконини беради. Англашиладики, биз диний, фалсафий ва ҳатто тасаввуфий талқинлар билан ҳам шуғулланмаймиз. Биз мустақиллик даврида ўзбек адабиётида шайх-валийлар образи тасвирланган ва роман жанрида ёзилган асарларни: а) асл маншаъи (Қуръон ва ҳадислар) билан; б) романларнинг ўзга давр ва ўзга минтақаларда юзага келган аналоглари (улар орасида турли адашишлар ва сунъий ёндашувлар ҳам бор М.О.) билан қиёслаймиз. Бу йўналишда адабиётшунослигимизда нисбатан кам тадқиқотларгина учрайди. Қолаверса, унинг методологияси ҳам ғоят мураккабдир. Чунки бадиий талқинларни тўғри тушуниш, англаш ва англатиш учун қуйидагилар талаб этилади: а) Диний-илоҳий ва тасаввуфий асослар билан танишиш; б) бадиий матнга жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигининг назарий ютуқларини кенг қўламда қўллаш. Шу маънода ушбу ўринда диний-илоҳий мазмундаги айрим қиссаларга диққат қаратиш эҳтиёжи ҳам мавжуд. Чунки уларда дин, тарих, фалсафа, психология, тиббиёт, география, мантиқ, санъат ва бошқа кўплаб фанларнинг илк ибтидоси ва асл жавҳарига нигоҳ ташланган. Қуръони каримда башарий қўлам ҳамда илоҳий хабарлар ўзаро уйғунлашган. Шайтон азалий ва абадий рақиб экани, унинг фитнасига мубтало бўлган кимсаларнинг исёни, шунингдек, имон ва куфр зиддияти<sup>85</sup> – (Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннат

---

<sup>85</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Бақара сураси. – Б.2.

саодати ҳамда Шайтон найранги синоати) фаришта – инсон – шайтон триадаси, яъни муқаддас, ожиз ва маккор яратикларнинг моҳияти теран мантиқ асосида далилланган. Ҳаёт инсон учун улкан синов майдони экани пайғамбарлар қисмати мисолида, хусусан, шаръий аҳкомларга садоқат ва Аллоҳга ошиқлик нуқтаи назаридан айрим суралар (“Юсуф” сураси)да изчил, баъзи оятларда эса, жамланиб, гоҳ аниқ далиллар асосида, гоҳ ишоравий йўсинда баён қилинган. Айрим суралар таркибидаги қиссалар<sup>86</sup> бош йўналиши асосини чақалоқ (Исо а.с)нинг дунёга келиши, гўдак ҳолида тилга кириб онаси (Марям)ни маломатдан асраши, ўликни тирилтириши, осмонга кўтарилиши каби илоҳий мўъжизалар асосига қурилган. Қиссаларда пайғамбарларга берилган нусрат ва Аллоҳга ибодатдан бўйин товлаган қавмнинг аччиқ қисмати ибрат учун келтирилади. Қуръонда инсон насллари замин бўйлаб тарқалиши ва уларнинг қисмати эслатилади. Шунингдек, на анҳор, на кудуқ бўлмаган Маккада Ҳожар онамиз ва унинг чанқаган ўғиллари Исмоил (а.с)га Аллоҳ нусрат бериб, Замзам кудуғини ато этиши, Иброҳим (а.с) Аллоҳнинг уйи – Каъбани ўз қўллари билан бунёд этиши, қурбонлик синовидан ота ва ўғилнинг хайрли ўтиши, Аллоҳ Жаброил (а.с)ни жаннатдан бир қўчқор билан юбориши сингари воқеалар баёнида имон қуввати намоён бўлади. “Нисо” сурасида аёлларни ардоқлаш, етим-есирларга ҳамиятли бўлиш, меросни холис тақсимлаш, ҳалоллик, поклик, зулмдан сақланиш, ҳидоятга чорлаш каби фазилатлар улуғланади. Мусо (а.с)нинг Мисрдаги Тур тоғи – Туво деб аталган муқаддас водийда Яратган билан ёлғиз (элчи фаришта воситасисиз) илоҳий мулоқоти ёдга олиниб, унда муножот, хос ишқ, ошиқ (банда)нинг маъшуқ (Аллоҳ)га чин ихлос ва эътиқодига урғу берилади. Кўринадикки, муқаддас китобда мўминлар ҳодисалар моҳиятини англашга, тарих ҳақиқатларидан ибратли хулосалар чиқаришга, фикр-туйғуда юксалиш, ҳидояту шафоатдан баҳраманд бўлишга

---

<sup>86</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Оли Имрон сураси. – Б.50.

даъват этилади. Ширк амаллардан қайтиш, оламу одамнинг яралишдаги моҳиятига уйғун бўлишга ундалади.

“Каҳф” сурасида ҳар бир инсон ҳаёти давомида учраши мумкин бўлган фитналар, мол-дунё ишқи, дунё ҳодисалари ва бошқа муаммолар, улардан четлашиш зарурлиги хусусида баҳс юритилган. Бу сурада тарихий воқеа – Асҳоби каҳф – золим ҳоким (Дақёнус) истибдодидан дину иймонларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган йигитлар паноҳ (Аллоҳ раҳматини) истаб борган ғор ва битик – улар ухлатиб қўйилгани ва вақт-соати етгач,<sup>87</sup> уйғотилгани билан боғлиқ қисса баён этилган. Бинобарин, суранинг илк қиссасида имонини сақлаш учун ғорга яширинган ва дилларидаги ишончлари янада қувватлантирилган йигитлар, уларнинг саодатга эришган садоқатли итлари (Қитмир) тўғрисида гап кетади. Мусо ва Хизр (а.с) қиссаларида Аллоҳнинг улуғ марҳамати билан дунёга келиб, ҳали заиф гўдак бўлса-да, яратганнинг хифзу-ҳимоясида экани боис, золим ёғий саройида улғайиб, зулм ва зўрлик, ҳаддан ошишларга қарши иймон туғини юксалтириш йўлида курашувчи зотнинг камол топишига ишора қилинади. Мусо (а.с.)нинг илм йўлидаги ҳокисорликлари, Хизр (а.с.)нинг ғойибдан огоҳлик неъматига муяссар бўлганликлари тўғрисидаги лавҳалар баён этилади. Учинчи қиссада Аллоҳ таоло марҳамати билан бутун дунёни ўз ҳукмида тутиш шарафига ноил бўлган адолатли ва тақводор шоҳ Зулқарнайн ва унинг фатҳ-юришлари хусусида сўз юритилади. Бу орқали мол-мулк мақтанишга арзигулик нарса эмаслиги, бу дунё ҳаёти ўткинчилиги баён этилади. Умуман, Каҳф сурасида кишиларнинг Тангри таолога бўлган иймон-эътиқодларини мустаҳкамлаш учун вақт мезони билан боғлиқ сирлилик, ғайритабиийлик, ҳидоятга ноиллик масалалари теғрасида гўзал, ибратли қиссалардан учтаси сўйлаб берилган.<sup>88</sup> Қуръони каримда Аллоҳ таоло бефарзандлик билан синаган, аммо ўзлари ва жуфтларининг ёшлари

<sup>87</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. Қуръони карим. Каҳф сураси. 25-оят, 296-бет: (Улар) ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда қилдилар, – дейилади. (М.О.)

<sup>88</sup> Ислом тасаввуфи манбалари. Тузувчи профессор Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.50.

ўтиб қолган бўлса ҳам, зинҳор ноумид бўлмай, сабр ила Аллоҳдан фарзанд сўрайверган Закариё (а.с)нинг дуолари ижобат бўлиб, ул зотга Яҳё (а.с) ; солиҳа ва мўмина Сора онамиздан фарзанд кўрмаган нуроний Иброҳим (а.с)га Ҳожар онамиз воситасида Исмоил (а.с)нинг инъом қилиниши каби ҳаётий мисоллар келтирилади. Инсон қайси ёшда фарзанд кўриши мумкинлиги ҳақидаги айрим ихтилофлар пайғамбарлар қисмати орқали далилланади. Қуръони каримдаги аксарият қиссаларнинг асл меҳварига илоҳий моҳият, ҳаётий ҳақиқат, ибтидою интиҳо ҳақидаги ишончли ҳукмлар жо бўлган. Шарқ адабиётида “Шайх Санъон ва тарсо қизи қиссаси” ҳам жуда машҳур бўлган. Ақоид илми уламолари Аллоҳ зоти ва сифати ҳақида сўз юритишаркан, У зотнинг: Биру Борлиги, Ҳозиру Нозирлиги, Қодиру Ҳақимлиги, Алийму Хабирлиги, Мудаббиру Мусаввирлиги, Холиқу Хабирлиги каби гўзал исмлари ва бенуқсон сифатларини эслашади. Зотан, Қуръони каримнинг “Мўъминун”, “Анбиё”, “Ваз-зарият” сураларида ҳам буюк қудрат эгасининг осмонлару ерни, жумладан, бутун борлиқ ва ибодат қилгувчи (итоат этиб, Унинг амри бўйича яшаб, Унга яқинлик ҳосил қилишга ҳаракат қилувчи) инсонни яратиши, ризқ-насиба бериб қўйишида буюк ҳикмат ва улкан мақсад мужассамлиги эслатилади. Зотан пайғамбар (а.с.)ларни ўраб турган муҳит (макон ва замон)га, пайғамбарлик табиатига, унинг инсоният ҳаётини қанчалик қамраб олишига боғлиқ тарзда, баъзилари бир қабилага, бошқалари бир авлодга, яна бирлари бир умматга, баъзилари эса барча умматлар ва авлодларга юборилган. Жумладан, Муҳаммад (а.с.) қавмларнинг ҳаммасига қиёмат кунига қадар пайғамбар қилиб юборилиб, иймон келтириш ва эргашишга амр қилинган. Бинобарин, Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг охириги дини таълимотларини ўз қавмларига, қавмлари уни бутун дунёга тарқатишди. Бу хайрли ишда бадий адабиёт ва адабиётшуносликнинг ҳам муҳим ўрни ва роли мавжуд.



## 1.2. Пайғамбарлар ва улуғ сўфийлар шахсини бадиий талқин қилиш адабий анъана сифатида

Бу фаслда жаҳон адабиётидаги ушбу мавзуга оид асарларнинг юзага келган даври, жуғрофий тарқалиш ареали, турфа хил талқинлари, мавзу кўлами, мотивлари, образлар тизими, сюжет ва композицияси каби масалалар ёритилди. Набийлар ва шайх-валийлар образининг бадиий талқинлари жаҳон насри мисолида кузатилиб, муайян умумлашмалар чиқарилди.

Бадиий талқинларда сезиларли тафовутлар мавжудлигини назарда тутиб, набийлар ва шайх-валийлар образи бадиий талқин қилинган асарлар қўйидагича тасниф қилиб ўрганилди: 1. “Таврот” асосидаги ижтимоий-бадиий талқинлар. 2. Черков ҳаёти танқид қилинган – антиклерикал бадиий талқинлар. 3. Куръоний ва тасаввуфий бадиий талқинлар. 4. “Шайх” ва “имом”ларнинг ҳажв қилиниши.

### 1. “Таврот” асосидаги ижтимоий-бадиий талқинлар.

Бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг “Бешинчи тоғ”<sup>89</sup> романида йигирма уч яшар Илёс (а.с.) Аллоҳнинг амри ва иродаси билан Финикия (Лубнон) аҳолисини рўй бериши муқаррар бўлган офатлардан огоҳ этади. Ўрни билан уларга хушxabарларни ҳам етказди.

Шубҳасиз, роман қаҳрамони Илёс (а.с.) ҳам кўпчилик қатори бир инсон эди. Аммо у набийлик учун танланди ва асрлар давомида одамлар бешинчи тоғ чўққисидида истиқомат қилишига ишонган тангри (Баъл)га қарши бориш ҳақидаги Аллоҳ иродасини бажаришга бел боғлади. Демак, у гарчи муайян муддат яшириниб, хавф-хатарда яшаган, кофирлар тазйиқидан паноҳ излаган бўлса ҳам, на жиноятчи, на асир, на қочоқ эди. Балки, “...одам ўз қисматидаги белгилаб қўйилган вазифасини адо этишдан аввал турли синовлардан ўтмоғи керак”<sup>90</sup> лиги учун муттасил синалаётган бир банда эди. Дарҳақиқат, бешафқат Малика Изабел таъқибидан қочган Илёс (а.с.) Худонинг иродаси билан Сидон диёридаги Сарепет (Акбар) шаҳрида яшовчи фақир бева

<sup>89</sup> Пауло Коэльо. Бешинчи тоғ. Роман. Озод Шарафиддинов таржимаси. // Жаҳон адабиёти. 2004 йил, №3 (82) – Б.3-55

<sup>90</sup> Ўша асар. – Б.17.

аёлнинг кулбасида жон сақлайди ва ўз юртига қайтмоқ учун қулай фурсат кутади. Бева аёлнинг ўғлини ўликлар салтанатидан қайтаради. Янгидан куришни ўрганиб, ўз юрти Исроилни қайта тикламоқ учун қайтиб келади.

Романда шубҳалар исканжасида ўзини излаган набий (Илёс а.с.) рухий-психологик жиҳатдан очиларкан, унинг фикр-ўйлари шундай берилади: “Ҳар бир одам ўз зиммасидаги бурчи масаласида шубҳага боришга ҳақли ва ўқтин-ўқтин ундан чекиниб туриши ҳам мумкин. Бирдан-бир қилиш мумкин бўлмаган нарса шуки, зиммангдаги бурчингни унутиб қўйиб бўлмайди. Ўз ўзига шак келтирмайдиган одам – номуносиб одам. Негаки, у ўз кучига кўр-кўрона ишонади ва унинг қалбида такаббурлик илллати бор”<sup>91</sup>. Англашиладики, ёзувчи одамларни икки тоифага ажратади:

- а) ҳаётга мамнуният билан қарайдиган ва шукроналар қилувчилар;
- б) ношукур бандалар.

Романда тарозининг “ношукур бандалар” палласида турувчи Саркарда образи табиатан жуда ақлли одам бўлишига қарамасдан, шуҳратпарастликка бериладики, шу боис ўз қалбидаги донишлик нурларини ҳам хиралаштириб қўяди. Илёс (а.с.) Ассирияликлар билан урушни тўхтатиб қололмайди. Лекин Аллоҳнинг амри билан урушда кун-паякун бўлган шаҳар вайроналарини қайта тиклаш орқали одамлар қалбида яна эзгулик уруғлари униб чиқиши, ҳаётга муҳаббат янгидан гуллаб-яшнашига эришади. Зотан, адиб ёзганидай: “Баайни дарёлар ва кўкатлар каби одамларнинг қалби ҳам ёмғирга муҳтождирлар. Бу – бошқача ёмғир, албатта. Бу – умид, имон ва ҳаётнинг маъносини билишдир. Агар бундай ёмғир бўлмаса, гарчи бадан яшашда давом этаверса-да, қалбдаги ҳамма нарса ўлади”<sup>92</sup>.

Демак, Пауло Коэльо ушбу асарда глобал муаммоларни кўтариб чиқади. Ўз қаҳрамонларини оддий, самимий одамлардан танлаб, улар ҳаёт тарзини умуминсоний вазият-ҳолатларда тасвирлайди. Шунинг назарда тутган

---

<sup>91</sup> Ўша асар. – Б.26.

<sup>92</sup> Ўша асар. – Б.11-12.

профессор А.Расулов ҳақли равишда: “Бешинчи тоғ” “Шундай яшар одатда одам” деган нақлнинг бадиий исботидир”<sup>93</sup>, – деб ёзган эди.

Таниқли поляк адиби Белослав Пруснинг (1847-1912) “Фиравн”<sup>94</sup> тарихий роман-трилогияси қадимги Миср (эрамиздан олдинги XI аср Миср фиравнлар авлоди XX сулоласининг таназзули даври) ҳаётидан олиб ёзилган. Роман таркибий тузилишига кўра Кириш ва Эпилогдан ташқари 67 бобдан иборат. Асарда халқнинг ўша давр мамлакат ҳаётидаги роли ва машаққатли турмуши акс этган. Роман сюжети тўқима шахс – Рамзес XIII нинг католик черкови кучли диний кастаси вакиллари: ҳийлагар Херихор бошчилигидаги Амун-Ра руҳонийлари билан ҳокимият учун кураши асосига қурилган.

Трилогиянинг илк китобида инсон мавжудлиги ва ундан кўзланган бош мақсад, тарихда тасодифнинг ўрни, алоҳида шахс ва жамият интилишлари ўртасидаги зиддият, дўстлик ва муҳаббат сингари муаммолар қаламга олинган. Иккинчи китобда Рамзес гўзал роҳиба Кама билан учрашади. У муҳаббат ва рашк оловида ўртанади. Адиб қадимги Миср диний матнлари билан олис мозий ҳаётини параллел тасвирлайди. Учинчи китобда бош қаҳрамон ҳукмрон фиравнга айланади. Одамлар янги ҳукмдорга сажда қилишади. Бироқ янги-янги фитналар ҳам тайёрланадики, бу ҳол ҳаёт ҳамон азалий ўзанида давом этаётганини кўрсатади.

Ушбу роман-трилогия моҳият эътибори билан сатирик руҳда битилган. Чунки Белослав Прус аслида, олис мозий мисолида ўз замона – Полша буржуа-феодал жамиятининг парчаланиши ва инқирози билан боғлиқ муаммоларни назарда тутган. Демак, адибнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумнинг моҳиятини фош қилиш учун мозийга мурожаат қилиши ва тарихий тараққиёт қонуниятларини идрок этиши ўзига хос эҳтиёткорлик эди.

П.Коэльонинг “Бешинчи тоғ” ва Б.Пруснинг “Фиравн” романларида юксак даражада ривожланган, қудратли ижтимоий тизимга эга салтанатлар

---

<sup>93</sup> Расулов А. Тарих, фалсафа, роман. / Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2003 йил. № 9. – Б.154.

<sup>94</sup> Прус Б. Фараон. – Москва: Правда, 1988. – 720 с.

ҳам таназзулга учраши мумкинлиги кўрсатилган. Бу жараённинг асл ҳаётий: (ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, диний-илоҳий) сабаблари изланган.

Таки Мударрисийнинг “Якўлиё ва унинг ёлғизлиги” (1955) романида ижтимоий-маърифий ҳамда умуминсоний муаммолар талқинида “Таврот” ривоятларининг сюжетлари, диний-фалсафий мушоҳадалар, асотирлардан<sup>95</sup> фойдаланди. Дарҳақиқат, романга “Таврот”даги Лут пайғамбар ва Шайтоннинг Худованд (Яхво)га исёни қиссаси асос қилиб олинган. Асарда ёлғизликка ҳукм қилинган Микоҳ ва биёбонга бадарға қилинган Якўлиё сингари нажотталаб бандаларнинг аччиқ қисмати мисолида инсон ва тақдири азал ҳақидаги мунгли мазмун кучайтирилди. Ёзувчи роман поэтик ифода услубини “Таврот” услубига мувофиқлаштирди.

Асарда Исроил подшоҳининг кизи Якўлиё оддий чўпон қиёфасидаги Шайтонни севиб қолгани учун отаси томонидан қувғин қилинади. Шайтон севгига ташна қиз қалбида наинки умид ва орзулар уйғотади, балки ғам ва тушкунлик уруғларини ҳам экиб, ишончсизлик, қайғу, умидсизлик ҳисларини туғдиришга интилади. Англашиладики, муаллиф севги, гуноҳ қилиш – осийлик, ёлғизлик, шайтоний нафс, дунёвий ҳою ҳавас, кибр сингари азалий ва абадий иллатлардан халос бўлишнинг поэтик ечимини топишга уринган.

Дунёнинг олами ғайб (малакут олами) ва олами шуҳуд (зоҳир олами) тарзида яратилиш ғоясига таянган адиб Баҳром Содиқий (1936-1984) ўзининг “Малакут” (1961) романида реаллик ва нореаллик, ҳақиқат ва асотирларни ўзаро қоришиқ ҳолда ифода этди. Гарчи адиб қисман Қуръони карим ва асосан, Тавротга таянган бўлса ҳам, табиатан икки хил қарама-қарши фикр ва муносабат оқибатини самарасиз тушкунликка йўйишга мойилроқ эди. Шу боис “Малакут” романининг Мўввадат, Нотаниш, Мўнший, Бақалок, Доктор Хотам (барчани ўлим инъекцияси билан “сийлаши” жиҳатидан Шайтоннинг

---

<sup>95</sup> Ҳаддидан ошишлар авж олгани учун Иброҳим алайҳиссаломнинг Худовандга ёлборишлари туфайли фақат Лут пайғамбар ва унинг кизлари жони омон қолдирилиб, устига осмондан оловли олтингургурт ёғдирилиб, ер билан яксон қилинган шаҳар Садўм тарихи; Микоҳшоҳ ва Томор (коҳинлар уни аёл қиёфасидаги Шайтон малайи деб аташган) ва бошқалар тўлиғича роман матнига сингдирилган.

бир кўриниши), Соқий, жаноб М.Л. ва жаноб Шеку сингари қаҳрамонларининг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, хатто ташқи кўринишларида ҳам ғалати сирлилик кузатилади. Романда ўлимдан кўрққан, абадий ҳаётни орзу қилган, аммо ўлимга маҳкум ер бандалари олами ва аксинча, абадий ҳаётдан зериккан Шайтон олами қоришиб кетгани учун бирқадар мавҳумлик ҳам юзага келган. Шунга қарамасдан, Баҳром Содиқий инсон тийнатидаги ғурур, шаҳват, ҳирс (таъма), рашк, ғазаб, очкўзлик, дангасалик сингари иллатларни кўрсатишга муваффақ бўлган.

Одамларни йўлдан оздирган Доктор Хотамнинг ботин ва зоҳир олами бир-бирига зид. Айнан ўша уйғунлик тақчиллиги боис, у ўзини ва оламини ўзгартиришга қодир эмас. Роман лейтмотиви, асосий ғоясини ҳам шу қараш белгилаб бергани учун адиб дунё ўткинчи ва омонатдир, – деган пессимистик хулосага келади. Яъни тақдири азал тушунчасини инсоннинг оламда мутлақо ёлғиз ва ҳимоясиз экани, сўнгсиз азоб-уқубатларга гирифторлиги маъносида нотўғри талқин қилади. Чунки инсон ўзининг ҳамиша Аллоҳнинг паноҳи ва эътиборида эканини ҳис этмас экан, умидсизлик кайфияти илдиз отиб, қалб хотиржамлиги йўқолади. Умиднинг сўниши эса реал дунёни разолат майдони деб билишга олиб келади.

Агар диққат қилинса, адиб “Малакут” романида кўрқув ва бемаъни ғурурдан халос бўла олмаслик чинакам фожиа эканини уқтираётгани англашилади. Романда драматизм учун талаб қилинадиган: рашк, заҳарлаш, фитна, севги учбурчаги, қасос каби барча асослар мавжудлиги инсон психологиясини турли ракурслардан кўрсатиш имконини берган.

Асарнинг аксарият қаҳрамонлари тақдири ва ҳаёт йўлига назар ташланса, улар қалбан ёки жисмонан ёлғиз эканини англаш мумкин. Чунки уларнинг барчаси малакут оламининг асрори, чин муҳаббат туйғусидан бебаҳра. Аллоҳга таваккал қилиб, умидланиб яшаш ҳиссидан мосуво – вақт оқимиға қарши чорасиз ва бетадбир. Бизнингча, улар ўзларининг қачонлардир ёш бола бўлишгани; малакут оламида ҳозиргача пинҳон

яшаётган ўша беғубор гўдакнинг овози (қалби)га қулоқ тутишга қурбсиз экани боис ботиний ҳаёт билан алоқаси узилиб қолган кимсалардир.

Демак, романда барча эзгуликларга ўз ишончини йўқотган қаҳрамонлар тасвирланган. Улар учун маънавий-руҳий ҳаёт ўз мазмунига эга эмас. Ўлим ягона чора сифатида англанадики, қаҳрамонлар руҳан эзилиб, тушкунлик, саросима ва қўрқув исканжасида ўртанишади. Шунинг учун Габриэль Гарсия Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асари қаҳрамонлари сингари ғоят ёлғиз яшаб, дунё ҳаёти мутлақо мазмунсиз экани ҳақидаги ақидаларга кўникишга маҳкум.

## *2. Черков ҳаёти танқид қилинган – антиклерикал бадиий талқинлар.*

Христианликнинг роҳиблик, таркидунёчилик тариқатида гуноҳлари учун Худога ёлбориш эмас, попдан – ўртада туриб воситачи бўлишни сўраш каби моддий дунё амалларидан батамом узилиш етакчилик қилади. Бу ҳол черков тақиқларига қарши кайфиятда бўлган бадиий ижод аҳли: Ж.Боккачо, В.Шекспир, Лопе де Вега, Мольер, Шарль Перро, Китсени ҳам бефарқ қолдирмади.

Қуръони каримда, Исломда роҳиблик яъни таркидунёчилик йўқ экани хабари келади<sup>96</sup>. Пайғамбаримиз (с.а.в) муборак ҳадисларидан бирида: “Умматимнинг энг яхшиси охират иши деб дунё ишини, дунё иши деб охират ишини қолдирмайдиганларидир”, дея марҳамат қиладилар. Ислом динида бошқа динларда бўлгани каби Муқаддас Оталик, яъни Роҳиблик мақоми йўқ. Бу Қуръонда тақиқланган<sup>97</sup>.

Коинотда нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, яхшилик олами (Аллоҳ) билан ёмонлик дунёси (Шайтон – Иблис) ўртасидаги ўзаро курашни эътироф этган монийлик динида моддий дунё – ёвузлик маскани ва муқаррар ҳалокатга маҳкум деб тушунтирилади. Зоҳидлар дунё хузур-ҳаловатларидан воз кечишади. Фақирлик ва рўза тутишни доимий одат

<sup>96</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Ҳадид сураси. 27-оят, 541-бет:

<sup>97</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Тавба сураси. 31-оят, 187-бет.

килишади. Уларнинг фикрича, инсон: жисм (зулмат) ва рух (нур)дан иборат. Моний – само нурунинг элчиси. Кўринадики, монийликда зардуштийлик ва христианлик ғоялари ҳам мавжуд. Шу боис у VIII – IX асрларда ислом тарафдорлари таъқибига учради. Кейинчалик Европа ва Осиёда, XIV асрга келиб, Хитойда ҳам барҳам топди. Юнонлардаги ривоқийлар (стоицизм) эса материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб турган оқимдир. Унда фикр одамнинг ички эркинлиги улуғланади, аммо жисмоний жиҳати эътибордан соқит қилинди.

### *3. Қуръоний ва тасаввуфий бадий талқинлар.*

Қуръони карим ўзидан олдин келган жамоалар қисматини тасдиқлайди. Ҳар бир воқеани гоҳ батафсил, гоҳида ишоралар орқали баён этиб, ҳидоятга чорлайди. Иймон келтирганлар учун раҳмат нурларини ёғдиради. Аллоҳга исёнлари ва унинг ҳукмларини танимаганлари учун ҳалок қилинган қавмлар қисмати мисолида инсоннинг Аллоҳ қаршисида нақадар ожиз ва заиф эканини кўрсатади. Бинобарин, Қуръони каримнинг аввалги яшаб ўтган қавмларнинг қиссалари: Нух, Ҳуд, Солих, Лут, Шуайб қавмларига етган мусибатлар (Самуд ва Мадян шаҳарлари йўқ қилиниши)нинг<sup>98</sup> аянчли оқибатлари баёнида соф ақл эгалари учун кўплаб ибратлар мавжуд. Бадий ижод аҳли пайғамбарлар ва улуғ сўфийлар шахсини имкон қадар ўрганиш ва халқимизга тўғри етказиб бериш орқали унинг руҳий тарбияси ва камолотига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу ҳол жаҳон фольклори ва ёзма адабиётида ўзига хос адабий анъанага айланди.

Қуръонда келтирилган ҳар бир “қисса” марказида аниқ бир шахс ҳаёт йўли (сюжети) туради. Барча воқеалар (сюжет линиялари) шу шахс атрофида кечади ва бевосита унга келиб боғланади. Бутун “қисса” ягона бир мазмун, жумла-концепцияга қурилади”<sup>99</sup>. Масалан, Носириддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий”да Қуръони каримнинг “Юсуф” сурасига таянади. Бу асардаги Юсуф қиссаси эса Шарқ мумтоз адабиётида юз эллик (шу жумладан, туркий

<sup>98</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. Қуръони карим. Ҳуд сураси, 84-95-оятлар, 231-232-бетлар.

<sup>99</sup> Қозихўжаев. А.Қисса жанри хусусида. XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 2012. – Б.206.

тилда қирқ беш)дан ортиқ “Қиссаи Юсуф”, “Юсуф ва Зулайҳо” ва бошқа номлар остида яратилиб, халқ орасида кенг тарқалган “Юсуф қиссаси” ва унинг ҳар бири ўзига хос мавзулар мажмуи ва талқинларига эга бўлган турфа вариантлари учун кучли ижодий туртки (импульс) беради.

Шарқ адабиётида образлар тасвири ҳам, олам ва одам муаммоларига ёндашув тамойиллари ҳам буткул бошқача тус олади. Масалан, “Қисаси Рабғузий”да Одам Ато ва Момо Ҳаводан тортиб, Муҳаммад Мустафогача яшаб ўтган пайғамбарлар ҳаёти, эзгу ўй, эзгу амаллари ҳикматлар, ривоятлар орқали акс эттирилади. Муҳими, муаллиф Шарқ фалсафаси билан қадимий миллий кадриятларни ўзаро уйғунлаштиради.

“Юсуф ва Зулайҳо” сюжети “Таврот” ва “Забур”да зикр этилган Яъқуб пайғамбар ва унинг ўғиллари ҳақидаги ривоятлар орқали Ғарб адабиётига, Қуръони карим орқали эса, Шарқ адабиётига кенг ёйилган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Юсуф қиссаси андин машҳуррокдирким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчукким ғаробати ва ширинлиги учун кўп ақобир ҳам назм ва ҳам насрнинг шарҳ асбобин тузубтурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубтурлар”<sup>100</sup>.

Дарҳақиқат, бу қисса янги-янги воқеалар билан бойиб, Шарқнинг энг гўзал бадиий адабиёт намунасига айланди. Хусусан, Фирдавсий, Абулмуаййид Балхий, Шаҳобиддин Аъмақ, Шоҳин Шерозий, Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Масъуд Ироқий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг қиссаю дostonлари юзага келди. Туркий адабиётда Қул Али, Носириддин Рабғўзий, Ҳайдар Хоразмий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салоҳий, Андалиб, Ҳозиқ каби ижодкорлар қаламига мансуб қисса ва дostonлар яратилди. Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асари XIX асрда Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Алишер Навоий асарларида Нух тўфонига сабаб бўлган омиллар, дунёга тарқаган насллар тақдири қисқача эслатилади. Од қавмининг оқ, қизил, қора

---

<sup>100</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011. – Б.539-604.



булутдан бирини танлаши, қора булутнинг имонсизларни ҳалок қилишида<sup>101</sup> ҳалокатга ишора қилинса, Қуръоннинг Шуаро, Аъроф, Қамар, Намл, Худ каби сураларда исмлари тўққиз марта тилга олинган Солиҳ (а.с) даврида тош ичидан тева билан бўтаси чиқиши, адашган қавм даҳшатли овоз, зилзила ва чақмоқ билан жазоланиши тасвирида фақат Аллоҳгина майда ҳашаротлардан тортиб, инсонгача ризқ улашишга қодир эканига ишора қилинади. Ўзини тангри билиб Аллоҳга қарши исён қилган ғофил Намруд Иброҳим (а.с)ни оловга улоқтирган дамда оловнинг ўртасидаги жаннатий ҳол – чашмаю турфа гулларнинг пайдо бўлишида мадад ёлғиз Аллоҳга хослиги тушунтирилади.

Бу типдаги асарлар мазмун-моҳиятида ёрқин бўёқларда тасвирланган бадиий воқеликни қуйидагича тасниф қилиш мумкин: а) халқимиз турмуш тарзи; б) ошиқларнинг саргузаштлари; в) соф инсоний муҳаббат; г) ишк мавзусининг сўфиёна талқинлари; д) ҳар бир асар яратилган даври маърифий, ахлоқий-фалсафий қарашлари, ижтимоий-сиёсий тушунчалари ифодаланиши.

Ушбу сайёр сюжет асосида асарлар яратиш XX асрда ҳам давом этди. Жумладан, Ҳ.Ҳ.Ниёзий халқ маърифатини юксалтириш мақсадида ёзган янги типдаги ўқув қўлланмаси “Қироат китоби”да (1915) бу қиссани содда тил билан қисқача ҳикоя қилди. “Гўзал Юсуф” пьесаси (Н.Ҳикмат), “Юсуф ва Зулайҳо” мусиқали драмаси (Р.Бобожон), “Юсуф ва унинг акалари”<sup>102</sup> тетралогиясида ҳам бу сюжетга мурожаат қилинди.

Эрон адиби Зайнал-Обидин Раҳнаманинг “Пайғамбар” (1937) номли уч жилдлик романи илк китобида исломгача бўлган давр, Муҳаммад (с.а.в)нинг туғилиши билан боғлиқ тарихий вақеалар, Жаброилнинг унга пайғамбарлик

<sup>101</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. Қуръони карим. Аҳкоф сураси. 24-оят, 501-бет.

<sup>102</sup> Томас Манн. Joseph und seine Bruder. Bd 1-2. – 1933, 1943. – 269 с. (Die Geschichten Jaakobs – Ёқубнинг ўтмиши 1933; Der jung Jozef – Ёш Юсуф 1934; Joseph in Ägypten – Юсуф Мисрда, 1936; Joseph der Ernährer – Юсуф-боқувчи, 1943); Немис адиби, эссенависти ва романнависи Пауль Томас Манннинг бу асари “Иосиф и его братья” номи билан 1968 йилда рус тилига ўтирилди; Томас Манн. Иосиф и его братья. Перевод с немецкого Соломона Апта. – М.: Правда, 1991. – 720 с.

хабарини етказиши ҳақидаги ривоятлар қамраб олинди. Иккинчи китобда Муҳаммад (с.а.в)нинг Мадинага ҳижрат қилишларигача бўлган даврдаги ҳаётлари тасвирланди. Учинчи жилдда Пайғамбар алайҳиссалом вафотигача Мадинада бўлиб ўтган воқеалар қаламга олинди. Муаллиф таянган манбаларга кўра иккинчи ва учинчи китобларда ҳам тарихий воқелик диний ҳикоялар, ҳадислар билан уйғунлаштирилди. Тарихий-географик характердаги маълумотлар, хусусан, “Шоҳнома” (Фирдавсий), “Сафарнома” (Носир Хусрав) асарларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Зайнал-Обидин Раҳнамо “Имом Ҳусайн ҳаёти” (“Зендегонийе имом Ҳўсейн”, 1938) романида имом Ҳусайн (р.а)нинг ҳаёти ва фаолияти Карбало фожиасини қаламга олди. Бу билан: биринчидан, имом фақатгина Қуръони каримга амал қилиб, адолатни ёқловчи ва ҳақ динни диёнат тутувчи зот эканини таъкидлади. Иккинчидан, хўжайинларига яхши кўриниш мақсадида Расулуллоҳнинг суюкли набиралари Имом Ҳусайн розияллоху анҳуни ваҳшиёна қатл қилиб, улкан жиноятга қўл урган nobакорларни тарих кечирмаслигига урғу берди. Учинчидан, хорлик ва орға рози бўлмасликка даъват этаркан, Ибн Зиёд ва унинг тарафдорлари аччиқ қисмати мисолида ҳар бир золим ва фосиқ муқаррар тарзда жазога мустаҳиқ эканини уқтиришга уринди.

Бироқ адиб банданинг розилигини Аллоҳнинг розилигидан устун билиш иллатининг ботинида салтанат учун интилиш истаги ётганини ошкор айта олмади. Шунингдек, ҳар бир қотил ғолиб эмаслиги ва ҳар бир мақтул мағлуб эмаслигини теран руҳий-психологик таҳлил эта олмади. Чунки Имом Ҳусайн розияллоху анҳунинг ўлдирилиши кўплаб золимларнинг икки дунёда мағлуб ва малъун саналишига олиб келганини ошкор айтишга давр имкон бермас эди.

Романда Имом Ҳусайн (р.а) образининг марказий планга қўйилгани ва бош қаҳрамоннинг Ҳасан ва Муовия (р.а) лар ўртасидаги келишувни қатъиян рад этиб, Муовия (р.а)га ҳам, унинг ўғли Язид I га ҳам қасамёд қилишдан бош тортишининг ўзи мақтовга лойиқ эди. Зотан, романда 680 йилда ўзининг

72 кишилик мўъжаз гуруҳи билан Найнавада 40 минг кишилик қўшинга қарши чиқишга жазм қилган жасур курашчининг, эътиқод йўлида мардона шахид бўлган улуғ инсоннинг жонли образи яратилган эди. Зайнал-Обидин Раҳнамо очик айтолмаган бўлса ҳам, тарихий ҳақиқатларга мурожаат қиларкан, унинг онг остида: мусулмонлар мағлубиятига ҳамиша ички фитна ва низолар сабаб бўлганининг масаласи турган, дейишга ҳақлимиз. Сўнги йилларда дунё фитна олови ичида қолгани, курраи заминнинг турли нуқталари, хусусан, Ироқ, Сурия, Ливия, Ливан, Яманда бўлаётган низо, талотўп ва муҳорабалар ҳамда улардан Исломнинг чин душманлари усталик билан фойдаланаётгани шундай фикрлашга асос беради.

Бизнингча, “Имом Ҳусайн ҳаёти” романи ҳам тарихдан сабоқ олиб, ўзини, ўзлигини ислоҳ этмаган уммат ўзгалар қўлида қўғирчоққа айланиб, жаҳолат ботқоғига ғарқ бўлишидан огоҳ этгани билан кадрлидир. Зотан, тарихда йўл қўйилган хатолар келажак учун улкан сабоқдир. Англашиладики, романда пайғамбар ва имомларнинг турмуш тарзи, салафларининг ҳаёти, дин йўлидаги жанг тафсилотлари мавзуида битилган улкан тарихий мерос таъсири кузатилади.

#### *4. “Шайх” ва “имом”ларнинг ҳажв қилиниши.*

“Алишер Навоий: қомусий луғат” (2016)ини кузатган профессор Қ.Йўлдошев миллий тафаккурнинг тараққиёт даражаси юксалганини таъкидлайди ва ушбу қомусда “дунё аҳли” атамаси уч хил маъно ифодалашига диққат қилинганига эътиборимизни тортади: 1. “Дунё аҳли” – моддий дунё гўзаллигига маҳлиё бўлиб унда қолишни хоҳлаган арвоҳлар. 2. “Охират аҳли” – охират жозибасига ошиқ бўлиб у дунёда қолишни истаган руҳлар. 3. “Сиддиқлар” – ҳар иккисига-да берилиб кетмай, Яратганнинг қошига қайтиб келган руҳлар.

Бир пайтлар руҳларга нисбат берилган юқоридаги атама эндиликда моддий дунё неъматларига ортиқча меҳр қўйган кимсаларга нисбатан ҳам

қўлланилмоқда<sup>103</sup>. Умуман, “дунё аҳли” атамасининг нозик маъноларида олтин ўрталик - мўътадиллик ёқланади. Ушбу Қомусда “зоҳидлик” ҳам уч тоифага ажратилади: а) мубтадийлар; б) мутаҳаққиқлар; в) чин зоҳидлар.

Тасаввуфий битиклардаги ёндашув тарзига кўра, чин зоҳидлик аъмолига риоя этмаган кимсаларга нисбатан салбий муносабатда бўлинган. Биз шўро адабиётшунослигида Навоийнинг шайх-зоҳидлар ҳақидаги қарашларидан, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний каби мутасаввиф шоирлар ижодидан ижтимоий-синфий, антиклерикал моҳият излашга мажбур бўлиб: “диний-мистик адабиёт жамият ҳаётида салбий роль ўйнаган”<sup>104</sup> тарзидаги изоҳлашлар ижтимоий давр билан шартланган маҳдуд қараш сифатида буткул барҳам топганини ҳам таъкидламоқчимиз. Ҳазрат Навоий:

Зоҳид санга ҳур, манга жонона керак,

Жаннат санга бўлсин, манга майхона керак.

деганида фақат охират жозибасига ошиқ бўлиб, олтин мўътадилликка эриша олмаган кимсаларнигина назарда тутган эди.

Татар адиби Ходи Зокирнинг “Жаҳоншо ҳазрат” (1909) қиссаси ва турк ёзувчиси Ёқуб Қадрий Қораосма ўғлининг “Нур Бобо” (1914) романида “шайх” ва “масжид имоми” образлари яратилди. Ҳар иккала муаллиф ҳам ахлоқий қадриятлар ва диний-эътиқодий анъаналарнинг таназзулга юз тутиш жараёнларини тасвирлашга интилди. Шайх ва дин уламолари образи, турмуш тарзини сатирик планда тасвирлади. Бу ҳол ҳатто асар қаҳрамонларининг: Жаҳоншо ҳазрат (“жаҳон ҳукмдори”) ёки Нур Бобо (қалбида илоҳий нур жилваланган – “нурли Ота”) тарзидаги эпитетлар билан тескари ўхшатиш (ирония) асосида номланиши, яъни характерлар ўз исмлари семантик маъноларига номуносиб эканида ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун бу ўринда ёш ва навқирон йигитга нисбатан қўлланилган “ота” эпитетини “Занги Ота”, “Ҳалил Ота”, “Ҳаким Ота” каби бирикмалардаги маъноларда

<sup>103</sup>Йўлдошев Қ. Қомусларга айланган ижод. / “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”. – Навоий: 2017. – Б.65.

<sup>104</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б.212.

эмас, балки қахрамон ижтимоий мавқеига ишора сифатида англаш тўғри бўлади.

Албатта, дабдурустан муаллифлар тариқат шайхлари эътибор ва эъзозга лойиқ инсонлар эканини буткул унутиб, уларни дунёвий иллатларга мойил тубан кимсалар сифатида кескин қоралашди, – дейиш илмий одобдан эмас. Таъкидланганидай, бу қахрамонлар ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеига кўрагина “шайх” ёхуд “имом” мартабасида туришади. Уларнинг нияту амаллари, ҳаракату интилишлари эса, наинки сўфийлик ахлоқи, балки азалий халқона кадриятлар ўлчовидан ҳам буткул четга чиқади.

“Жаҳаншо ҳазрат” қиссаси ва “Нур Бобо” романининг сюжет воқелиги Марказий Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари муҳитида эмас, балки Волга-Ураль минтақасида яшовчи христианлик ва шиалик оқимлари таъсиридан буткул холи бўлмаган Бектошия тариқатига эргашган яничарлар муҳити, қисман эса, бу эътиқодга мутлақо алоқаси бўлмаган бошқирд ва татарлар орасида кечишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Зотан, Ҳожи Бектош Вали қарашларига хайрихоҳ яничарлар Усмонли империяси ҳарбийларининг салмоқли қисмини ташкил қиларди. Шунинг учун “Нур Бобо” романи илк қисмлари 1914-1915 йилларда “Ахшам” (“Оқшом”) газетасининг бир неча сонларида чоп этилиши билан турк илмий-адабий жамоатчилиги ва кенг газетхонлари ўртасида кучли эътирозларга сабаб бўлди. Романнинг кейинги қисмлари нашри тўхтатилди. Ҳатто 1922 йилда Истанбулда роман алоҳида китоб ҳолида нашр қилинганида ҳам, вақтли матбуотда қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Олмон олимаси Аннамарие Шиммел “Жонон менинг жонимда” китобида: “Ёқуб Қадрий Караосма ўғли ўзининг 1922 йилда Истанбулда чоп этилган “Нур Бобо” романида Бектошия тариқатининг ёшгина бир устози аёлларни қандай қилиб йўлдан оздирганини тасвирлаб берган. Роман босилиб чиққандан уч йил кейин Туркия ҳукумати раҳбари Отатурк барча

дарвеш жамоаларини ёптириб ташлади. Бироқ Ислом оламининг замонавий ижтимоий-танқидий адабиётида бу мавзу сақланиб қолди”<sup>105</sup>, – деб ёзади.

Дарҳақиқат, XX аср бошларига келиб, айрим дин ва шариат пешволари, баъзи мулла-имомларда руҳ ва қалбни иллатлардан поклаш йўлида риёзат чекишга лоқайдлик, ислом ахлоқига бефарқлик кайфияти пайдо бўлди. Биз бу ҳол замонавий бадий насрга кўчишини А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ образлари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Шу маънода, Ходи Зокир ҳамда Ёқуб Қадрий асарларида ўзи ва муридларини, Худони ҳам алдаб, нафс тўрига илинган, элнинг назаридан қолган мунофиқ кимсалар образи тасвирланиши тасодифий ҳол эмас. Муайян маънода, ходисанинг замирида ҳаётий ҳақиқат (реалия) ҳам ётади. Агар биз “мунофиқлик” истилоҳи луғавий мазмунига диний-ақидавий нуқтаи назардан қарасак, зоҳиран мусулмонман деб, ботинан ўз даъвосига лойиқ бўлмаслик – эътиқодий бузуқлик тушунилади.

Бировга зарар етказишдан масрур ва мамнун бўлувчи, қалбини мараз боғлаган, бахил ва риёкор мунофиқлар амали Аллоҳ даргоҳида қабул қилинмайди. Бинобарин, роман етакчи қаҳрамони Нур Бобо эътиқоди ҳам, илми-аъмоли ҳам залолатдадир.

Роман муаллифи Ёқуб Қадрий Қораосма ўғли Усмонли жамиятида азалий қадриятларнинг аста-секин издан чиқиши муаммосини тасвирлашни мақсад қилганини эътироф этади. Шу маънода, Нур Бобо образини ўз тийиқсиз хоҳиш-истакларининг қурбони бўлган сатирик қаҳрамон сифатида идрок этиш лозим. Бефарзанд Ориф бобо ёш ва хаста Нурни ўз қарамоғига олиб, унинг барча истакларини беками-кўст бажо келтирган, эрка-танқиқлик эса, унинг ғоят инжиқ ва ўжар йигит бўлиб улғайишига олиб келганди. Адиб ёш ва навқирон йигит билан оилали аёллар ўртасидаги ишқий можароларга урғу беради. Сир сақлаш усулини ишга солади. Ёпиқ ижтимоий муҳитда

---

<sup>105</sup> Annemariye Shimmel. Jonon mening jonimda. // Олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси. Xurshid Davron kutubxonasi (kh-davron.uz).04.03.2018

содир бўлган бу имонсизликлар орқали жонли характерлар яратиб, Усмонли империяси кучи ва ҳаётий таъсири тобора сусайиб бораётганини кўрсатади. Шубҳасиз, ёзувчи Бектошийлик тариқати издошларининг кучли нафратига ҳам учради.

Ходи Зокирнинг “Жаҳоншо ҳазрат” қиссаси қаҳрамони Жаҳоншо эшон образи ўз даври ва ижтимоий-маданий муҳитининг типик вакили сифатида тақдим қилинади. Шу боис, муаллиф асар сюжети воқеалари кечадиган макон ва замон ҳақида очик сўзламай, ҳудудни Уфа “Б” уезди ва “Ш” қишлоғи тарзида белгилайди. Қишлоқнинг татар фольклоридаги афсонавий мавжудот – Тама ва Улятнинг ўғли, қурғоқчилик ва ўлим руҳи Шурале номи билан аталишида (бу образ татар ислом адабиётида Шайтон тарзида номланади М.О) пардаланган аччиқ заҳарханда (сарказм) кўзга ташланади. Яъни муаллиф ўз муносабатини у қадар яширмайди.

Жаҳоншонинг “шайх”лиги шунчаки ниқоб бўлиб, унинг “Мен”лиги шу ниқобсиз мутлақо мавжуд эмас. Янада аниқроқ айтганда, “мурид”, “имом” ва “шайх” каби бирин-кетин алмашинувчи турфа ниқоблар ортида унинг эъзозлаш ва қадрлашга лойиқ ўзига хос шахсияти кўринмайди. Чунки Жаҳоншонинг барча хатти-ҳаракатлари қиёфалар ролини ўйнашга қаратилган. Демак, Ходи Зокир Жаҳоншонинг ниқоблар намойишидаги сохта индивидуаллигини инкор қилади. Маданий анъаналар тескари айланишини кўрсатади. Бизнингча, бундай ҳолларни М.М.Бахтин назариясига хос қарама-қаршилиқлар тартибининг ўзгариши (маънонинг тескари ағдарилиши) ғояси билан изоҳлаш мумкин. Албатта, Ходи Зокир ўз қиссасини ёзган 1909 йилда ҳали М.М.Бахтин кашфиётлари юзага келмаганди. Бироқ муаллиф онгости туйғуларида мифологик қарашнинг излари мавжуд бўлгани, у корнавалнинг семиотик мазмунидан бохабар эканини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Муаллиф қишлоқ аҳолиси саводсизлиги ва қашшоқлашуви, ночор турмушининг бош айбдорлари сифатида даставвал, жаҳолат ва лоқайдликни, иккинчидан, шайтоний нафс илинжидаги айрим муаллимлар, эшон-ҳазратлар ва мударрислар (Фотима отин, имом Габдулла, мударрис Тохиржон ва б.)ни

кўрсатади. Бўлажак эшон Жаҳоншо энг эътиборли, идеал кишилар сифатида ўшаларга эргашади. Уларга ўхшаб қишлоқ ҳудудида бошқарувни кўлга киритиш ва пировардида тўкин-сочин яшашга интилади. Қишлоқ ёшлари учун ягона идеал ўзига тўқ эшон бобо бўлган эди. Жаҳоншо яшил чопон ва оқ салла соҳиби – ҳамма ҳурмат қилиб сийлайдиган, назр-ниёзлар ато қиладиган кишига айланади. Бироқ асарда худбин, такаббур, айёр ва ҳасадгўй Жаҳоншо маънавий қиёфаси, ички олами тўлақонли очилмайди. Шунга қарамасдан, биографик ва типиклаштириш усулидан баракали фойдаланган адибнинг муаммога Жаҳоншонинг фожиали ўлими ва қишлоқда зиёлиларнинг янги вакили – жадид Ҳасан муаллимнинг пайдо бўлиши билан поэтик ечим топиши эътиборлидир.

Тоталитар тузум адабий-мафкуравий сиёсати амалда бўлган даврда буюк алломаларимиз шахсияти, ибратли ҳаёти ва адабий-тарихий мероси ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, бу мавзуда холис илмий тадқиқотларни амалга ошириш, меросларини кенг тарғиб қилиш, бадиий образларини тасвирлаш имконсиз эди. Ҳатто “Навоий” (Ойбек) романида адиб улуғ шоир ва давлат арбоби яшаган давр тарихи, социал қиёфасини, синфийликдан холи бўлмаган кучли интригалар, мураккаб сиёсий воқеалар фонидида акс эттиришга мажбур бўлди.

Дарҳақиқат, адабиётшунос И.Ёқубов таъкидлаганидек: “... айни қатағон даврида ёзилган романда замон талабига кўра Ойбек Навоийнинг асарларидан унинг хурофот, жаҳолат, муштумзўрликка қарши курашувчи жиҳатларини топиб, уларни бўрттириб кўрсатишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам романда Султон Ҳусайн Бойқаронинг барча хусусиятлари Навоийга қарши қўйилиб, у базм ва майхўрликка берилган, мустақил фикрлашдан маҳрум шахс сифатида акс эттирилган. Шунингдек, Мажидиддин ва унинг тарафдорлари ҳақида Навоийнинг уларга нисбатан гўё: “аждарнафс”,



“дарранда”, “газанда”, “бўрилар”, “итлар”, “чиркин махлуқлар”, “ифлос пашшалар” деган сўзлари таъкидлаб кўрсатилган.”<sup>106</sup>

“Улуғбек хазинаси”<sup>107</sup> (О.Ёқубов) романида мавлоно Низомиддин Хомуш “қора гуруҳлар вакили” сифатида қаламга олинди. Ваҳоланки, Абдурахмон Жомийнинг улуғ сўфий машойихлар фаолиятига бағишланган “Нафаҳот ул-унс” асарида Низомиддин Хомуш ҳақида илиқ фикрлар билдирилади. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий”нинг “Мавлоно Низомиддин Хомуш (Аллоҳ унинг сирларини муқаддас қилсин) зикрида”<sup>108</sup> номли фаслида мавлоно Низомиддин Хомушнинг ғайб илмидан хабардор кароматгўй шайх – чин эътиқод соҳиби экани, даставвал, шайх Абул Мансур Мотурудий руҳидан мадад олгани ва кейинчалик мавлоно Хожа Алоуддин Атторнинг муриди бўлгани ҳақидаги қимматли маълумотлар келтирилади. Кўринадики, шўро даврида расмий адабий сиёсат билан мурасага келишга мажбурият сезиш оқибатида олис ўтмиш мавзусида битилган ўзбек романларида шайх-валийлар образини холис тасвирлаш имконсиз эди.

Мустақиллик йилларида Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад”,<sup>109</sup> Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”<sup>110</sup>, Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр”<sup>111</sup>, Тўлқин Ҳайитнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси”<sup>112</sup>, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий”<sup>113</sup> каби романлари ёзилди ва нашр қилинди. Шубҳасиз, бу мустақиллик даври адабий жараёнида юзага келган ижобий силжиш эди. Шунинг учун ишимизнинг кейинги боб ва фаслларида мазкур асарлар кенг таҳлилга тортилди.

### **Боб юзасидан айрим хулосалар:**

<sup>106</sup> Ёқубов И. Бадий-эстетик сўз сөҳри. – Тошкент: Фан ва технология, 2011. – Б.85

<sup>107</sup> Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Роман. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 336 б.

<sup>108</sup> Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Таърих-и Рашидий. – Тошкент: Фан, 1996. – 321 б.

<sup>109</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош тахририяти, 2006. – 432 б.

<sup>110</sup> Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 336 б.

<sup>111</sup> Мухторов О. Навоий ва рассом Абулхайр. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 223 б.

<sup>112</sup> Тўлқин, Ҳайит Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман /Тўлқин Ҳайит. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 448 б.

<sup>113</sup> Исажон Султон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2021. – 512 б.

Диссертациянинг биринчи бобида келтирилган мисоллар қуйидагиларни тасдиқлайди:

1. Мустақиллик йилларида Қуръони карим изоҳли маъновий таржималари юзага келди. Тафсир илми қайта тикланди. Суннат руҳияти, Муҳаммад (с.а.в) ҳамда саҳобаларининг йўллари, шайх-валийлар ҳаёти ва мероси ҳақидаги энг муҳим ҳамда саҳиҳ маълумотлар нашр этилди. Бизнингча, улар: а) адабиётшунослар учун муҳим қўлланма; б) адабий ижод аҳлининг фикр ва ифода йўсини, мавзу ва образлар олами кўламининг янада кенгайиши учун асосли манба вазифасини ўтади; в) ўзбек романчилигидаги миллийлашиш жараёни теранлашди.

2. Ўзбек романларида миллий адабиёт намуналарининг бош мавзу ва етакчи мотивлари, умуминсоний ва абадий мавзуларига мурожаат қилишга интилиш ортди. Шайх-валийларнинг ҳаёти, фазилат-хислатлари, ақл-заковати, қувваи ҳофизаси, ғайб асрори каби масалалар: а) Аллоҳнинг буюк иродаси билан туғилиш; б) Аллоҳ ҳифзи-ҳимояси остида камол топиш; в) сафар мотиви; г) синов мотиви билан боғлаб баён қилишга киришилди.

3. Адабиётшунослик илмида адабиётлар ва маданиятлараро алоқаларни теран англаш, поэтик асарларни умумбашарий мезонлар асосида мумтоз адабиёт поэтик анъаналари негизида холис баҳолаш имкони туғилди. Илмий истеъмолга киритилган манбалар асосида тасаввуф, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид илмлари билан чуқурроқ танишиш имкони юзага чиқди.

4. Замонавий адабий жараён ҳодисаларини Ғарб эстетикаси ва бадиияти тамойиллари билангина изоҳлашга интилиш тамойили қисман барҳам топди. Адабий-эстетик тафаккур янгиланди. Шарқ адабиёти, хусусан, замонавий ўзбек романчилиги ҳам глобал масалаларни бадиий идрок этишда ўз манбасини Қуръони каримдан, Ҳадиси шарифдан, кенг маънода эса ислом илоҳиёти, маданияти ва маърифатидан олиб, ўз азалий ўзанларига қайта бошлади.

5. Қуръоний қиссалар асрлар давомида халқ оғзаки ижоди ва мумтоз қиссалар учун таянч бўлиб келган. Улар замонавий романлар яралишига ҳам

сезиларли таъсир этмоқда. Шайх-валийлар каби табаррук сиймолар ҳақидаги романларни таҳлил ва тадқиқ қилиш учун Қуръон ва ҳадислар ҳақиқати, тариқат ва унинг моҳияти ҳақидаги мавжуд билимлар умумий мазмун-моҳиятини ижодий ўзлаштириш лозим.

6. Шайх-валийлар образининг жаҳон насридаги мустақиллик давригача бўлган бадиий талқинлари юзага келган даври, жуғрофий тарқалиш ареали, поэтик талқинлари, мавзу кўлами, мотивлари, образлар тизими, сюжет ва композициясига кўра сезиларли тафовутларга эга. Уларни қуйидагича тасниф қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1. “Таврот” асосидаги ижтимоий-бадиий талқинлар. 2. Черков ҳаёти танқид қилинган – антиклерикал бадиий талқинлар. 3. Қуръоний ва тасаввуфий бадиий талқинлар. 4. “Шайх” ва “имом”ларнинг ҳажв қилиниши.

7. Тоталитар тузум адабий-мафкуравий сиёсати амалда бўлган даврда буюк алломаларимиз шахсияти, ибратли ҳаёти ва адабий-тарихий мероси ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, бу мавзуда холис илмий тадқиқотларни амалга ошириш, меросларини кенг тарғиб қилиш, бадиий образларини тасвирлаш имконсиз эди.

## II БОБ. ТАРИХИЙ ВА БАДИИЙ ҲАҚИҚАТ

### 2.1. “Аҳмад Яссавий” романи: ҳаётӣ асослари ва ижодкор бадиий концепцияси

Тарихий ва тарихий-биографик романларда ҳар бир халқнинг таниқли вакиллари тақдири ижтимоий-фалсафий асосда англанади<sup>114</sup>. Инсонпарварлик ва фидоийлик ғояларини улуғлаш орқали миллий ўзига хослик, маънавий баландлик ҳис-туйғулари мустаҳкамланиб, миллий ғурурни юксалтириш мақсади устуворлик қилади. Шайх-валийлар сиймоси тасвирланган тарихий-биографик романларнинг генетик илдизлари жаҳон адабиётидаги агиография, ҳаётнома, биографик портрет, Қуръони карим, ҳадиси шариф руҳи ва ўзбек адабиётидаги ҳолат, қисса, манокӣб, дoston сингари жанрларга туташади. Уларда инсон руҳиятини акс эттириш билан бир қаторда, ҳужжатлилик ва бадиийлик ҳам ўзаро уйғун бирикади. Шу боис бу типдаги романлар диний, тасаввуфий ва тарихий-адабий манбалар билан қиёсий ўрганилади. Уларда нафақат хроникал, балки ассоциатив ва концентрик сюжет типларидан ҳам фойдаланилади. Бадиий ғоя ва мавзуни ёритишда анъанавий мотивларга амал қилинса-да, макон ва замон сарҳадлари беҳад кенгаяди. Шу боис унинг бадиий-поэтик тараққиёти “ички” (миллий адабиёт) ва “ташқи” (жаҳон адабиёти) алоқа-муносабатлари негизида ойдинлашади.

Шайх-валийлар ҳақидаги ўзбек романларининг юзага келиши мустақиллик даври берган имконлар билан чамбарчас боғлиқ. Унинг назарий қонуниятлари ҳали шаклланиш босқичида. Жанрнинг бадиий-структурал қурилмасида эпик турга хос романтизм ижодий методининг айрим унсурлари, тасвир принциплари, оҳанг ва ранглари мавжуд. Бундай сифат эврилишлари юз йиллик романчилигимиз адабий анъаналарига боғлиқ тарзда

---

<sup>114</sup> Роман // Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под ред. А.Н.Николюкина. – Институт научной информации по общественным наукам РАН: – Интелвак, 2001.– Стб. 889 – 892 – 1596 с.; Мелетинский Е. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: 1983.

юзага чиқмоқда. Романда тарихий шахслар образи акс этирилиши билан боғлиқ бадий-эстетик принциплар таҳлили орқали мозий ва инсонни тасвирлаш, қахрамон ва персонажлар тизими, характер структураси ҳам ойдинлашади.

Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий” роман-дилогияси юзага келишининг бир неча ҳаётий ва адабий-маърифий асослари мавжуд:

Биринчидан, романга асос бўлган тарихий шахс – Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёда XII асрда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқат асосчиси эди<sup>115</sup>. Аҳмад Яссавий Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида шундай деб таърифланади: “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадоний қ.с.нинг асҳобидиндур. Хожа Абдулҳолик Гиждувоний била қ.с. суҳбат тутубдур ва Хожа Абдуллоҳ Баррақий ва Хожа Ҳасан Андоқий қ.р. билаки, ҳам Имом Юсуф Ҳамадоний р.т. муридларидурлар. Имом қайси бийик маротибга етибдурлар, мусоҳиб бўлубдур ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибдурлар ва Шайх Разиюддин Али Лоло қ.с. Шайхи бузургвор Шайх Нажмуддин Кубро р. хизматиға етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий қ.р. хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди била сулук қилибдур ва анинг мазори Туркистонда, Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур воқеъ бўлубдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур”<sup>116</sup>.

Кўринадикки, “Насойим ул-муҳаббат”да Аҳмад Яссавий Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1140)нинг шогирдларидан бири экани, машҳур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси – Хожа Абдуҳолик

---

<sup>115</sup> Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001; Ислам – энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991; Хасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: 1993; Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-босқич. (Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Кўпрулу – Анқара: 1993; Рустамов Э. Аҳмад Яссавий хикматларида тарих ва ҳаёт садоси. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 1972, № 4-5; Фитрат А. Аҳмад Яссавий: Танланган асарлар (нашрга тайёрл. Ҳ.Болтабоев). 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.141.

<sup>116</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.419.

Ғиждувонийнинг ҳамсухбати бўлганига урғу берилади. Демак, Абдулхолик Ғиждувонийдан ташқари, ислом олами ва тариқат тарихида машҳур шайхлар: Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқийлар ҳам Юсуф Ҳамадоний шогирдлари бўлишган. Дарҳақиқат, Юсуф Ҳамадонийнинг ўн етти нафар муриди комил авлиё даражасига етишган. Шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари асосчилари ҳам бевосита унинг издошлари эдилар. Муҳаммад Дорошуқ қаламига мансуб “Сафинат ул-авлиё” (“Авлиёлар кемаси”, Конпур, 1900 йил) китобида ҳам Юсуф Ҳамадоний ҳақида: “Уларнинг тўрт халифалари бор эди: Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолик Ғиждувоний”, – деб таъкидланади.<sup>117</sup>

Ўз давридаёқ Марказий Осиёга ёйила бошлаган тасаввуф таълимотининг тарихида тутган ўрни ғоят катта, таъсир доираси ҳам жуда кенг эди. Яссавий тариқати Мовароуннаҳрдан буюк Туркистон, Оқ Эдил, Кавказгача, Хуросон, Эрон, Румгача<sup>118</sup>, Бадахшон ва Шарқий Туркистонгача кенгайиб борган эди. Мустамлакачилик даврида 150 йиллик турли чекловлар ва тақиқлар бўлганига қарамасдан, Яссавия тариқати халқ онги, эътиқод ва ишончларида яшаб келган эди.

Иккинчидан, Аҳмад Яссавий ислом динининг етук алломаси, шариат аҳкомлари фаол тарғиботчиси сифатида ўз ҳикматлари воситасида туркий миллатларни имон-эътиқодга даъват қилишни кўзда тутган эди. Фақирлик билан ботинни поклаш, жону кўнгил билан Ҳаққа ошиқ бўлиш орқали Ҳақни таниш йўлини тарғиб қилган улуг зот – орифлар султони Аҳмад Яссавий (р.а.): “Шариат зоҳирда аъзолар билан амал қилиш, тариқат қалб билан амал қилиш, ҳақиқат эса сир (қалбдаги жавҳар, кўнгил) билан амал қилишдир”<sup>119</sup>, – дейиши шариат йўлида мукаммал бўлмаган кишига тариқат, маърифат ва

<sup>117</sup> Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-хаёт (Ҳаёт мезони). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

<sup>118</sup> Маълумки, Рум – қадимги даврларда Рим ва Рим империясининг номи ва унинг бўлинишидан кейин (IV-асрда) – Шарқий Рим империяси (Византия)нинг номи бўлган. Кичик Осиё салжуқийлар томонидан босиб олиниши даврида бу ном Кичик Осиёга нисбатан қўлланилган. Усмонли турклар Византияни босиб олган эса, бу ном Болқон ярим ороли маъносида қўлланилган. (М.О.)

<sup>119</sup> Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.148.

хақиқат мартабалари насиб этмайди, – деган қарашни фаол тарғиб қилганини кўрсатади. Зотан, илм-маърифат сирларини билиш<sup>120</sup> шавқ, муҳаббат, иноят, иродат, қурбият каби ҳақиқат ва хусусиятлардан огоҳ бўлиш – қалб мужоҳадаси ва инсоннинг илоҳий мавжудлигидан юзага келадиган фикрий ва руҳий қудрат соҳиби бўлиш ғоят мушкул иш<sup>121</sup>. Буни яхши англаган шайх<sup>122</sup> Аҳмад Яссавий:

Маърифатни минбарига минмагунча,

Шариатни ишларини билса бўлмас, –

дея таъкидлайди. Демак, шайх Аҳмад Яссавий (р.а.) шариатни<sup>123</sup> ҳақиқатнинг зоҳири ва айни пайтда, ҳақиқатни шариатнинг ботини деб билади. Шунинг учун “шариат ва тариқатни эгалламасдан чин ҳақиқатга етиб бўлмайди”, – деб ҳисоблайди. Кўплаб ноёб диний-маърифий дурдоналар қатори “Ҳикматлар”нинг<sup>124</sup> халқимизга қайтарилиши ҳам ўзбек носирларида яссавийлик номи билан туркий халқлар орасида илк маротаба янги тариқатга асос солган машҳур шайхнинг ҳаёти ва мураккаб тақдири, пир-муридлик қоидалари ва одобига риоя этиш йўсинлари, солиқ бажариши керак бўлган йўл-йўриқлар, иродат ҳамда ишорат усулларига бўлган қизиқишни орттирди, уни кенг китобхонлар оммасига етказиш, хусусан, бадий образини яратиш истагини кучайтирди.

Учинчидан, ўзбек тасаввуф шеърятини бошлаб берган мутасаввиф шоир ҳикматлари ва уларда қўлланилган атамалар ўзининг халқчил, содда, равон тили, ёд олишга қулайлиги, теран ҳаётий мазмуни билан замондошларимизга анча яқин эди. Шунинг учун инсон камолотини таъминлашда ўтмишдаги валий зотларимиз йўлларини тутиш, суннатларига эргашиш, ҳикматларига суяниб иш тутишнинг аҳамияти ҳам нисбатан тезроқ англаб етилди. Бу ҳол ҳам Султон ул орифин Хожа Аҳмад Яссавий шахсияти

<sup>120</sup> Ўзликни англаш ва Аллоҳни таниш (М.О.)

<sup>121</sup> Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарк, 2007. – Б. 33-34.

<sup>122</sup> Шайх – шариат илмининг билимдони, тариқат пешвоси. (М.О.)

<sup>123</sup> Илм, амал ва ихлос. (М.О.) Қаранг: Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Тошкент: 2000. – Б.7-22;

Қомилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009.

<sup>124</sup> Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004.

ва мероси Саъдулла Сиёевнинг алоҳида эътиборини тортиши, унинг тўлақонли бадий сиймосини яратишга интилишининг сабабларидан биридир.

Тўртинчидан, даврнинг ўзгариши ва асли яссавийхон қишлоқда улғайган туркистонлик адиб ўз бобокалони руҳидан қувват олиб, маънавий-руҳий жиҳатдан юксалган. Ёзувчи Асқад Мухторнинг далдаси билан бу ишга кўл урган эди. Саъдулла Сиёев бу ҳақда тўхталиб шундай деб ёзади:

“– Мен Туркистон фарзандиман... Мен яссавийхон қишлоқда катта бўлдим. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий тўғрисида каттароқ бир асар битишни ўзимнинг бурчим деб билардим. Бироқ даврдан ижозат, ўзимда эса, маърифий-руҳий қувват йўқ эди...

Менинг хаёлимда Шайх ул машойих – Аҳмад Яссавий тимсоли... Ул зоти шарифнинг сиймоларини кўз олдимга келтиришга уринаман. Авлиёлар сарваридан мадад тилайман.

Ниҳоят ёзишга жазм қилдим.

Дўрмонга бордим. Донишманд устозим, раҳматлик Асқад Мухтор у пайтлар ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида яшарди. У кишига ниятимни айтдим.

– Сен ёзсанг эплайсан, қўлингдан келади, – деб кўнглимни кўтарди Асқад ака. – Яссавий дунёси бир уммон, унда ғарқ бўлиб кетишдан сақлан. Тасаввуфни чуқурроқ ўрган. Тўғри, Аҳмад Яссавий буюк авлиё, каромат соҳиби, лекин у ҳам сен билан бизга ўхшаган инсон. Шуни унутма. Яссавий ҳайкалга айланиб қолмасин.”<sup>125</sup>

Англашиладики, адиб кўп йиллик изланишлардан сўнг бу хайрли ишга кўл урган. Романнинг илк боблари 1993 йилда “Шарқ юлдузи” журналида босилган эди. Дилогиянинг “Яссавийнинг сўнгги сафари” номли биринчи китоби эса, “Маънавият” нашриётида 2002 йилда чоп этилди. “Она юрт шамоллари” номли иккинчи китоб билан қўшилган ҳолда “Аҳмад Яссавий”

---

<sup>125</sup> Саъдулла Сиёев. Икки оғиз арзи хол. / Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.331-332.



номи билан 2012 йилда китобхонлар қўлига етиб борди. Бу роман шухрати юртимиздан четга ҳам чиқди. Жумладан, Туркияда (турк тилида), Хитойда (уйғур тилида) нашр этилди.

Мазкур роман Саъдулла Сиёевнинг қарийб йигирма йиллик изланишлари маҳсулидир. Шунинг назарда тутган Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Саъдулла Сиёевнинг бу журъатини: “Ўз руҳида Яссавий руҳига ошуфталик улашган инсоннинг катта ижодий иши”, – деб баҳолади. Бевоқиф романи ҳақида тўхталиб: “Саъдулла Сиёевнинг ушбу асарида Яссавий бобомизнинг ҳаёт йўли ёхуд тариқати илмий баён қилинган эмас. Ушбу асар тўла маънода бадиият намунасидир. Асарда Шайх Ҳазратлари ҳамда у зотнинг муҳити тарихий ҳақиқат баробарида жонли ҳаётнинг тасвирлари билан омукта бўлиб кетган... Аслида Ҳазрат Яссавий инсонни бошқа мавжудотлардан кескин ажратиб турган руҳ дунёсини тадқиқ этганлар... Саъдулла Сиёев ислом дунёсининг бетакрор сиймоси ҳақида асар ёзар экан, ўзини тамоман холис адиб сифатида тутди... Саъдулла Сиёевнинг мароқли бу асарини ўқий бошлар экансиз, муаллифнинг бир тарафлама пишиб етила бошлаган маҳоратига қойил қола бошлайсиз. Энг муҳими, табаррук бобомиз Султон ул-орифин Яссавий ҳазратларининг муборак сиймоларини аниқ тасаввур эта оласиз”<sup>126</sup>, – деб ёзган эди. Шубҳасиз, юқоридаги эътирофлар романдаги руҳоний дунё вакили Аҳмад Яссавий сиймосини тўғри англашга калит беради. Бизнингча, мазкур роман ўз нафсини таниб, уни жиловлай олган, узлуксиз тарбия қилган ва ўзида шаклланган юксак инсоний фазилатларни эл ва юрт манфаати йўлида сафарбар эта олган инсон қисмати ҳақида битилган.

“Аҳмад Яссавий” роман-диалогияси архитектураник жиҳатдан икки китоб ва 36 фаслдан иборат. Ҳар бир фасл эпиграф билан таъминланган. Биз бу эпиграфлар орасида Қуръони карим сура ва оятлари, Ҳадислар, қадимги халқ қўшиқлари, “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлигидан олинган парчалар,

---

<sup>126</sup> Орипов А. Муборак бобоқалон қиссаси. / Саъдулла Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари. Роман. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.3-4.

Шарқона ҳикматлар, Абдухолик Ғиждувоний, Алишер Навоий келтирган қимматли маълумотлар, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Юнус Эмро, Насимий, Машраб ҳикматли сатрлари, Жунайд Бағдодий сўфиёна қарашлари, “Маноқиб”лардан олинган турфа ривоятларни учратамиз. Албатта, ушбу пурҳикмат сатрлар мазмунида Саъдулла Сиёевнинг Аҳмад Яссавий шахсияти, ҳаёти ва тариқатига бўлган ғоявий-эмоционал муносабати ҳам акс этган. Масалан, дилогиянинг “Қасамхўрнинг жазоси” номли илк китоби биринчи фаслида Алишер Навоий “Насойим”да келтирган: “Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайх-ул машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромати мутаволий ва номаҳсур эрмиш. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлос остонида ниҳоятсиз эрмиш”<sup>127</sup>, – деган эътироф-хабари эпиграф сифатида берилди. Юқоридаги парча шаклан қисқа, ихчам ва лўнда экани билан бир қаторда, мазмунан таништирув характерида экани билан боғлиқ белги-сифатлар унинг ўз ўрнида тўғри қўлланганини кўрсатади. Бу фаслда нафс етовидаги қасамхўр Шаҳобиддин “ҳожи”нинг жазоланиши қуйидагича тасвирланади: “Шайх вужудига жо бўлган ва ёлғиз ўзигагина маълум руҳий қувватини жамлаб ҳожининг кўзларига қаттиқ тикилди. Шаҳобиддин чайқалиб кетгандек бўлди. Сўнг гандираклаб айвон четига қараб юрди. Шайх ҳамон калима келтириб ўткир нигоҳи билан уни таъқиб этиб турибди. Ҳожи “Чангалингдан омон-эсон кутулдим-а, Шайх, энди қалайсан?” дегандек, мамнун илжайди. Ана, у узунчоқ айвон лабига борди. “Бисмилло!” деб зинадан туша бошлади...

Шайхнинг қорамтир юзи тундлашди. Унинг лаблари билинар-билинемас қимирлаб пешонасида гавҳардек тер кўринди.

Айвон икки газча келарди. Ҳожи уч зина ўтиб, тўртинчи зинага борганда қоқилди. Оёғи осмондан келди. Уч думалаб пастга тушди...”<sup>128</sup>

Ёзувчи шариатга шак келтириб, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилишдан тап тортмайдиган, ёлғон фатво билан элнинг бир парча нонига чанг соладиган,

<sup>127</sup> Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.5.

<sup>128</sup> Ўша асар. – Б.13.

илм олиб, ўз илмига амал қилмайдиган, мунофиқ ва ҳарис кимсанинг жазоси муқаррар эканини кўрсатади. Образлар моҳиятини очиш жараёнида адиб шайх Аҳмад Яссавий ички рухий қуввати, дил ойнаси бўлмиш кўзларидаги магик куч, дуонинг қудрати каби факторларга таянади.

Қайтарилмас умр ғаниматдир. У оқил инсонга тавба қилишга улгуриш, гуноҳлардан фориғ бўлиш, ҳасанотларга мушарраф бўлиш, ҳақларни адо қилиб, мазлумларидан ризолик олиш имконини беради. Буни яхши англаган Саъдулла Сиёев Аҳмад Яссавийни Аллоҳга таваккал қилиб, ўлимга-да ризо бўлиб, ҳаж сафарига отланаётган ҳолатда чизади. Ота юрт осмони, порлоқ юлдузлар, саҳоватли офтоб, кадрдон ариқлар, серсоя ва сермева дов-дарахтлар, гул-чечаклар, азим Сайхундан тортиб, тоғу саҳролар, маъмур кенту овулларгача видо, бир уммат сифатида Аллоҳга муножот айтади. Неъматларига шукрона келтиради. Бундай тасвирлар таъсирида биз уни ҳар бир нафас омонатлигига иймон келтирган кўзи намлик ва дили ғамлик бир ҳол кишиси сифатида таниймиз. Мушфиқ аёлининг ўғли Иброҳимни ўз бағрида қолдириш ҳақидаги илтимосини қабул қилганида эса, банданинг ризолигисиз-да бирор амал қилмайдиган мўмин сифатида кўрамыз. Адиб: “Жаннат оналар оёғи остидадир”, деган муборак ҳадис мазмунини романга сингдириб юборади.

Биринчи китобнинг “Байъатинг қабул бўлди” номли сўнгги, яъни 27-фаслида Марвга тилсиз ёв – вабо ҳамла қилгани, Султон Санжар ҳам, аҳли уламо ҳам бетадбир қолиб, Аҳмад Яссавий оғир изтироб ва андиша ичида ўртанган, ҳар ким ўз ёғига ўзи қовурилган таҳликали бир палла тасвирланганининг гувоҳи бўламыз.

Саъдулла Сиёев шоҳ Султон Санжарнинг Аҳмад Яссавийга муридлик мақомида туришини ишончли далиллай олган:

“Султон Санжар пири комилни кимсасиз тақир чўлда танҳо қолдиришни истамади ва Ҳазрат ўтовига ёнма-ён қилиб ўзига ҳам қора уй ўрнаттирди. Бу чоршанба кунги воқеа эди. Пайшанба бомдоддан сўнг Шайх ул-машойих маҳрамлари билан биёбон сари отланди. Султон Санжар оқ бедовда, Султон

ул-орифин йўрға отида. Икки султон ёнма-ён кетмоқдалар. Иккаласи ўз хаёли билан банд.”<sup>129</sup> Ҳукмдор пири муршид тутумларидан оромини йўқотган. Шунинг учун уни на ёлғиз қолдира олади, на ундан қиш чилласида нима учун иссиқ ўрнини тарк этиб, чўлга отланганини сўрашга журъат эта биледи. Султон Санжарнинг бундай латиф андишаси ва садоқати ўқувчини хайратга солади.

Аҳмад Яссавийнинг Марвдан балою офатни даф қилиши Хўжаи Хизр алайҳиссалом башорати, ғайб кучларининг ҳомийлиги ва дуонинг қудрати билан содир бўлади:

“Уч-тўрт фарсах юрганларидан кейин сийраккина саксовуллар, юлғунлар учради. Ғойибдан от бошини ўнгга бур, деган нидо келди. Ҳазрат ўнг томонга қараб юрди. Яна анча йўл босдилар. Бир замон олисда тарвақайлаган дарахт кўринди. Хизр бобо башорат қилган гужум шу эди...

Султон ул-орифин қовжироқ дарахтга қараб юрди. Гужум олдиға бориб тўхтади. Ичида пичирлаб дуо ўқиди. Сўнгра шошмай тўнни еча бошлади. Тўнни ечиб тўрт буклади ва бир-бир босиб гужум олдиға бордию уни дарахтга қараб отди. Йигирма чоғли одам олазарақ, талваса, хайрат ичра бақрайиб қараб турибди. Шу пайт мўъжиза рўй берди...

Шайх ул машойих дунёни унутган, у ичида такбир айтиб, тобора аланга олиб дуди осмонга ўрлаётган гужумга термулганича жим турарди...

Икки кундан кейин Шайх ул-машойих субҳи содиқда сергак тортиб уйғонди. Тепасида Хизр бобоси турарди.

–Аё Аҳмад! Биродарим Жаброил мужда келтирди. Мискинларни балодан қутқариб ҳаж савобини олдинг. Байъатинг қабул бўлди. Энди Туркистонга қайт. Туркистонда сени Аллоҳнинг савоби кутади...”<sup>130</sup>

Демак, Саъдулла Сиёев Аҳмад Яссавийни ҳамиша Аллоҳнинг ҳукмига итоат этувчи бир мўмин, ҳажнинг савобига тенг бўладиган хайрли амаллар соҳиби сифатида ифода этади. Дарҳақиқат, у халқпарварлиги, мукаммал

<sup>129</sup> Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.262.

<sup>130</sup> Ўша асар. – Б.262-263.

иймони ва доимий зикр-ибодати туфайли билиб-билмай қилган гуноҳлари ва маъсиятларидан буткул покланиб, жаннат башоратини олиб Туркистонга қайтади. Ярим йиллик ҳижрон, сир-синоатлардан сўнг уни Ватан соғинчи кадрдон юрт сари етаклайди. Албатта, чин ихлос билан қилинган дуонинг кудрати, ғайб ишорати: чилтонлар қўлдови ва имдодга келган Ҳазрат Хизр алайҳиссалом ҳомийлигида вабонинг бартароф этилиши ўқувчининг кизиқиш ва ҳайратини орттиради. Лекин 39 чилтонлар сафига Аҳмад Яссавийнинг ҳам қўшилиб, суҳбат асносида улардан мадад олиши адибнинг ихлос ва таваккал қилиш ҳақидаги ақидалари у қадар мустаҳкам ва равшан эмаслигини ҳам кўрсатади. Қуръони каримда: “Кимки Аллоҳга таваккал қилса, Аллоҳнинг ўзи унга кифоя қилади”<sup>131</sup>, – дейилади. Дарҳақиқат, биринчи китобда мискинларни бало-қазолардан қутқариб, Аллоҳнинг ҳукми билан ҳаж савобини олган Аҳмад Яссавий ярим йиллик сафарини Марвда тўхтатиб, Туркистонга қайтади. Бу фаслга: “Балоларнинг энг шиддатлиси, аввало, пайғамбарларга, ундан кейин авлиёларга келади”<sup>132</sup>, – деган ҳадис эпиграф қилиб келтирилиши ҳам ўзини тўла оқлайди.

Бироқ шу фаслнинг бир ўрнида Яссавий шоҳга мурожаат қиларкан:

“ – Оят ўқиб, тафсирни уқмаган аҳли каломдин. Салласидан от хуркадиган имомлардин. Авомни Аллоҳ сўзи бирла кўрқитиб луқма ейдирган уламолардин, ҳадисни калтак қилиб раиятнинг жонига озор берувчи муҳаддислардин хавотирим бор... Уларга (жоҳил уламолар назарда тутилмоқда. Таъкид бизники. М.О.) авомнинг саломатлигининг дастор обрўсини асраб қолмоқ авлороқдир”<sup>133</sup>, – дейди. Ажабланарли жиҳати шундаки, Шаҳобиддин хожи, Ашрафхон қози, Муҳаммадрасул муфтий сингари нафс жиловини илқидан чиқарган салбий типларнинг кирдикорларини изчил тасвирлаганида тўғри йўлдан борган адиб Марвнинг

<sup>131</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири./ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Талок сураси, 3- оят. 558-бет.

<sup>132</sup> Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.249.

<sup>133</sup> Ўша манба. – Б.256.

жоҳил ва мутаассиб жамоаси сафида шаҳар имоми хатиби ва салтанат муфтийсини ҳам синайди.

Маълумки, 1118-1157 йилларда Салжукийлар давлати султони бўлган Султон Санжар ўз давлатининг шарқий қисми таркибига дастлаб Мозандарон, Табаристон, Сейистон, Кумис, Рай ва Дамғонни қўшиб олган ва пойтахтни Марвга кўчирган эди. У Мовароуннаҳр ва Хоразмни ҳам салтанатига бирлаштирганди. Куч-қудрати авжига чиққан вақтларда Ғарбий салжукийлар султонлиги ва Қорахонийлар давлатини ўз сиёсий таъсири остида сақлаган, номи Қашқардан Ямангача, Ғазнадан Уммонгача, Кавказ ва Анатолиядан Макка ва Мадинагача хутбага қўшиб ўқилганди<sup>134</sup>. Афсуски, юқоридаги тасвирларни ўқигач, шундай улуғ ҳукмдор пойтахтида авлиёлар сарвари – сулук сардори Яссавий ва унинг муридларидан бошқа мусулмони комил йўқдек нохуш таассурот уйғонади. Аини пайтда, авом ва уламонинг кескин кутблантирилиши ҳам китобхонни унчалик ишонтирмайди. Чунки Султон Санжар саройида ўз даврининг машҳур шоир ва уламолари тўпланган. Ҳукмдор Марв ва бошқа шаҳарларда кўплаб меъморий обидалар курдирган эди. Қолаверса, Яссавий ҳикматларида қораланган золим ва жоҳил қавм зинҳор бутун шаҳар аҳлини англамайди. Авомнинг жоҳилликдан буткул холи экани ҳам соғлом мантиққа зиддир. Демак, танқид тиғи дин пешволари ва уламолардан кўра айрим очкўз амирлар ва лашкарбошиларга қаратилса, ҳаёт ҳақиқатига яқинроқ бўларди. Зотан, айнан шу тоифа (Амир Кўмач ва унинг тарафдорлари назарда тутилмоқда -М.О.) кейинчалик Султон Санжар давлатини инқироз сари етаклаган эди.

Шубҳасиз, роман сюжетида уни ҳаракатга келтирувчи муҳим куч бўлган конфликт ифодаланиши керак. Бироқ у ҳаёт ҳақиқатига зид бўлмаслиги, тасвирий-динамик тарзда ривожланиши: а) характерлараро; б) қаҳрамон ва муҳит; в) ички (психологик) конфликтлар тарзида, аралаш ҳолда намоён бўлиши лозим.

---

<sup>134</sup> Буниёдов З. Ануштагин хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). (Аҳмад Ашраф ва Маҳкам Маҳмуд таржимаси) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б.162.

Умуман, танланган эпиграфлар ўз бадий-эстетик функциясига кўра романнинг у ёхуд бу фасли учун ўзига хос очкич вазифасини ўтайди. Улар шу фасл воқеалари қай йўсинда ривожланиши, адибнинг бадий-эстетик мақсади ҳақида илк тасаввурларни уйғотади. Саъдулла Сиёевнинг поэтик ижод онларидаги фикр-ўйлари, туйғу-кечинмаларини ихчам ифода этади. Бир сўз билан айтганда, китобхонни “Аҳмад Яссавий” роман-дилогияси туб асослари сари етаклайди.

Маълумки, тасаввуфда сўфийнинг халқ мушкулини осон қилиши оддий одамнинг халқпарварлиги ва миллатпарварлигидан анча баланд мақомдир. Чунки сўфийнинг “олами суғро” (касрат олами) – моддий дунёни эмас, балки “олами кубро” (вахдат олами – макрокосм)ни саждагоҳ деб билишини англатади. Шу маънода, сўфий учун бу олам Каъбасидан кўра, Холиқ учун жилвагоҳ бўлган кўнгил Каъбасига сайр этиш кадрлироқ. Зотан, бу дунё – сувратлар олами. Тинимсиз ўзгаришлар оғушида бўлган сувратлар эса ҳақиқат эмас. Аммо ҳар бир нақшда буюк наққошни, яъни нарсанинг замирида Яратувчи тажаллийсини кўра билиш лозим. Катта оламга айланган, яъни ҳидоят нурлари жилваланган қалбда моддий оламдаги жамики унсурлар мавжуд. Демак, Аҳмад Яссавийнинг сафари сўфийнинг касрат оламидан Мосуво бўлиб, вахдатга эришиш йўли, кўнгилда Аллоҳ тажаллий этиб, янада камол топиш сафари эди.

Афсуски, Саъдулла Сиёев Аҳмад Яссавий Сайрамдан Марвгача ва аксинча, Марвдан Сайрамгача босиб ўтган йўл аслида, қаҳрамоннинг кўнгил сари талпиниши – ишқ ва ирфон сафари эканини теран бадий талқин қилишга эриша олмайди. Шунга қарамасдан, романда Аҳмад Яссавий ўз муридлари: Сўфи Донишманд, Ҳаким ота Сулаймон, Мансурхўжа, Қутбиддинларнинг мушоҳада ва тафаккур неъматидан муносиб насиба олишларига яқиндан кўмаклашиши ишонарли тасвирланган.

Роман-дилогиянинг “Йиғлама, онаизор” номли фаслида Аҳмад Яссавий: “Ой билан қасам ичаман, юлдуз билан қасам ичаман”<sup>135</sup>, – дейди. Тўғри, исломдан аввал санамларга ва юлдузларга сажда қилар эдилар. Бироқ динда имкон қадар қасам ичмасликка буюрилади. Агар қасам ичиш зарурати пайдо бўлиб қолса, фақат Аллоҳ таолонинг номи билан онт ичилади. Қуръони каримда Аллоҳдан ўзгага сажда қилиш маън қилинди. Аллоҳ таоло: “Қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, уларни яратган Аллоҳга сажда қилинглар”, – деди<sup>136</sup>. Бинобарин, асарда тариқат пирининг бундай тарзда қасам ичиши ёзувчи тасвир жараёнида Қуръони карим кўрсатмалари ва шариат аҳкомларидан етарли хабардор эмаслигини кўрсатади.

Ёзувчи Аҳмад Яссавий ҳаётини макон ва замон нуқтаи назаридан хронологик изчилликда тўла-тўқис тасвирлашни ният қилмаган. Асар воқеалари ҳижрий 541 йилнинг сумбуласидан бошланиб, Аҳмад Яссавий 63 ёшга етгач, ер остида ҳужра ясаиб, “чилла”га кириши воқеаси билан тугайди. Таъкидлаш ўринлики, кўпчилик тадқиқотчилар унинг вафоти тарихини 1166-1167 йил деб қайд этишади. Умуман, Яссавий ижодий ҳикматларининг тили ва шайхнинг қанча умр кўриб, қачон вафот этганлиги масалалари ҳамон баҳсли. Чунки ҳикматлардан бирида:

Юз йигирма бешга кирдим, биллолмадим,

Ҳақ Мустафо суннатларин қилолмадим.

Одамлардан файз-у футур ололмадим,

Юз йигирма бешга кирдим, биллолмадим, –

деган эътироф сатрларни учратамизки, бу сўзлар тарихий ҳақиқатдан кўра, маноқибий мазмунга эга. Маноқибларда воқеалар баёни ривоятлар таркибида келиб, уларнинг замирида кўпинча мажозий тасвир ва илоҳийлаштириш майли бўлади. Шу маънода, 125 (айрим манбаларда 133) йиллик умрнинг олтмиш йилдан ортиғини “ер ости”да яшаш ҳам ақл бовар қилмас ҳодиса.

Демак, Саъдулла Сиёев улуғ пирнинг: “Олтмиш учда ер остига кирдим

<sup>135</sup> Саъдулла Сиёев. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.13.

<sup>136</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири./ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Фуссилат сураси, 37- оят. – 480-бет.



мано”, – деган эътирофи ҳамда бу фикрни тасдиқловчи айрим ривоятларга таянган. “Аҳмад Яссавий қолган умрини риёзат ва ибодат, иршод ва мужоҳада билан бир қаторда, қимматли ҳикматлар ҳам ёзиб ер остида ўтказди”, – деган қарашни ёқлаб тўғри йўл тутган. Аммо адиб айни чиллага кирилган вақтдан эътиборан Аҳмад Яссавий ҳаётида сифат жиҳатидан янги бир давр – юксак ҳол босқичи бошланганини теран илғай олмаган. Зотан, “чилла”, яъни дунё ташвишларидан хорижда, илоҳий-руҳий олам кучоғида яшаш бу “ўлмаёт туриб ўлиш” – наинки моддий ҳаёт чегарасидан ўтиш, балки нури Муҳаммадийга яқинлашмоқ ҳам эди. Бинобарин, Аҳмад Яссавий эндиликда зикри қалбийни қабул қилган эди.

Шунга қарамасдан, С.Сиёев Яссавий сиймосини ўз ҳикматларида “Қул Хожа Аҳмад”, “Хожа Аҳмад Яссавий”, “Аҳмад ибн Иброҳим”, “Султон Хожа Аҳмад Яссавий”, “Яссавий мискин Аҳмад”, “Мискин Яссавий”, “Хожа Аҳмад”, “Аҳмад”, “Аҳмадий”, “Қул Аҳмад”, “Мискин Аҳмад” каби таҳаллусларни қўллаб Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмуни ва тасаввуф ғояларини қўшиб куйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик ва узлат билан боғлаб ҳаёт кечирган инсон сифатида тақдим қилишга интилан.

Бу мутасаввиф шоир шеърятининг моҳиятини тасаввуфнинг шарият, тариқат, маърифат, ҳақиқат каби тўрт асосий босқичига боғлаб изоҳлашга уринган. Яссавий маънавияти ва ижод намуналари юксалиш жараёнларини ўзаро туташтиришга интилан. Яссавийни инсониятни ҳидоятга чорлаган, уни йўл ҳақиқати, демакки ўзликни англашга даъват этган улўғвор шахс сифатида тасвирлаган. Зотан, Аҳмад Яссавий ҳам ўз шеърятинида пир, дарвиш, ошиқ, обид, оқил, зоҳид, ишқ, толиб, иймон, расул, уммат, шайтон, каби тушунча ва образларни тасаввуф таълимоти билан, йўл, работ, карвон, ўқ каби образларни эса, халқ оғзаки ижоди анъаналари билан чамбарчас боғлашга интилан эди. Шу маънода, романда Яссавий ҳикматлари ўзига хослиги уларнинг халқона руҳида намоён бўлиши ҳам ишонарли ҳиссий идрок этилан.

## 2.2. Баҳоуддин Нақшбанд шахси ва маънавий-руҳий камолот йўлининг бадиий талқини

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳамиша ижод аҳлига илҳом бағишлаб келган. Масалан, адабиётшунос О.Жўрабоев “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти Қўқон адабий муҳити ижодкорлари талқинида”<sup>137</sup> номли мақоласида Амирий ижодида “Хилват дар анжуман” тамойили улуғланган “Ё, Шоҳ Нақшбанд” радифли 13 байтдан иборат форсча ва Мулла Ёрмуҳаммад Мулла Жаъфар ўғли Ёрий дастхат (автограф) девонида “Пошшоҳ Нақшбанд” радифли 10 байтли ўзбекча ғазал борлигини кайд этади. Олим хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти асосида Қўқон адабий муҳитининг: Азимий, Мажзуб, Жалолий, Ҳазиний, Амирий, Ёрий, Садойи, Махжур, Завқий, Муҳсиний, Фидойи, Рожий каби шоирлари томонидан яратилган бу типдаги ғазалларни қуйидагича тасниф этади:

1) агиографик-манқабавий ғазаллар; 2) тасаввуф назариясига оид ғазаллар; 3) соф ирфоний-ишқий ғазаллар.

Таъкидлаш ўринлики, истилочиликнинг 150 йиллик катта танаффусидан сўнг Тўлқин Ҳайит бу қутлуғ мавзуга мурожаат қилди. Адибнинг “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси” тарихий романи<sup>138</sup> юзага келиши диссертациянинг илк боби, биринчи фаслида саналган: а) меъёрий-ҳуқуқий асослар; б) нашр этилган қимматли китоблар; в) маданий-маърифий амаллар; г) адиб ички эҳтиёжининг натижаси бўлди.

Ёзувчи тарихий-биографик роман доирасида истиқлол даврининг ғоявий-мафкуравий талаб-эҳтиёжларига таянади. Ижтимоий-маиший вазият-ҳолатлар бадиий талқинида саргузашт-детектив унсурлари, айрим ўринларда сатирик романга хос белгилар ҳам кузатилади. Бироқ асарда Тўлқин Ҳайитнинг ахлоқий-тарбиявий мақсади устуворлик қилади. У воқеаларни ҳамиша ҳам ўз оқимида, холис ва бетараф позицияда туриб тасвирлай

<sup>137</sup> О.Жўрабоев. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти Қўқон адабий муҳити ижодкорлари талқинида. // [https://naqshband.uz/ruxiy-tarbiya/bahouddin\\_naqshband\\_va\\_uning\\_ta'limoti](https://naqshband.uz/ruxiy-tarbiya/bahouddin_naqshband_va_uning_ta'limoti). 2013 йил 20 февраль.

<sup>138</sup> Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 448 б.

олмайди. Муаллиф “Мени”нинг бундай мавқеи романда ижтимоий-руҳий ва психологик талқинларни чуқурлаштириш, мутасаввиф шайх ва тариқат пири ишқини самовий миқёсларга олиб чиқишга ҳам қисман тўсқинлик қилади. Адиб икки буюк зот яшаган макон ва замон бирлиги, Амир Темурнинг онаси бухоролик экани, қолаверса, ҳамиша саййидларни эъзозда тутгани ва бошқа эҳтимолий асосларга таяниб, Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳатто унинг Баҳоидир, Дилдора (Чўпон малика, кейинчалик Амир Темур қўшини юзбошиси – давлат нўёни) каби муридларини ҳам Соҳибқирон Амир Темурга ижтимоий-сиёсий кураш жараёнларида ҳамкор, ҳамнафас ҳолда тасвирлайди. Бунинг натижасида бош қахрамон ўз даврининг мафкура ходими – ижтимоий-сиёсий курашлар, жанг-жадаллар даъватчисига айланиб қолгандай, аниқроқ айтганда, роман олтинчи ва еттинчи бобларида Амир Темур курашларининг тасвири биринчи ўринга чиққандай таассурот уйғонади. Ваҳоланки, “Дил ба ёру, даст ба кор”, – деган машхур шиордаёқ Баҳоуддин Нақшбанд замона интилишларига фақат жисман боғлангани, унинг кўнгил куши ҳамиша юксак манзилларни кўзлагани ёрқин ифодаланган.

Фаридуддин Аттор “Мантиқут-тайр”нинг муқаддимасида:

Офарин, жонофарин, эй пок Рух

Жон ва иймон олди сендан хок, руҳ...

Рух қушин сайд этгали домдир бадан<sup>139</sup>,–

деб ёзган эди. Таҳлилга тортилаётган романнинг “Жазава водийси” номли илк бобида Рух қушининг майин, ёқимли ва жозибали овозини ўз дарди, ҳаёт ташвишлари билан яшаётган авом эшитса ҳам, унинг нималар деганини тушунмайди ва тушуна олмас эди. Аммо фақат Бухорои шарифнинг Қасри Ҳиндувон (Қасри Орифон) қишлоғида яшовчи бир зотгина унинг олислардан ҳорғин қайтиб, Буроқ водийси сари йўл олганини англайди. Роман ниҳоясида эса, у қалб қафасидан Тангрининг даргоҳи сари парвоз қилади.

---

<sup>139</sup> Fariduddin Attor. Mantiq ut-tayr (nasriy bayon). Forsiydan Najmiddin Komilov va Mahkam Mahmudov tarjimai. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi. – 172 b.

Роман жонни яратувчи пок Парвардигорга ҳамду сано, улуғ устозлар Фаридуддин Атторнинг “Мантикут-тайр” асарини бир умр ўзига йўлдош деб билиб, унинг бош ғояси бўлмиш “вужуд ягона”лиги (“ваҳдати вужуд”) ва тажаллий (асл моянинг оламдаги зухуроти)ни маънавий ҳаёти мағзи деб билган “Лисон ут-тайр” муаллифи – Алишер Навоийга эҳтиром билан бошланади.

Адиб Сулаймон алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан ато этилган фазилатлар: иқтидор ва илму-ҳикматга, шунингдек, жинлар, инсонлар ва кушлар лашкарига ишора қилиб: “Сулаймон ҳазратлари бўлганида, албатта, унинг нималар деганини айтиб берар эди”, – деб ёзади.<sup>140</sup> Бу ўринда, Қуръони каримнинг “Намл”, “Сод”, “Сабаъ” сураларида келувчи оятларга таянади. Шунингдек, романда жониворларда сир-синоат кўплигига ишора қилинган ўринларда мушук образидан самарали фойдаланади. Аслида, Баҳоуддин “руҳоният қуши башарият тухумидан чиқди”, – деб изоҳланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўлқин Ҳайит роман воқелигини ҳали замона зўрларини жиловлашга бош бўладиган маҳаллий йўлбошчилар етишиб чиқмаган даврдан бошлайди. Ўз элини зулмкорлардан ҳимоя қилиши лозим бўлган Касби беклиги ҳокими – Санжар Тўқсонбой Кебекхоннинг ишончли ноиб – амир Аббоснинг кўнглини олиш учун қишлоқ оқсоқоли Ҳасан ҳожининг қизи Дилдорабегимни унга ҳадя қилади. Демак, адиб: Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд – шаклланиб келаётган янги авлод ва юрт обод, дин қайта раванк топадиган давр воқелиги тасвирига урғу беради.

Аммо барча мўғулларни ялписига босқинчи ва истилочи сифатида баҳолашга мойил адиб Чиғатой авлодидан бўлган Кепакхон ибн Дувахон (Кабакхон, Кебекхон, Кэбэк – 1309 ва 1318 - 1326) мамлакатда маъмурий ва молиявий ислохотлар ўтказиб, уни ҳарбий-маъмурий туманларга бўлиб идора этиш тартибини жорий қилгани, ўз номидан кумуш тангалар зарб

---

<sup>140</sup> Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.7. (Иқтибослар шу нашрдан олинди, саҳифа кўрсатиб берилди. М.О.)

қилдиргани, Қарши шаҳрини бунёд этгани, Балхни қайта тиклагани каби хайрли ишларига Насриддин Афанди образи билан боғлиқ халқ латифасини келтириш орқали истехзоли муносабатда бўлади. Ўша пайтда бир қисми исломни қабул қилган чингизийларни “саҳройи золимлар” ва “босқинчи кофирлар” тарзида бирёқлама баҳолайди. Бизнингча, романда XIV асрнинг 60-йилларида Қаршига Амир Темур назари тушиши ва Соҳибқирон марказлашган давлат тузиш борасидаги фаолиятини айнан Қаршида бошлаганига урғу берилар экан, унинг тарихига бир марта назар ташланса, тасвир холислиги таъминланган бўларди.

Адиб Баҳоуддин Нақшбанд туғилмасиданоқ Бобо Саммосий назарига тушгани ва руҳоний тарбияси ҳамиша улуғ пирлар тасарруфида бўлганига эътибор қаратади: “У зот Баҳоуддин туғилганига уч кун бўлганида, Қасри Ҳиндувондан ўтаётди: “Ўша ҳид зиёда бўлибди, ўшал эр туғилганга ўхшайди”, – дебдилар ва анинг хонадонига ташриф буюрибдилар. Фарзанди муборакни кўриб: “Аллоҳ, Аллоҳ!” – дея жуда севинибдилар ва: “Биз ҳидини сезган банда шудир, умид қиламанки, у даврнинг пешвоси бўлажак!” – дея башорат қилибдилар.

Ҳазрат Мир Саййид Кулолга: “Фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни дариг тутмагайсан, агар нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман!” – дебдилар” (Роман. 23-б.).

Англашиладики, ҳали Баҳоуддин туғилишидан анча илгари ҳам Бобойи Саммосий дарвешлар жамоасида Қасри Ҳиндувондан кўп бора ўтганлар, “эр йигитнинг туғилиши”ни олдиндан башорат қилганлар. У туғилгач, истиқболда эл раҳнамоси бўлиб камол топишига ишорат этиб, тарбиясига шафқат назари билан қарашни ўз халифаларидан бирига ишониб топширганлар. Т.Ҳайит юқоридаги тасвирда “Мақомат”да нақл этилган фикрларга эргашган. Бироқ “Мақомат”да бобо ўз набирасини ихлос ва ниёз (ҳадя) билан файз олиш умидида Бобойи Саммосий ҳузурларига келтиришлари ҳам нақл қилинади. Адиб негандир бу жиҳатга етарли эътибор бермайди. Яъни оиланинг Хожа Али Рометанийдан иршод олган пирга

бўлган ихлосини, шунингдек, ўша кезде Амир Саййид Кулол ҳали халифалик мақомидаги табиатан чапани ва полвон бир йигит эканини назардан қочиради.<sup>141</sup>

Агар Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асарида: “... Аларга қабул назари фарзандликқа Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоқки, ўтти. Аммо ҳақиқат юзидин алар Увайсийдурлар ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қ.с. руҳидин топибдурлар”<sup>142</sup>, – деган фикрларига диққат қаратсак, романда пирнинг муборак назарига тушган ёш Муҳаммад руҳоний тарбияси халифалардан бири – Амир Саййид Кулолга топширилиши билан боғлиқ бадиий талқин тарихий ҳақиқатга мутаносиб экани англашилади. Бобойи Саммосий халқа аъзолари кундалик ҳаёти ва руҳоний тарбиясига бевосита, қавм аъзолари ҳаётига билвосита раҳбарлик қилиш баробарида, истиқболига умид боғланган чақалоқ тарбиясини даставвал ўз халифаларидан бирига топширганлар.

Бироқ романда Баҳоуддин Мир Саййид Кулол даргоҳида уч ойча бўлгач, Насафдан Қасри Ҳиндувонга қайтади. Қизиғи шундаки, бу пайтда у ўн саккизга кирган ва уйланиш тадоригини кўраётган бўлади. Ваҳоланки, “Мақомат”да бу хайрли иш Баҳоуддиннинг бобоси истагига кўра Бобойи Саммосий муборак назарлари остида бўлиб ўтгани баён қилинади. Муҳими шуки, тўйга чорлаш учун Саммосий ҳузурларига борган кезларида уларнинг муборак суҳбатлари шарофати туфайли Баҳоуддин маънавий ҳаётида қалбга дахлдор катта руҳий ўзгариш: “... илтижо ва зору тазарруъ ҳолати”<sup>143</sup> пайдо бўлади. Афсуски, ёзувчи пирнинг таъсир ўтказиш қобилияти билан боғлиқ бу ҳолни Мир Саййид Кулол номи билан боғлайди ва жиддий чалкашликка йўл қўяди. Бу адашиши натижасида романда Саммосийнинг ўз муриди ва

<sup>141</sup> Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 44 б; Озод Мўмин Хўжа. Ҳазрат Саййид Амир Кулол. Тарихий воқеаномалар. – Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2012. – 176 б; Муслмон Намоз. Баҳоуддин Накшбанд. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2018. – Б.81-82.

<sup>142</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан. 2001. – Б.261.

<sup>143</sup> Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993 – Б.24.

ихлосманд кишилар дунёвий ва маънавий ҳаётига йўлбошчилик қилгани масаласига сезиларли соя солинади. Зотан, ёш Баҳоуддин Нақшбандга Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) увайсийлик йўли билан руҳий тарбия берган. Саммосий – қабул назари юзасидан, Амир Кулол – зоҳирий тарафдан, яъни тариқатга ўргатгани жиҳатидан, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний – ҳақиқат юзасидан, яъни руҳи келиб (ботиний) тарбия қилгани жиҳатидан<sup>144</sup> пир саналишади.

Т.Ҳайит Баҳоуддинни туш воситасида улуғ пирлар билан учраштиради. Улар ёш Баҳоуддинни водийлар бўйлаб сайр қилдиришади. Бундай ҳол Баҳоуддин Қусам шайх ҳузурда синовда эканида ҳам содир бўлади. У бир зумда Африканинг кенг водийларию ишқорли булоқларини кўриб, тўртинчи осмонга кўтарилади ва яна ўз жойига қайтади. Бизнингча, бу сайрларда тасаввуфдаги шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларига ишора мавжуд. Аммо адабий қаҳрамонга олисларда ястаниб ётган водийлар, хусусан, Буроқ водийсининг кўриниши у қадар ишончли чиқмаган. Чунки кечанинг муайян бўлагидан содир бўлган бу ҳолни тўғридан тўғри на Исрога, на Меърожга менгзаш мумкин эмас.<sup>145</sup> Чунки диний манбалар, хусусан, меърожномаларда ёзилишича, Муҳаммад (с.а.в.) меърож кечаси Жаброил (а.) раҳнамолигида Буроқ отига миниб, еттинчи осмонгача кўтариладилар. Еттинчи осмонга етганларида Жаброил (а.): “Бу ёғига бизга ҳам, Буроқ отига ҳам йўл йўқ. Рафраф кўмагида ўзингиз парвоз этасиз”<sup>146</sup>, – дейди. Саккизинчи ва тўққизинчи қават осмонга ўзлари учадилар. Тўққизинчи қаватда Аллоҳ таоло билан икки қош яқинлиги (“қобу қавсайн”) даражасидаги масофада хос суҳбат бўлиб ўтади.

Адиб бу ўринда Фаридиддин Атторнинг “Мантукут-тайр” ва Навоийнинг “Лисонут-тайр” асарларида кушларни истиқболдаги

<sup>144</sup> Олим С. Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таърифи. // “Жаҳон адабиёти”. 2013, 3-сон.

<sup>145</sup> **Исро** – Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни кечанинг бир бўлагидан Маккадаги Масжидул Ҳаромдан Қуддусдаги Масжидул Ақсога сайр қилдириши. **Меърож** – Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуддуси шарифдан юкорига, яъни, Ўзининг Ҳузурига кўтариши.

<sup>146</sup> Олим С. “Лисон ут тайр” моҳияти. // “Ҳуқуқ ва бурч”. 2021 йил 10 феврал; <https://huquqburch.uz>.

манзиллардан огоҳ этган. Ҳамиша назар аҳли эътиборида бўлган муршиди ирфон – Ҳудхуд образидан ва Алишер Навоий:

Жонлариға тушти ҳавлу ҳайбати

Ким демактин кўпрак эрди шиддати<sup>147</sup>

тарзида таърифлаган водийлар<sup>148</sup> тасвиридан – сўфий пири раҳнамолигида руҳини етти қават осмонгача кўтариши мумкин, деган қарашдан таъсирланган. Романдаги йўл хронотопи, риёзат машаққатлари адабий қаҳрамонларнинг водийлар тасвири жараёнидаги кайфият-ҳоллари ифодасида ҳам бу таъсир ёрқин намоён бўлади. Чунки “Лисонут-тайр” достонининг “Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи Фанойи комил мақомида” номли фаслида Хожанинг олий сифатлари: “Шаҳ Баҳоулҳақ вад-дин Нақшбанд”<sup>149</sup> деб таърифланган. Шу достоннинг “Фано тариқи адосида муножот” фаслида чин висолга эришиш шарти таърифланиб:

Қил ўзингда будини аввал набуд,

Ул набуди ичра бергил бир вужуд<sup>150</sup>

сатрлари битилган эди. Бинобарин, Т.Ҳайит Баҳоуддин Нақшбанд образини шу концептуал асос негизида яратишга интилиб тўғри йўл танлаган. Шайхни бир водийдан иккинчисига олиб ўтишда Рух қушини Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқат босқичларидаги кайфият-ҳолларига мутаносиб тарзда оҳиста сайр қилдирган. Зотан, сўфийлар меърожга муносабатда шартли равишда, Муҳаммад(с.а.в.)ни – солиққа, Жаброил (а.)ни – пирга ўхшатишади. Шубҳасиз, етти қават осмонга етган руҳ фоний бўлади. Чунки фоний бўлмай бақога етиб бўлмайди. Аттор ва Навоий тасвирида етти водийни босиб ўтиш орқали қушлар амалда ўз жисмларини руҳга айлантиришади. Бу жараёнда табиийки, Муҳаммад (с.а.в.) маёқ вазифасини ўтаганлар. Аттор ва Навоийда Симурғ – Тангри таоло рамзи бўлиб, унинг сари йўл Муҳаммад (с.а.в.)

<sup>147</sup> Алишер Навоий. МАТ., Ўн иккинчи том. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.138.

<sup>148</sup> **Талаб** – истак; **Ишк** – Ҳақни севиш; **Маърифат** – Ҳаққа яқинлашиш; **Истиғно** – ҳамманинг тенглиги; **Тавҳид** – Ҳақ, яъни борлиқнинг ягоналиги; **Ҳайрат** – бор-йўқлик, кеча-кундузни фарқламай қолиш; **Факру фано** – йўқлик.

<sup>149</sup> Алишер Навоий. Ўша манба. – Б.254.

<sup>150</sup> Ўша манба. – Б.292.



меърожи орқали ўтади. Бироқ Хожа Баҳоуддиннинг хаёл кўзгусидан келажак водийларига ҳам назар солиб, Улуғбек Мирзонинг ўз ғанимлари кўлида шаҳид кетишию олис келажакда бу юртда осмонўпар бинолар қурилишигача кўриши китобхонни ишонтирмайди.

“Мақомат”да хали илму тажриба орттираётган, яъни улуғ йўл талабида бўлган Баҳоуддин туркистонлик авлиё – Ҳаким Ато қ.с.ни тушларида кўрганлари ва ул зот муридни турк машойихларидан Халил отага йўллагани баён қилинади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган Баҳоуддин Халил отанинг муриди ва яқин сирдошига айланади. Бироқ адиб қахрамон руҳиятидаги эврилиш жараёнларини етарлича тасвирлай олмайди. Унинг қалбида туркий тариқат йўлига кириш ҳавасининг уйғониши, ғайб оламига ошно бўлиш жараёнларини тарбия ва риёзат маҳсули деб изоҳлашга мойиллик кўрсатади. Бу Аллоҳнинг инояти ва илоҳий ҳикмати билан содир бўлган улуғ ҳодиса эди. Романда Баҳоуддиннинг Халил ота даргоҳида хизматда бўлган дастлабки олти йиллик ҳаёти четлаб ўтилиб, Султон Халилнинг Мовароуннаҳр подшолигига муяссар бўлиш учун кураш бошлаши воқеаларига урғу берилади.

Маълумки, Чиғатой ҳукмдорларидан Дурра Темурхон вафотидан сўнг 1326 йилда ҳокимият тепасига Тармаширин келган эди. У акаси Кебекхоннинг иқтисодий ҳаётни тиклаш, қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотикни йўлга қўйиш сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилди. Агар олдинлари Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларида зарбхоналар мавжуд бўлган бўлса, Тармаширин даврида Янги Тароз, Ўтрор, Бадахшон каби музофотларда ҳам Тармаширин ва унинг ўғли Санжар исмлари ёзилган тангалар зарб қилина бошлади. Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳарбий юришлар амалга оширилди. Тармаширин ҳукмронлиги (1326-1334) даврида маҳаллий зодагонлар билан яқинлашиш йўлидаги навбатдаги қадам – исломни расмий дин деб эълон қилиш ҳаракати бошланди. Унинг ўзи ислом динини қабул қилиб, Алоуддин уновини олди. Шунинг учун ҳам бутпарастлик эътиқодидаги кўчманчилар фитнаси туфайли ўлдирилди. Унинг вафотидан сўнг

мамлакатни идора этган Бузан хон ҳукмронлиги (1334-1336) ҳам узоққа чўзилмади. Чунки мусулмон ҳукмдор бошқарган ҳокимият яна бутпарастлар кўлига ўтган, бошбошдоқлик туфайли юрт иқтисодий ва сиёсий инқироз ёқасига келиб қолган эди. Шундан сўнг тож-тахт талашлари бошланади.

Маҳаллий кучларга таянган сиёсий ҳаракатлар авж олгач, тахт тепасига исломга кучли эътиқод кўйган Султон Халил келади. Мамлакатни ўз кўлига олиш ва адолат билан бошқариш жараёнларида (1339-1344) Баҳоуддин Нақшбанд унга яна олти йил ҳамроҳлик қилади. Бу шоҳ ва дарвишнинг кароматларидан руҳланиши Баҳоуддинга ўз сулукини тузишда кўл келган.

Баҳоуддин йигитлик давридан бошлаб яссавия пирининг этагидан тутган эдики, Т.Ҳайит романда айни масалани эътибордан соқит қилган ва уни буткул нақшбандия тариқати аҳкомларига боғлаб тасвирлашга интилган. Чамаси, ёзувчи Баҳоуддин Нақшбанд силсиласида яссавия пирлари қайд этилмаганидан келиб чиққан кўринади. Реалистик роман учун Баҳоуддиннинг жанг-жадалда кечган ҳаётидан кўра унинг тариқатга келиш тафсилоти – руҳиятида юз берган ўзгаришлар ифодаси муҳимроқдир. М.Намоз тўғри таъкидлаганидек: “...нақшбандия тариқати ўз бағрида ўзигача бўлган тариқатларнинг энг яхши жиҳатларини қамраб олган эди”<sup>151</sup>.

Т.Ҳайитнинг таҳлилга тортилаётган “Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси” романида қаҳрамон увайсий пирлардан мадад олиб, тўғри йўлга тушиши шундай баён этилади:

“Бир нима шиқ этди ва девор иккига бўлиниб, катта тахт жило берди. Тахтда бир киши, ғира-шира кўринади, атрофида нуронийлар, кўлларида асо, қарашлари вазмин, имтиҳон олишга шайланган донишмандлар сингари савол назари билан боқадилар.

Ўнг томондаги қария тилга кирди.

– Баҳоуддин болам, улуғларимизни сенга таништирай! Тахтда ўтирган улуғимиз Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳазратлари! Бу киши Хожа Аҳмад Сиддиқ, кейинчилари Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа

---

<sup>151</sup> Мусулмон Намоз . Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: “Sharq” НМАК Бош таҳририяти, 2018. – Б.113.

Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний ва сенинг шайхинг, у зотни кўргансан, танидинг – Хожа Муҳаммад Саммосий! Муборак кулоҳларини инъом этиб, Аллоҳнинг инояти билан сенга балони даф этиш кароматини бағишлаганлар!

Баҳоуддин ҳазратлари таъзим бажо келтирди.

Қария давом этди.

–Яхшилаб тингла, Хожаи Бузруг сенга Ҳақ йўлидаги сулукда ўзлаштиришинг лозим бўлган қоидаларни гапириб берурлар. Сенга Ҳақ Таоло сулуки йўлида бундан ўзга чора йўқ!..”<sup>152</sup>

Юқоридаги тасвир “Мақомат” ва “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилган фикрларга монанд ифода этилган. Яъни келтирилган илоҳий сир-синоат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мазорида бўлиб ўтади. Алишер Навоий ёзади:

“Андоқки, дер эрмишларки, мабодии аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мазорға етишдим. Ҳар мазорда бир чироғдон кўрдум ёнадурғон, ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилаларға бирор нима ҳаракат бермак керак эрдики, яхши туташқой ва ёруғой. Сўнгги мутабаррак мазорда қиблаға мутаважжих ўлтурдум ва ул таважжухда ғайбате воқеъ бўлди. Мушоҳада қилдим. Қибла девори шак бўлди ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт оллиға тортилғон ва теграсида жамоате. Ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайли ғойиблардиндурлар. Ораларидин биров менга айттики, тахтда Хожа Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулафосидурлар ва бир-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобоға етгонда, дедики, аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк берибдурлар ва каромат қилибдурларки, нозил бўлғон бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай. Андин сўнгра ул жамоат айттиларки, кулоқ тут

---

<sup>152</sup> Тўлқин Ҳайит. Буруқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.206.

ва яхши эшитки, улуғ Хожа Ҳазратлари сенга сўзлар айтғусидурларки Ҳак с.т. йўли сулукида сенга андин чора йўқтур”<sup>153</sup>.

Адиб Аллоҳнинг суйган бандаси Баҳоуддин Балогардон нақшбандия сулуки мабдаи, васати ҳамда ниҳояси билан боғлиқ таълимни ўз истеъдоди ва қобилиятига монанд тарзда Абдуҳолик Гиждувонийдан увайсийлик йўли билан олгани ҳақидаги юқоридаги тасвирларда ишончли манбаларга таянган. Шунингдек, ул зот Амир Саййид Кулол хизматига боришлари ва муқаддас юрт қайғусидаги интилишларини ҳам имкон қадар тўғри асослашга интилган. Аммо ёзувчи бир ўринда бирлашмаган элдан ёзғириб: “Эҳ, бирлашмаган Турон, қачонгача хомталаш қиласан, шундай жаннат ҳавас қиладиган юртни. Бу хаёлдаги, афсонадаги жаннат эмас, ерда бўлган, амалдаги ҳақиқий жаннат”<sup>154</sup>, – деб ёзади. Ваҳоланки, ҳадиси қудсийда: “Мен бандаларимга шундай ажойиб нарсалар яратдимки, у нарсаларни уларнинг кўзлари кўрмаган, кулоқлари эшитмаган ва уларнинг нима эканини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар”<sup>155</sup>, – дейилади.

Афсуски, юқоридаги ҳол бизни Т.Ҳайит ҳам Аллоҳ таолонинг имон аҳллари учун фазлу марҳамати бўлган жаннат ҳақида етарли тасаввурга эга эмас, деган хулосага келишга ундайди. Чунки у жаннатда зилол сувлар, ҳеч қачон ачимайдиган сут оқувчи дарёлар, инсон қанча ичса ҳам маст бўлмайдиган майлар ва муаттар ҳидли асаллар, мавжланиб оқадиган анҳорлар, кўркам боғлар, бениҳоя кўп мевали дарахтлар бўлиши, жаннат аҳлларининг қалблари барча ёмонликлардан пок экани ҳақидаги хабарларни хаёл ва афсона деб баҳолаб, ўзининг ҳануз атеистик эътиқоддан халос бўла олмаганини ошкор этади.

Романда Баҳоуддин Нақшбанд илм истаб Қусам шайхнинг ҳузурига келишлари ва барча синовларга сабр-бардош билан чидаб, ўзининг мустаҳкам иродаси билан уч ойда пирнинг эътибор ва эътирофига сазовор

<sup>153</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 261.

<sup>154</sup> Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд киссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.227.

<sup>155</sup> Жўрақулова Р. Жаннат ҳақида 7, дўзах ҳақида 7 хабар. // <http://old.muslim.uz>. 2018, №18.

бўлишлари тасвирланади. Назаримизда, адиб бу ўринда саргузашт-детектив романлар ифода йўсинига хос хусусиятларни ҳам қўллашга мойил бўлган. Чунки турк машойихининг синовлари ғоят машаққатли ва оғир кечганини кўрсатиш мақсадида Қусам шайхнинг забардаст дарвешлари Баҳоуддин хазратларининг қўлларини орқасига қайириб аёвсиз калтаклаши, тупроққа қориб ташлашлари, ҳатто қўлларига челак бериб хожатхонани тозалашга мажбурлашлари, наинки муршиднинг, балки Мир Саййид Кулол тавсияси билан янада руҳий камол топиш умидида келган муриднинг ҳам шаъни ва мартабасига муносиб эмасдай таассурот уйғонади.

Диссертациянинг биринчи бобида нуроний Иброҳим (а.с)га Хожар онамиз воситасида Исмоил (а.с)нинг инъом қилиниши билан боғлиқ ҳаётий мисол келтирилган эди. Т.Ҳайит ҳам романда Сулаймон чол ва кампирининг кексайган чоғда кўрган ўғиллари Саксонбой тақдири бадий талқинида пайғамбарлар қисматидан андаза олиб, илоҳий моҳият ва ҳаётий ҳақиқат билан боғлиқ мазмунни кучайтиришга эришади. Бироқ Саксонбойни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан баркамол йигит қилиб кўрсатишга интиладики, натижада реалистик роман доирасига: “Камон отса, тоғ титрайди, сувда балиқлар етолмайди, товушидан минг йиллик арчалар ҳам титроққа тушади”<sup>156</sup> – қабилидаги халқ достонларига хос романтик тасвир ва гротеск усули кириб келади.

Умуман, Баҳоуддин Нақшбанд романда юрт учун балогардон бўлиб, мустамлака исканжасида руҳи сўнган халқни маънавий уйғотиш ва ғанимларга қарши курашга сафарбар этишда Амир Темурнинг яқин кўмакчиларидан бирига айланади. Фоний дунёни тарк этиш олдидан: “Қайси бир мўмин мени орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин”<sup>157</sup>, – деб васият қилади. Романга Ёсин сураси латиф оҳанглари ва хазратнинг нурга чулганган гўзал чехралари тасвири билан сўнгги нуқта қўйилади.

---

<sup>156</sup> Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.236.

<sup>157</sup> Ўша асар. – Б.439.

Романга Сўзбоши ёзган адабиётшунос Султонмурод Олим яқин ўтмишда таъқиқланган мавзулар, хусусан, шайх-валийлар, тариқат пирлари образи ва ҳаёт йўллари кенг кўламда ёритиш имконини берган истиқлол даврини “Маънавий равақ замони”<sup>158</sup>, – деб баҳолади. Адабиётшунос фикрича, роман муаллифининг мақсади Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётини кўрсатиш эмас, балки тарихий шахс тақдири воситасида муайян ғояни илгари суришдан иборат бўлган: “Тўлқин Ҳайитнинг мазкур романи шаклангина Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган бўлиб, моҳиятан муаллиф ана шу пири комил ҳаёт йўлини асос қилиб олган ҳолда халқимизнинг мўғул истилоси даврида миллий озодлик учун олиб борган курашлари, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши ва мустақамланиши даврини кўрсатиш, шу тариқа темурийлар муваффақиятига тасаввуф аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини исботлашни ният қилган”<sup>159</sup>.

Роман бадиий концептида ҳам мазкур фикр ўз тасдиғини топади. Ҳатто Тўлқин Ҳайитнинг ўзи ҳам улуғ аجدодларимизнинг эзгу йўллари, улуғ ишлари замондошларимиз учун ибрат вазифасини ўташини кўзлаганини тасдиқлаб: “Мен унда (роман назарда тутилмоқда. М.О.) бу зотнинг бутун умрини қандай яхши ишларга сарф этганини, бу йўлда чеккан азоблари ва матонатини, шу йўсинда халқимизнинг бағрикенглигини ва фақат ўзини эмас, ҳалол меҳнати билан дунёни боқишга қодир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдим”<sup>160</sup>, – деб ёзади.

Зоҳиран қаралса, ёзувчи ва мунаққиднинг фикри ўзаро уйғун, анча асослидай ҳам кўринади. Бироқ бадиий асар ғояни ифодалаш воситаси ҳам, реал воқеликнинг нусхаси ҳам эмас. Ҳар қандай хулоса фақат бадиий матндан келтириб чиқарилиши лозим. Бу муҳим тамойилларга амал қилган аксарият мутахассислар муайян асарни роман жанрига мансуб деб

<sup>158</sup> Олимов С. Маънавий равақ замони. / Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.3-6.

<sup>159</sup> Олимов С. Ўша жойда. – Б.4.

<sup>160</sup> Тўлқин Ҳайит. Сўнгсўз ўрнида. / Тўлқин Ҳайит. Буроқ водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси. Роман. Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.444.

хисоблашга асос берадиган белги-сифат ва хусусиятлар: “романий проблема, романий қаҳрамон ва романий тафаккур”<sup>161</sup> эканини кўрсатишади. Агар шу назарий қарашга таянилса, асарда Баҳоуддин Нақшбанд мураккаб ҳаётининг кенг кўламли даври ижтимоий муносабатларга боғлаб талқин қилингани ойдинлашади. Романда тарихий маълумотлар воситасида жамиятнинг жорий ҳолати учун ибрат намунаси бўладиган Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд образлари тақдим этилган. Т.Ҳайит китобхонда ўзи истаган ҳис-туйғуларни уйғотишни назарда тутиб, бадиий воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабатини даъваткор руҳда ифодалаган. Бадиий ижодга туртки берган ватан озодлиги ва юрт осойишталиги мотивлари билан боғлиқ ана шу жиҳат роман услуби ва қаҳрамонлар характер-моҳиятини ҳам белгилаб берган.

Афсуски, ижтимоий пафосни Арасту ёки Гегелга таяниб персонажлар (объект) билан, В.Белинский ёки Г.Поспеловга асосланиб ижодкор (субъект) билан боғласак ҳам, ходиса моҳияти тўла қамраб олинмайди. Чунки роман пафоси алоҳида ижодкор ва унинг дунёқараши, фикр-туйғулари – маънавий борлиғи маҳсули бўлган характерлар, объект – субъект – адресат учлигига дахлдор тушунча. Аммо Т.Ҳайит яхлит ижодининг етакчи пафоси бўлган Амир Темур шахсининг тарихий роли ва маърифий аҳамиятини бадиий гавдалантириш билан боғлиқ ғоявий-ҳиссий тўхтамлар адибнинг Баҳоуддин Нақшбанд сиймосига муносабатини белгилаб берган. Ёзувчининг воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабати роман мавзуси, бадиий мазмуни, муаммоси ва ҳатто ўқувчига йўналтирилишини ҳам тўла қамраб олган. Шу боис Тўлқин Ҳайит ва Султонмурод Олимнинг юқоридаги мулоҳазалари бу асар жанрини белгилаш учун етарли асос бўлолмайди. Фикримизни қуйидаги уч ҳолат орқали тасдиқлашга ҳаракат қиламиз:

Биринчидан, романда улуғ шайх ва тариқат пири Баҳоуддин Нақшбанд образининг маънавий-руҳий камолот йўли тасвирланади. Унинг пири-устодлари, нақшбандийлик тариқатининг келиб чиқиш манбалари, мазмун-

---

<sup>161</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – С.332; Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akadennasr, 2010. – Б.257.

моҳияти, халқ орасида тарқалиш сабаблари, ижтимоий-маърифий аҳамияти кенг ёритилади. Асар композицияси “Мантиқ ут-тайр” (Фаридуддин Аттор), “Лисон ут-тайр” (Алишер Навоий) фалсафий дostonларидаги сингари ижтимоий муаммолар, оламнинг мояси, яратувчи ҳамда унинг тазохири, инсон борлиқнинг кўрки экани – борлиқ ва илоҳиёт масалалари, хусусан, сўфий Ҳаққа етиши учун риёзат ва синов манзиллари: (етти водий М.О.)ни босиб ўтиши кераклиги ғоясига асосланади. Ўзликни англаш: инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, ватанпарварлик негизида: инсон – олий борлиқ; пайғамбар – чумоли; пир – мурид; сўфий – дарвеш; шоҳ – мулозим; шоҳ – гадо каби заррадан коинотгача бўлган заминий кенглик ва тахайюлий юксакликлар имкон қадар камралади. Дунёнинг яхлитлиги, мавжудликнинг туб моҳияти билан боғлиқ Қуръоний ҳақиқатлар ҳамда ижтимоий-маънавий муаммолар бадий тадқиқи эса барча замонлар учун бирдай муҳимдир.

Иккинчидан, романда Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг атрофини куршаган аксарият қаҳрамонлар дунёнинг тартиблари билан зиддиятга киришадилар. Яъни роман қаҳрамонлари асарда қўйилган юқоридаги муаммони ҳал қилиш воситасига айланишади. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд Халил Ота (Султон Халил) ва Амир Темур сингари ҳукмдорлар хизматида камарбаста бўлса ҳам, романда унинг инсоний тақдири ва эгаллаган мавқеи ботин олами энг теран истаклари, хусусан, кўнглининг дунё ҳою ҳавасларига меҳр қўймаслик тилагига тўла мос келмайди. Айнан шу боис Баҳоуддин Нақшбанд жамиятда яшаши, ҳар қанча ижтимоий фаол бўлишига қарамасдан, ўз индивидуаллигини нечоғлик теран идрок этган сари жамият билан шунчалик зиддиятга киришади. XIV аср ижтимоий-маданий воқелиги Баҳоуддин Нақшбанднинг ботини – фикр-туйғу ва руҳиятида кечади. У жисман замонда яшаса ҳам, руҳан ўз даврига сиғмайди. Аллома “ичкари” (ботин олами) ва “ташқари” (реал олам)ни ўзаро келиштира олмай қийналади, изтироб чекади, йўл ахтаради. Чунки у ўзини ўз ҳолича бир зарра, айни пайтда, бутун бир олам сифатида идрок этади. Демак, “янги давр эпоси” (В.Г.Белинский) бўлмиш роман учун қаҳрамон тўғри танланган ва унинг



шаҳси, ҳаёт ва кураш йўли, зиддият ва тўқнашувлари асар марказига олиб чиқилган. Бадиий талқин ҳам “йўқотилган эпик бутунликни тиклаш”га йўналтирилган.

Учинчидан, Баҳоуддин Нақшбанд Тўлқин Ҳайит учун ўша “йўқотилган эпик бутунликни тиклаш” воситаси. Муаллиф адабий қаҳрамоннинг ташқи олам билан тўқнашувлар асносидаги руҳий драмасини эпик кўламдорликда тасвирлайди. Бу жараёнда, ўзининг ҳаёт йўлида учраган муаммоларни ҳам адабий йўл билан ечишга уринади. Роман фалсафасини кузатар эканмиз, муаллиф асарда қўйилган муаммони Баҳоуддин Нақшбанд образи воситасида идрок этиш жараёнида жамиятнинг жорий ҳолати, олам ва одам ҳақидаги ўз яхлит концепциясини шакллантиргани ва поэтик ифода этишга интилгани гувоҳи бўламиз. Буларнинг барчаси романий тафаккур маҳсули сифатида намоён бўлади.

### **Боб юзасидан айрим хулосалар:**

1. Шайх-валийлар ҳақидаги тарихий-биографик романлар юзага келиши ижтимоий-ҳаётий, маънавий-руҳий ва адабий-маърифий асосларига эга. Бу асарлар ўз нафсини таниб, уни жиловлай олган, узлуксиз тарбия қилган ва ўзида шаклланган юксак инсоний фазилатларни эл ва юрт манфаати йўлида сафарбар эта олган инсонлар қисмати ҳақида битилгани билан аҳамиятлидир.

2. С.Сиёев Аҳмад Яссавий сиймосини Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмуни ва тасаввуф ғояларини кўшиб қуйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик ва узлат билан боғлаб ҳаёт кечирган инсон сифатида тақдим қилишга интилган.

3. С.Сиёев Шаҳобиддин хожи, Ашрафхон қози, Муҳаммадрасул муфтий каби нафс жilовини илқидан чиқарган салбий типларнинг кирдикорларини изчил тасвирлаганида тўғри йўлдан боради. Аммо авлиёлар сарвари – сулук сардори Яссавий ва унинг муридларидан ўзга мусулмони комилнинг йўқлиги, авом ва уламонинг кескин кутблантирилиши тасвирларида ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашади. Бу ҳол конфликтнинг тасвирий-динамик ривожига соя солади. Ёзувчи Аҳмад Яссавий Сайрамдан Марвгача ва аксинча, Марвдан

Сайрамгача босиб ўтган йўл аслида, қаҳрамоннинг кўнгил сари талпиниши – ишқ ва ирфон сафари эканини бадиий талқин қилишга эриша олмайди. Айни чиллага кирилган вақтдан эътиборан Аҳмад Яссавий ҳаётида сифат жиҳатидан янги бир давр – юксак ҳол босқичи бошланганини теран илғай олмайди.

4. Т.Ҳайит романда Баҳоуддин Балогардон нақшбандия сулуки мабдаи, васати ҳамда ниҳояси билан боғлиқ тасвирларда ишончли манбаларга таяниб, сезиларли ютуқларга эришган. Аммо асарда адибнинг ахлоқий-тарбиявий мақсади устуворлик қилади.

5. Муаллиф “Мени”нинг бундай мавқеи романда ижтимоий-руҳий ва психологик талқинларни чуқурлаштириш, мутасаввиф шайх ва тариқат пири ишқини самовий миқёсларга олиб чиқишга ҳам қисман тўсқинлик қилади.

## III БОБ. ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК РОМАНЛАРДА БАДИИЙ ТАСВИР ЙЎСИНЛАРИ

### 3.1. “Паҳлавон Муҳаммад” тарихий биографик романида қаҳрамон маънавий-руҳий оламнинг бадиий реаллашув йўсини

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Асад Дилмурод (1947-2019) ўзининг “Осмоннинг бир парчаси” (1978), “Тош бургут” (1979), “Сирли зина” (1980), “Шердор” (1986), “Мулк”, “Гирих” (1989), “Тоғлар, сукут сақламанг” (1987), “Оқ аждар сайёраси” (2000), “Мезон буржи” (2007) каби хикоя ва қиссалари, шунингдек “Маҳмуд Торобий” (1998), “Фано даштидаги куш” (2001), “Паҳлавон Муҳаммад” (2006), “Ранг ва меҳвар” (2012), “Заррадаги олам” (2016) сингари романлари билан илмий-адабий жамоатчилик назарига тушган адиб эди.

Ёзувчининг “Паҳлавон Муҳаммад”<sup>162</sup> тарихий-биографик романи таркибий тузилиши жиҳатидан Муқаддима, “Фалак гардиши”, “Имтиҳон”, “Тақдир кемаси”, “Ниҳояда – ниҳоя йўқ” номли тўрт бўлим, улар таркибидаги йигирма саккиз боб ва Хотимадан таркиб топган. Дастлабки иккита бўлимнинг ҳар бири бештадан, иккинчи бўлим саккиз ва сўнгги бўлим ўн бобдан иборат. Демак, асарда боблар бўлимлар аро бир хил тақсимланмаган. Романга Сўнгсўз ёзган профессор Қозоқбой Йўлдошев замонавий романларни тасвир йўсинига кўра: а) очик (экстенсив); б) ёпиқ (интенсив); в) ўзида ҳам очик ҳам ёпиқ романларга хос хусусиятларни аралаш ҳолда намоён этган романлар тарзида таснифлайди. Олим “Паҳлавон Муҳаммад” романини юқоридаги таснифнинг учинчи турига мансуб деб ҳисоблайди. Яъни, Асад Дилмурод:

Биринчидан, инсон тақдири ва фаолиятини ижтимоий турмуш билан узвий алоқадорликда – бадиий детерминизм қоидаларига мувофиқ тарзда тасвирлайди.

<sup>162</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош тахририяти, 2006. – 432 б.

Иккинчидан, Пахлавон Муҳаммад ҳаёти, фикр-ўйлари ва изтироб-кечинмаларини теран ифода этади. Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда: “...одамнинг ижтимоий қимматини унинг руҳияти, ички дунёси ва ўйларининг бадиий манзарасини чизиш орқали кўрсатади”.<sup>163</sup>

Ушбу роман муқаддимаси 1493 йилнинг баҳор фасли ва “Унсия” чорбоғи тасвири билан бошланади. Маълумки, бу қутлуғ маскан Алишер Навоий яшаган уй бўлиб, ўз даврида чин дўстлар, ижод аҳли, устоз ва шогирдлар учун дилбар суҳбатлар ошиёнигина эмас, балки эзгулик, хайру эҳсон ҳамда илм-маърифат маскани ҳам эди. Бироқ эндиликда Навоийнинг маънавий отаси – Саййид Ҳасан Ардашер (1488/1489); оғиру-енгил кунларда орқадoshi бўлган Абдурахмон Жомий (1493) абадият дунёсига сафар қилишган. Ҳали уларнинг доғи-аламлари тарқамай туриб, қирқ йиллик кўнгил маҳрами, эзгулик ва жўмардликни касб қилган хокисор ва ҳалим инсон – Пахлавон Муҳаммад Абусаиддан ҳам айрилиш (1494) Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро ва Ҳазрат Алишер Навоий учун ҳам, Ҳирот аҳли учун ҳам ғоят оғир эди. Масалан, Навоий оғир дамда ўз дўстини ёлғиз қолдирмаслик тилагида саломхонага кирган кезде Султон Ҳусайн Бойқаронинг аҳволи романда:

“...мунаққаш тахтда эмас, шундоқ пойгакдаги курсида омонат ўтирар, кўп балоларни кўрган боши ҳам, барваста қадди-қомати аста-секин силкинар, қалин мужгонлари жикқа хўл эди”<sup>164</sup>, тарзида тасвирланади. Яқин биродари ва ишончли амири Навоийни кўриб ярадор қарчиғайдек чарх урган ҳоқон:

“ – Алишер, икки қутби олам доғи-алами ҳамон кўкайимизда муқим эрди, Бошимизда яна бу улкан мусибат! Эвоҳ, ани кўтаришга сабру бардошимиз етқайму?”<sup>165</sup> – дея илтижоли боқади. Унинг нигоҳларида бевафо фалак тутумларидан туйилган мислсиз армон юкининг залвари бор эди. Буни чуқур ҳис этган Асад Дилмурод Навоийнинг айни дамдаги ҳолини:

<sup>163</sup> Йўлдошев Қ. Моҳият реаллиги ифодаси. / Асад Дилмурод. Пахлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.417.

<sup>164</sup> Асад Дилмурод. Пахлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.6.

<sup>165</sup> Ўша асар. – Б.7.

“Амир Алишер чурқ этолмади, ҳали бўсағада кўриниш берганда каеридадир кўзғалган ногаҳоний санчиқ симиллабгина бутун вужудига ёйилди, кўнглидан эса, сабру бардош чикора, бу озору бу армон остида тоғ ҳам янчилиб адо бўлғай, ҳоқоним, деган алам-ангиз мулоҳаза кечди”<sup>166</sup>, – кабилида хиссий идрок этади.

Кўринадикки, кадрдон бир инсонини йўқотишдек оғир жудолик юрт эгаси, Хуросон ҳукмдорини ҳам, унинг яқин ҳамдами Амир Алишерни ҳам умр бевафо, тожу-тахт бебақо экани билан боғлиқ теран ўйлар гирдобига ташлаган. Ёлғиз қолиб, кўз ёш тўккан ва тақдирга тадбир йўқлигини яхши билган султон ва унинг изтироб-армонларини юрак-юракдан ҳис қилган, фикран англаган Навоий китобхон кўз ўнгида, наинки, салтанат соҳиби ва амир, балки ҳаёт синовларида тобланган мулоҳазакор ҳамда донишманд дўстлар сифатида намоён бўлишади. Нотинч тепаётган юраклари беун нола чеккан икки дўстнинг майит ётган бўлмага тутдай тўкилиб киришлари ва Паҳлавони оламга юқунишлари ўқувчининг фикр-туйғуларини мувозанатдан чиқаради. Айниқса, бу дунёни тарк этган қаҳрамон жасадига боқиб Ҳазрат Навоий туйган маъно: “Паҳлавон Муҳаммад Абусаид қилт этмасдан осуда ётади. Қони қочиб сўлғинлашган бетиди биргина маъно зуҳур: “Биродарлар, чарчадим, ҳордиқ тилармен!”<sup>167</sup> – тарзида чизилиши китобхонни эътиборсиз қолдирмайди. Чунки бу ҳолат улуғ шоир Навоийга: ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган улуғ саодатга эришган пири майдон Паҳлавон Муҳаммад сир-асрорга тўла ўз умрини дунёга этак силкиб, ҳамманинг осуда тин оладиган абадий маконидан огоҳ этувчи ажиб бир кесатиқ билан яқунлагандай туюлади. Шу боис кечинмага хос самимият ўқувчини олис мозий сарҳадларига олиб ўтиб, адабий қаҳрамон, балки майит қошидаги жонли бир инсон – Навоийга ҳам елкадош, фикрдош ва қайғудош ҳабиб қилиб қўяди.

---

<sup>166</sup> Ўша асар. – Б.7.

<sup>167</sup> Ўша асар. – Б.6.

Дарҳақиқат, романда дил маҳрами бўлмиш қадрдон кишисидан айрилиб, тақдир синовлари олдида бетадбир қолган Султон Ҳусайн ва Навоий кўнгили ҳоллари: ўкинч, армон ва соғинч туйғулари қоришиқлигида ғоят нафис ифодаланган. Қ.Йўлдошев тўғри таъкидлаганидай:

“Паҳлавон Муҳаммад” романи тарих ва тарихдаги шахсларга янгича ёндашиш маҳсули эканлиги, унда одам тарихга қилинган илова эмас, балки ўз қисматини ўз шаънига яраша ўташи мумкин бўлган яратилган сифатида кўрсатилгани билан эътиборни тортади... муаллиф асарида узоқ тарихда яшаб ўтган инсоннинг бошидан ўтганларни ҳикоя қилиш орқали бугунги одамларнинг маънавий дунёсига назар ташлашга уринган”<sup>168</sup>.

А.Дилмурод бек ва тўраларнинг мотамсаро қиёфалари, аллома-ашрофларнинг ўйчан юзлари, бағри хун полвонлар, ёқавайрон гадо-каландарлар, аламнок ошиқ-мажнунлар, маҳзун нигоҳли хунарманд-зироатчиларнинг қиёфаларини ҳам батафсил тасвирлайди. Чунки Навоий ёзганидек, ўша замон ва маконда: “Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадогача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди”<sup>169</sup>.

Англашиладики, Паҳлавон Муҳаммад инсонни қадрлар экан, унинг мансаб-мартабаси, мазҳаб ва эътиқодига ҳам катта эътибор қаратмаган, яъни умуминсоний позицияда бўлган. Ўзининг кенг ва теран билимдонлиги, истеъдоди, тантилиги, ҳалоллиги, одамийлиги, саховати, Одам Ато фарзандларини тенг кўриши билан барчага бирдек яқин ва суюкли шахс саналган.

Юқоридаги каби баён услуби не-не майдонларда ор талашиб тўймаган, хосу авом қалбидан мустаҳкам ўрин олган, жўмард Паҳлавон Муҳаммаднинг ўлими нақадар миқёсли йўқотиш экани ҳақидаги фикр-ўйларни янада чуқурлаштиради. Буни яхши илғаган адиб бир қадар публицистик йўсинда

---

<sup>168</sup> Йўлдошев Қ. Моҳият реалиги ифодаси. / Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.418.

<sup>169</sup> Алишер Навоий. Ўн бешинчи том. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.113.

бўлса-да, ўз-ўзига ва айна пайтда, китобхонга қарата шундай мурожаат этади:

“Чиндан ҳам Паҳлавони олам дийдорисиз энди Хуросон замини жабрдийда, энди Ҳирот ғамзада, энди сарой машварат-мажлислари ва базму жамшидлари бефайз, энди сўз мулки ғариб, илму урфон рукнлари пароканда, харбу зарб майдони мискин! Энди ким қовуштиради шунқорлар бошини, энди Али Рустойга ўхшаган зўрлар Хуросон устига от қўйиб келганда ким қайириб қўяди улар шохини?!”<sup>170</sup>

Романда Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асари юзага келишига туртки берган йўқотиш, қўмсаш ва соғиниш кайфият-кечинмалари: ички – руҳий-психологик ва ташқи – ижтимоий-маданий ҳаёт билан боғлиқ омиллар ниҳоятда ишончли тасвирланган. Айна пайтда, ёзилажак романда Паҳлавон Муҳаммад характерининг инсоний қиёфаси, ижтимоий-маданий ҳаётдаги мавқеини қайси йўсинларда кўрсатиш ният қилингани ҳам ошқор этилган. Бошқачароқ айтганда, асар муқаддимасидаёқ ёзувчининг ижодий нияти, эстетик идеали билан чамбарчас боғлиқ тарзда романнинг тарҳи ҳам чизилган. Шу маънода, мазкур муқаддима ўзига хослик касб этади.

Паҳлавон Муҳаммаднинг Саман йилқилари авлодидан бўлган Лочин номли отини адиб: “Наслу насаби тоза, қўш қанотли!”<sup>171</sup>, – деб таърифлайди. Бу тасвир “Алпомиш” достонида Бойчиборнинг: “Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти, асл тулпор экан ўзбекнинг оти” – қабилдаги анъанавий эпик отнинг таъриф-тавсифига муайян даражада яқин туради. Зотан, хос от қаҳрамоннинг барча сафар ва саргузаштларида ажралмас йўлдошки, Паҳлавон уни ўз қадрдони деб билади. Не-не харидорлари, ҳатто Султон Ҳусайнга ҳам раво кўрмайди. Бу ўринда адиб: “Йигит киши учун от, хотин ва ханжар муқаддас”, деган халқона ҳикматга таянади. Турнабўйин тулпор – Лочинни қўп йил қанотида асраб, вақти келиб орага жудолик тушгач, Паҳлавон ўз қадрдонини қўмсаб, ич-ичидан хўрсинганида А.Дилмурод ҳам: “Туғишган инисидек

<sup>170</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.9.

<sup>171</sup> Ўша асар. – Б.80.

яхши кўрарди жониворни!”<sup>172</sup> – дея дардкашона изох беради. Фарғона вилоятидаги Аравон қояси, Новкат водийси ва Айирмачтов қоятошларида тасвирланган отларнинг бўйни ҳам оққушники сингари қайрилгандир. Юқоридаги айрим муштаракликлар ёзувчи қадимдан йигитнинг йўлдоши бўлган эпик отнинг анъанавий тасвирлари билан бир қаторда, ҳаётий реалияларнинг санъатдаги ифодаларида намоён бўлган белги-сифатларни ҳам яхши билган деган хулосага келишга имкон беради. Муҳими, адиб от ҳақида билганларини Паҳлавон меҳр-садоқати ва оқибатли эканини кўрсатишга йўналтира олади.

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг насл-насаби ҳақида тўхталиб: “Паҳлавоннинг насабида саёдат шарафи бор, аммо чун тағойиси, паҳлавон Абусаидким, замонанинг паҳлавон ва мусаллам куштигири эркондур ва Паҳлавон кичик ёшлиғ эрконда ул фанда кундан-кунга андин ғарибосор ва ажиб намудорлар зоҳир бўлур эркондир. Андоқки, оз фурсатда жамиъ анбойи жинс борини мағлуб қилиб, бориға фоиқ ва ғолиб келибдур. Чун рўзғор ҳарунлиғидин ва лайлу наҳор буқаламунлиғидин Паҳлавон Бусаид ҳаёт вадиатин муқтазойи ожилға топшурубдур. Паҳлавон истиҳқоқ била паҳлавонлиқ сартакиясига ўлтурубтур ва тойифа сарҳалқалиғин тавъ ва рағбат била қабул қилибдурлар”<sup>173</sup>, – деб ёзади.

Муҳаммад кичик ёшидаёқ ўз тоғаси Паҳлавон Абусаид қаноти остида курашчилик санъатини эгаллаган. Унинг вафотидан сўнг тақдир тақозосига кўра тенгқурлари ичида энг эътибор қозонган полвон бўлгани учун такябошилиқ мартабасини қабул қилган. Шунга қарамасдан, А.Дилмурод “тоға”ни “ота” сифатида тасвирлаб, наслий-генетик илдизларни янада чуқурлаштирмоқчи бўлади. Албатта, асар воқеалари сабабий боғланишларни таъминлашда бу йўл бир қадар қўл келган. Шунинг назарда тутиб, айтиш мумкинки, А.Дилмурод тарих ҳақиқатига кескин боғланиб қолмаслик, ўз бадиий реаллигини яратишга интиланган. Биз бу жиҳатдан адибни тарихий

---

<sup>172</sup> Ўша асар. – Б.409.

<sup>173</sup> Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад/ Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.105.



хақиқатга зид борганликда айбламасак-да, Паҳлавон Муҳаммаднинг камолотга етиши ортида Абусаид тоға турганида ҳам роман сюжети ва бадииятига айтарлик путур етмас эди, деган фикрни таъкидлашни истаймиз.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад бутун умрини тарбиясига сарфлаган Пирий исмли асранди ўғли ва энг яқин шогирди қариган чоғида бевафолик қилиб, ўз устозини тарк этгани ҳақида ёзаркан, бу ҳолнинг Паҳлавон руҳиятига таъсирини шундай баён қилади:

“Паҳлавон номуслиқ ва ғайратлиқ киши эрди ва андуҳдин кўнглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо мутлақ ҳеч кишига изҳор қилмас эрди. Аммо ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки бу фақирнинг ҳам андин”<sup>174</sup>.

Кўринадикки, юқоридаги ички изтироблар фақат Навоийгагина изҳор этилган. Романда адиб бу ҳақиқатга ҳар қанча содиқ қолишга интильмасин, хосдан авомгача айна масалани муҳокама қилишади. Шогирдлари ва яқинлари Паҳлавон Пирий масаласида Паҳлавон Муҳаммадга дарддош бўлишади. Ёзувчи шу баҳонада ижтимоий давр ҳодисалари ва сарой интригаларини тасвирлашга, шогирд ва тутинган ўғил бевафолиғи ботинида нафс етовидаги бандаларнинг кирдикорлари туришини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу воқеалар баёни роман ижтимоий залварини орттирганини эътироф этган ҳолда, Паҳлавон Муҳаммаднинг кексаликдаги ғам-андуҳли ҳолини янада теранроқ кўрсатишга бирқадар соя солганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Зотан, Алишер Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг бир мухаммасини келтириб:

“... ҳол аҳли бу абётдин маълум қилурларким, Паҳлавоннинг таъбида не миқдор дарди ҳол чошниси бор экандур”, – деб ёзади. Сайид Жаъфар Сажжодий ҳол тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга олиб

---

<sup>174</sup> Ўша манба.– Б.110.

борадиган файзнинг даражасини ҳол дейдилар. Ҳол бир лаҳзалик, ўткинчи ва доимий бўлиши мумкин. Доимий ҳол – ҳолнинг юксак даражасидир”<sup>175</sup>.

Демак, руҳий тарбия китоблари ва тасаввуфга таянилса, инсондаги ризо, шукур, таваккул, сабр; қувонч, тараб, сурур, завқ; аксинча, маҳзунлик, ториқиш, соғинч каби кайфият-ҳолатларни тўғри изоҳлаш мумкин бўларди. Дарҳақиқат, ўз даврининг “ҳол” аҳли тушунганидек, ёзувчи ҳам қаҳрамон калбидаги шу илмга янада яқинлашса, унинг аччиқ ҳаёти, кайфият-ҳолидаги: умр бўйи яхшилик уруғини экиб, ҳосил ололмаганликдан келувчи изтироб-армонлар, руҳий синиқликка даҳлдор нозик жиҳатлар ёрқинроқ очилган бўларди. Бироқ А.Дилмурод Паҳлавон Муҳаммад сиймосида тиниб-тинчимас ижтимоий фаол шахсни кўришни истайди. Масалан, кексайиб қолган Паҳлавон бир кунда адо этиши лозим бўлган юмушларини шундай чамалайди:

“Аввало, Султон Ҳусайнга салом бергани қароргоҳга боради, кейин Унсияда бўлиб, Амир Алишер этагини кўзига суртади, сўнг Мир курдирган ва анчадан бери улус корига яраётган дорилшифоияга кўниб ўтади – мударриси калон Гиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин таклифига биноан толиблар ҳузурида табобатнинг айрим тармоқларидан сабоқ айтиши лозим, асрдан кейин машқгоҳда турли вилоятлардан келган куштигир йигитлар савашувида ҳакамлик қилади.”<sup>176</sup>.

Танишганимиздек, кундалик ташвишлар шу қадар кўпки, қаҳрамоннинг бош қашлагани фурсати йўқ. Ваҳоланки, Паҳлавон Муҳаммад шоир, табиб ва полвон бўлиш билан бирга, ўз замонасида қироат илмида моҳир, илми нужумда тенгсиз эди. Алишер Навоий ёзади:

“Яна санойиъ аруз қофиясида ҳам кўп соҳибвуқуф эрди. Дағи қироат илмин ҳам яхши билур эрди ва хўб маҳраж ва тажвид била Қуръон ўқур эрди

---

<sup>175</sup> Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги мусталаҳоти урафо. Луғат китоби. – Техрон: 1941. – Б.79; Шунингдек қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.:Руҳий тарбия. 1-, 2-, 3 - жузлар. “Покланиш”, “Тикланиш” ва “Ҳулқланиш”. –Тошкент: “Нило” нашриёт-матбааси, 2020. – I - 480 бет, II - 496 бет, III - 464 бет.

<sup>176</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.409.

ва гоҳи ҳуффодин қироат бобида сўрар эрдиким, алар жавобдин ожиз бўлур эрдилар. Паҳлавондин истифода қилур эрдилар.

Яна нужум илмин онча билур эрдиким, ҳар мавлид учун ройижан толеъ битий олур эрди.

Яна фикҳ илмида ибодотдин фаройиз ва сунаи ва вожибот ва мустаҳаббот ва бу ибодатга мувофиқ адъияким, кўпрак фуқарол ва зуҳходға мазбут ва маҳфуз эмас. Паҳлавонга мазбут эрди”<sup>177</sup>.

Афсуски, романда шоирнинг шеърӣи вазн ва ўлчовларни чуқур билиши, кофия ва бадий санъатлар қўллашда моҳирлиги, Қуръони каримни талаффуз қоидаларига кўра қироат қилишда айрим ҳофизларни ортда қолдириши, дин қонуншунослиги ҳамда астрономиядан яхшигина хабардор экани, юлдузларга қараб толеъ буржини беҳато аниқлаши каби кўплаб қирралари етарлича очилмайди.

Асад Дилмурод Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳиммати баланд, мурувватли, қарами кенг ва саховатпеша, кечиримли шахс эканини ишончли тасвирлаган. Жумладан, романда ёш Алишер Машҳадда бўғин оғриғи (мафосил) касалига йўлиқиб, ночор аҳволда қолганида замонасининг машҳур ҳакими Мавлоно Абдуссалом Шерозийни олиб келиб, ташхис қўйдиргани ва шу асосда меҳрибонлик ва шафқат кўрсатгани билан боғлиқ тарихий воқеаларни маҳорат билан бадий жонлантиради. Шу муносабат билан Навоийнинг:

Ҳар қаён боқсам, юзумга ул қуёшдин нур эрур,

Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур<sup>178</sup>

матлаъси билан бошланувчи етти байтлик шеърини билдирмай ёдлаб олиб, мақтаъсида “Навоий” ўрнига “Насимий” таҳаллусини келтириб ўқиб Навоийни ғоят ҳайрат ва таажжубда қолдиргани билан боғлиқ воқеалар ҳам батафсил тасвирланади. Бу ҳол тарихий ҳақиқатга мослиги баробарида, Паҳлавон Муҳаммад қувваи ҳофизаси ўта кучли инсон ва унинг табиатида ҳазил-мутойибага мойиллик мавжуд эканини кўрсатиши, романнинг ўқишли

<sup>177</sup> Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад./ Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.111.

<sup>178</sup> Ўша манба. – Б.115.

бўлишини таъминлаши жиҳатидан аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, Паҳлавон Муҳаммад ўз гўзал ахлоқи ва юксак маданияти билан ҳам барчанинг ҳурмат-эътибори, эъзозига лойиқ инсон эди. Ёзувчи ҳатто Султон Хусайн ўтказган шеърхонлик мажлислари, базму жамшидлар ҳам Паҳлавон Муҳаммадсиз бефайз бўлишини тўғри кўрсатиб бера олган.

Алишер Навоийнинг Астрободдан Паҳлавон Муҳаммадга ёзган мактубида ушбу рубоий бор эди:

Дар Каъбаву дар дайр ба иршоди туем,  
Дар савмааву майкада бо ёди туем,  
Зокир саҳару шом ба авроди туем,  
Яънеки, яtimi Неъматободи туем<sup>179</sup>.

Албатта, Паҳлавон Муҳаммад Абусаид камтарлик, хокисорлик юзасидан бўлса керак, катта шоирликка даъво қилмасди. Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “шеърга машҳур ва мубоҳий эмас” эди. Аммо, нафис ва гўзал таъби назми бор эди. Навоий унинг Астрободга ёзган жавоб хати орқали қуйидаги рубоийни олади:

Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,  
Доим ба дуогуию бо ёди туем,  
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,  
Мурдему хароби Астрободи туем<sup>180</sup>.

Алишер Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг ишқ ва тариқатга муносабати ҳақида тўхталиб:

“Бу матлаъ Паҳлавоннинг дурким, айтқонда Паҳлавонга подшоҳ минг олтун сила иноят қилди:

Гуфтамаш: “Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст”,

---

<sup>179</sup> Ўша манба. – Б.117.

Таржимаси: Каъба ва калисода сенинг иршодинг биланмиз, ибодатхона ва майхонада сенинг ёдинг биланмиз. Саҳарда зикринг, шомда эса сенинг дуоларинг биланмиз. Яъни, Неъматободинг етимларимиз. – “Мажолисун-нафоис” – Б.263.

<sup>180</sup> Ўша манба. – Б.118.

Таржимаси: Эй Амир, сен пиримизсан, биз сенинг иршодинг биланмиз. Доим дуоғўйингиз ва сенинг ёдинг биланмиз. Бу шаҳр сенга ёқимли-ю, биз сен билан хушвақтмиз. Биз ўлганмиз, Астрободинг (йўлида) хароб бўлганлармиз. – “Мажолисун-нафоис” – Б.263.

Гуфт хандон зери лаб: “Ғам нест, кори олам аст”<sup>181</sup>.

Ҳоло фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур, баъзи эл Паҳлавоннинг насабида таън қилурлар, аммо фақирға таҳқиқ бўлдиким, ёлғон айтурлар”<sup>182</sup>, – деб ёзади.

Демак, Алишер Навоий ишқ аҳлидан бўлган Паҳлавон Муҳаммаднинг кундалик турмуш ташвишлари ва моддий дунё қайғу-ҳасратларидан юксак турувчи одамийлик даражаси ҳамда ахлоқини унинг нафсга муносабати, эътиқоди ва ҳимматига қараб белгилайди.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида: “Паҳлавон Маҳмуддин сўнгра Паҳлавон Муҳаммад Абусаид ҳам ўз замонининг беназири эрди”<sup>183</sup>, – дея эслатади. Ҳар бири ўз даврининг машҳур полвони бўлган иккита йирик сиймо ботиний дунёсини кўрсатувчи умумий фазилат – беназирликни дунёда кам топиладиган ноёб хислат сифатида ғоят ардоқлайди. Алишер Навоий Паҳлавон Муҳаммад вафоти муносабати билан битган байтларида унга:

Муҳаммад Паҳлавон ҳафт кишвар,  
Ки дар даҳраш навбад ақрону амсол.  
Сару сарҳалқаи аҳли тариқат,  
Ки рафт аз қайди гети фориф ул-бол<sup>184</sup>,

– дея юксак баҳо беради.

Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ”<sup>185</sup> асарида Алишер Навоий тазкирасидаги маълумотларни батафсил келтиради. Хуросоннинг энг зўр донишмандлари, фозилу уламолари зикри Паҳлавон Муҳаммад зикридан кейин келишига диққат қаратади. Паҳлавон Муҳаммаднинг тафсир илмида қувваи ҳофизаси бениҳоя ўткир экани ҳақидаги ҳаётий далилларни

<sup>181</sup> Таржимаси: Унга айтдимки, сенинг ишқинг оламида ишим ғамдин иборат бўлди. У қулги аралаш мийғида: “Ғам эмас, оламнинг ишидир”, – деди. – “Мажолисун-нафоис” – Б.263.

<sup>182</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн учинчи том. Мажолисун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.115.

<sup>183</sup> Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.302.

<sup>184</sup> Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад./ Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.119.

**Таржимаси:** Муҳаммад Паҳлавон – етти ўлка паҳлавони. Дунёда унинг тенги, ўхшаши йўқ. Тариқат аҳлининг боши ва сарҳалқаси. Дунё кишиларидан қанот ёзиб кетди. – Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Б.227.

<sup>185</sup> Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақоеъ. (Нодир воқеалар). Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 214 б.

келтиради. Унинг шоҳ мажлисларида алоҳида мавқега эга экани, кураш санъати ҳақида махсус китоб ёзгани ҳақида маълумот беради. Бошига оғир синовлар тушган пайтларда ҳам мардона бўлгани, Мир Алишер жавонмардлиги билан ўз қилмишидан пушаймон бўлган Султон Ҳусайн Мирзо узрхоҳлик либосини кийгани ҳақида ёзади. Паҳлавон Муҳаммад Молоний Паҳлавон Абусаиднинг шогирди экани боис устозининг ўғлига кўрсатган ҳимматини ғоят таъсирчан баён қилади. Афсуски, А.Дилмурод романда мана шу иккита муҳим ҳолатни ҳам ижтимоийликка майл билдирган ҳолда тасвирлайди. Паҳлавон Муҳаммаднинг Ҳиндистондан келтирилган баҳайбат филни енгиши, Ироқ полвони Али Рустойига қарши жияни Дарвешмуҳаммадни ўта талабчанлик билан жангга ҳозирлаши каби ҳодисаларни баён қилади.

А.Дилмурод Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқа илмида моҳир назариётчи ва амалиётчи экани, овози ғоят ёқимли ва гўзал бўлгани сабабли ҳам алоҳида эътибор қозонгани ҳақидаги тарихий фактларни ғоят маҳорат билан бадиий сюжет тизимига сингдириб юборади. Масалан, романда Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур жон таслим қилиш олдидан ўз номига Паҳлавон Муҳаммад томонидан боғланган “Сегоҳ”ни эшитишга интиқ бўлгани тасвирланади. Зотан, у ҳукмдор сифатида шоирларни тўплаб мушоиралар ўтказиш баробарида, ўзи ҳам зуллисонайн ижодкор – нозиктаъб инсон бўлганки, юқоридаги тасвир китобхонда эътироз туғдирмайди.

Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида Султон Ҳусайн эътибор ва инояти билан Паҳлавон Муҳаммадга Неъматобод даҳасида такъя қуриб берилгани, бу масканда юзга яқин паҳлавон, яна юздан ортиқ сойир (сайр этувчи, кезувчи), ўн-ўн беш созанда, гўянда ва хонандалар мунтазам йиғилгани, уларнинг эҳтиёжлари давлат хазинасидан тўла таъминлангани ҳақида маълумот беради. У Паҳлавон Муҳаммад тўсатдан, номаълум сабабга кўра вафот этганини баён этиб ёзади:

“Паҳлавоннинг ушоқларидин бири бу фақир қошиға изтироб била югуриб келдики, паҳлавонға бевосита ғаше (қандайдир дард. Изоҳ бизники.

М.О.) воқеъ бўлубтур ва ҳуши зойил бўлуб, беҳуд йиқилибдур, сизга хабар килдукки, табиб юборгайсиз. Фақир филҳол Мавлоно Абдулхай била Мавлоно Нуриддинким, ҳозир эрдилар, таъжил била юбордим. Алар бошиға етгунча Паҳлавон худ ўзга олам азиматиға оёқ урган экандур”<sup>186</sup>.

Ёзувчи А.Дилмурод Паҳлавон Муҳаммад дунёвий ҳаётининг яқун топишини Навоий баён қилганидек, тасодифий ўлим сифатида тасвирламайди. Аксинча, бу ходисага қаҳрамоннинг кўнгил олами, дил истакларини очувчи ғоят гўзал поэтик ечим топади. Паҳлавон Муҳаммад устод Шоҳқулини чорлатиб:

“Тилагимки, қиёмига етказиб бир хониш қилиб берсангиз, бор латофатини кўнглимга жойлаб ўзим билан ола кетсам! Бундан ортиқ саодатни кўрмасмен бул нафасда, биродари азиз!”, – дея ўтинади. Устод Шоҳқули ич-ичидан тошиб келган йиғисини аранг босиб, ғижжакни қўлига олади:

“Даҳлизда гул япроғи шитирласа, эшитилгудек теран осудалик ҳукмрон бўлиб турганда ногоҳ бир ингичка нолиш таралди. Ўша лаҳза гўё поёни йўқ улуғвор олам кичрая-кичрая келиб, мана шу шинамгина, ораста-озода гўшада муқим ўрнашди: эҳтимолки, вафо ҳам, жафо ҳам, увол ҳам, савоб ҳам, бақо ҳам!..

Қайси бир лаҳзада Паҳлавони олам қушдек енгил тортиб оҳиста кўзларини юмди, ипақдай эшила-эшила авж пардасига кўтарилган ўзаро уйғун куй ва хониш сезимларига юмшоқ-юмшоқ тегиниб ахийри бутун борлиғини ишғол қилганини сезиб-билиб ётди. Энди Ҳазратнинг “Қаро кўзим”да жамланган нафаси олис йўлда тоабат ҳамроҳи бўлишига ишончи комил эди...”<sup>187</sup>.

Кўринадикки, ёзувчи ҳаёт материалини ўз ижодий ниятига боғлиқ тарзда роман муаммосини бадий тадқиқ этишга йўналтиради. Бизнингча, бундай ўринларда адибнинг ташқи ва ички ҳаракат динамикасини уйғунлаштириш,

<sup>186</sup> Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад./ Алишер Навоий. МАТ. Ўн бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.118.

<sup>187</sup> Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.416.

ўз бадий концепциясини шакллантириш ва уюштириш маҳорати ҳам ёрқин намоён бўлади.

Албатта, романда юқоридаги каби гўзал поэтик тасвирларни кўплаб топиш мумкин. Аммо адиб ҳамиша ҳам ғазаллар моҳиятини тўлиқ илғай олмаганки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, романнинг бир ўрнида: Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий, Мирак наққош, Мавлоно Камолиддин Бехзод, Дарвеш Муҳаммад, Ошиқ Чоғарий даврасида ўртада баҳайбат сиркорий майкўза туради. Косагул лим-лим тўлғазиб узатган кумуш жомда, сирли кўпириб-товланаётган бода жилваланади: “Барча каби Паҳлавон ҳам ажиб тарзда нигорон эди, нимадир ич-ичини иссиқ-иссиқ куйдирарди. Қачондир кўзи хаёлан дунё бўйлаб кезаётган Амир Алишер билан тўқнашди ва кўнглида “Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо” мисраси жаранглаб акс садо берди”<sup>188</sup>. Ажабки, қаҳрамон сархушлик домида, хаёлида эса бир умр етишмаган маҳбубаси – Зулфизар. Жияни Дарвеш Муҳаммад эса, бода жилвасида Моҳинур чехрасини кўришга умидвор. Дарҳақиқат, ўша кезде роман қаҳрамонларидан бири – Ошиқ Чоғарий майни таърифлаб:

“Ток хилхонасида жим, хум ичра ноз уйқуда, бизим кучоғимизга кирса дафъатан уйғонур, жонга ғавфо солур, кўнгилни савдойи этиб, танни эҳтирос оташида куйдиргай”, – деганидай, бутун давра аҳли инон-ихтиёри ўша майнинг ҳукмида. Бизнингча, бундай тасвирни беришда А.Дилмурод Навоийнинг:

Ашрақат мин акси шамсул- каъси анворул-худо

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо

матлаъли ғазалининг орифона мазмунига етиб боролмайди. Шунинг учун май тўла жомда реал ёрни кўради. Майни эса, дунё ғам-андухларидан халос этувчи восита сифатида талқин қилади.

Юқоридаги матлаъда Ҳазрат Навоий профессор Н.Комилов шарҳлаганидай:

---

<sup>188</sup> Ўша асар. – Б.377.



“Эрталаб чикқан куёш косаси аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллийсида кўр, – деб оламдан садо чикди. Эй соқий, агар Худодан ўзга ташвишлар, моддий дунё ғаму андуҳи кўнгил ойнасини кир қилган бўлса, бу кир – зангни фақат илоҳий тажаллий нури, шу нур завқи билан ювиш мумкин.

Бу нур, бу май шундай ажойибки, унга бир синган сапол коса бўлаги – фақир киши кўнгил ҳам идиш бўлиши мумкин, ўшанда жом – бутун оламини кўрсатадиган бўлади ва бу жомдан май ичган, яъни тажаллий нуридан баҳра топган одам, гадо бўлса-да, ўзини подшодай ҳис этади”<sup>189</sup>, – демоқда.

Тасаввуфий ташбеҳ-тимсол ва ишоралар ботиний маъноси илғанмас экан, Навоийнинг идеаллари олами ҳам ўз чиройини очмайди. Натижада, оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқу шавқи, қалб сури ҳам англамайди. Шайх-валийлар образи тасвирлари эса хиралашади.

Умуман, Асад Дилмурод роман объекти бўлмиш Паҳлавон Муҳаммад шахсияти, кўнгил ҳоллари ва муҳити ҳақида етарли тасаввур берувчи манбаларни имкон қадар кузатган. Хусусан, Алишер Навоийнинг маноқиб характеридаги “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, тазкира жанрига мансуб “Мажолис ун-нафоис”, XV аср ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий муносабатлар тарихи ҳамда “Вақфия” асарлари билан танишган. Шунингдек, “ҳар бағир ёрасининг маҳрами”, “бари ҳамдамлар ичинда маҳрагим”, деб эъвозлаган дўстининг паҳлавонлик қудрати, камтарлиги, сахийлиги, мусиқий илмдаги санъати, шеърятдаги маҳорати, мулоимлиги васф этилган “Соқийнома”сини ўрганган. Ўрни билан Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақое”<sup>190</sup> асари ва бошқа кўплаб қимматли манбаларга ҳам мурожаат этган<sup>191</sup>.

<sup>189</sup> Навоий ғазаллари. (настрий баён, шарҳ ва изоҳлар). – Тошкент: Баёз, 2013. – Б.6.

<sup>190</sup> Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақое. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.210.

<sup>191</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.397; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б.662; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970. – 330 б. каби асарлар назарда тутилмоқда. (М.О.)

Юқорида саналган тарихий-адабий ва илмий-назарий асарларнинг барчаси, биринчидан, роман муваффақиятини таъминлаган ғоят ишончли манбалардир. Иккинчидан, бу ҳол ёзувчининг тарихга, тарихий муҳит ва инсон шахсига бўлган эҳтиромли муносабати, ижод масъулиятини теран англашини кўрсатувчи муҳим белги-сифатлар ҳамдир. А.Дилмурод айнан шу масъуллик, ижодининг ички тадрижига хос қисқалик, лўндалик, психологик таҳлилга мойиллик туфайли ҳаётий фактларга кескин боғланиб қолмади. Паҳлавон Муҳаммад ҳаёти изчил тарихини ёзишга интилмади. Қаҳрамоннинг туйғу-кечинмалар оламига кириш, жисман ўз даври ва муҳитида турса-да, инсоний ва маънавий куч-қудратда ундан юксалишга имкон берган руҳоний омилларни кўрсатиш йўлидан борди. “Қирқ йиллик ошначилик давомида хотирларига ғубор қўндирмай, кўнгилларига озор етказмай, кундан-кун бир-бирларига бўлган муҳаббати ортиб борган улуғ зотларнинг инсоний қиёфасини чизиш, уларнинг шахсиятидаги етакчи қирраларни кўрсатиш асар муаллифининг бош мақсади эди”<sup>192</sup>.

Дарҳақиқат, персонажлар маънавий-руҳий олами, уларнинг жонли одам сифатидаги қиёфалари: ўйлаш, сўйлаш ва ҳаракат қилиш йўсинлари, ютуқ ва адашишлари, нафсга қарши курашиб, ўзликни англашга талпинишлари самимий ва ишончли ифодаланиши, кайфият-ҳолатлар кечинилган экани “Паҳлавон Муҳаммад” романининг энг муҳим ютуғидир.

---

<sup>192</sup> Ёўлдошев Қ. Моҳият реаллиги ифодаси. / Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – Б.419.

### 3.2. Бадий мушоҳада ва поэтик ифода муштараклиги

Алишер Навоий шахсияти ва асарлари халқимиз учун буюк маънавий қувват ҳамда юксалиш манбаи бўлиб келаётганига ҳам қарийб олти аср бўлмоқда. Бу ҳол бежиз бўлмай, Биринчи Президентимиз И.Каримов тўғри таъкидлаганидай:

“Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади”<sup>193</sup>.

Навоий шахсияти ва ижодини тадқиқ этиш улуғ шоир яшаган даврлардан буён олиму шоирлар, ёзувчию таржимонлар, наққошу мусаввирлар, кейинчалик театр ва кино усталари диққат марказидаги масалалардан бирига айланган. Алишер Навоийнинг поэтик услуби тамойилларини назарий асосларда илмий ўрганиш Ўзбекистонда XX аср 30-йилларининг иккинчи ярмида илк бор академик Ойбек, драматург Мақсуд Шайхзода, фольклоршунос Ҳоди Зариф асарларида амалга оширилди. Бу илмий жараёнга Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган рус олимлари Е.Э.Бертельс, А.К.Боровков ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Сталинград (ҳозирги Волгоград) шаҳри қамалда экани, тинимсиз бомбалар ёғилиб тургани илм-фан фидойиларининг бу масканда Алишер Навоийга бағишлаб мўъжаз анжуман ўтказишларига тўсик бўлолмаганди. Зотан, Навоийнинг қудратли, ҳаётбахш илмий-адабий мероси жаҳон маданиятининг энг сара дурдоналари сирасига киради ва бутун инсониятнинг бойлиги саналади.

Навоийшунослик илмига камарбаста бўлган турли давр ва турли авлод вакиллари сафида: Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Воҳид Зоҳидов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Махмудали Юнусов, Эргаш Рустамов, Алибек Рустамов, Ботир Валихўжаев, Иброҳим Ҳаққулов,

<sup>193</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.30.

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Раҳмонқул Орзибеков, Ёқубжон Исоқов, Ботирхон Акрамов, Содирхон Эркинов, Шухрат Сироҷиддинов, Дилором Салоҳий, Афтондил Эркинов, Султонмурод Олим, Дилнавоз Юсупова, Каромат Муллаҳўжаева, Насиба Бозорова, Олим Давлатов, Манзар Абдулхайров, Максуд Асадов каби бир неча ўнлаб вакиллари номларини санаш мумкин.

Албатта, улар қўлга киритган барча ютуқларни эътироф этган ҳолда, юқоридаги кенг қўламли тадқиқотлар шарҳига киришиш ишимизнинг ҳажмини ўзгартириб юбориши мумкинлиги истиҳоласида мавзудан узоқлашмасликка интилдик. Навоийшунослик мактаби изчил давом этаётгани, илмий-ижодий ютуқларни қўлга киритаётганини таъкидлаш билан чекландик.

Шубҳасиз, жаҳон миқёсида ҳам Навоий шахсияти, ижодий меросига бўлган қизиқишнинг ортишига ўзбек навоийшунослиги муайян туртки берди. Масалан, улуғ шоирнинг 580 йиллиги нишонланаётган 2021 йилда Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Меҳмет Сурай ЭР: “Кўнгилларни бирлаштирган ва туркий сўзларни наққошдек саралаб, беназир мисралар битган шоирларимиз бошида Алишер Навоий туради”<sup>194</sup>, – деб таъкидлади. ТУРКСОЙ ташкилоти Бош котиби ўринбосари Билал Чакичи: “Навоий даҳоси ва унинг асарлари ёлғиз ўзбек адабиётига эмас, балки бутун туркий адабиётга туртки берган ҳамда таъсир этган. Алишер Навоий туркий оламнинг ғурури, ўзбек халқи тарбия қилган буюк зиёли ва мутафаккирдир”<sup>195</sup>, – деди. Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусейн Гулиев эса фахр ва ифтихор билан: “Тарихни шахслар яратади. Ана шундай тарих яратган шахслардан бири, шубҳасиз, ҳазрат Алишер Навоийдир. Унинг номи жаҳон бадиий тафаккури тарихида олтин ҳарфларда ёзилиб келинади”<sup>196</sup>, – деди. Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва

---

<sup>194</sup> Нодир Маҳмудов. Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида.// “Янги Ўзбекистон” . 2021 йил 10 февраль. №29 (285). 5-бет.

<sup>195</sup> Ўша манба. 5-бет.

<sup>196</sup> Ўша манба. 5-бет.

мухтор элчиси Аҳмад Холид Элмий: Ҳазрати Навоий ҳақида сўз айтиш осон эмас, бунинг учун Навоийни англаш керак”<sup>197</sup> лигини алоҳида таъкидлади.

Юқоридаги каби эътибор ва самимий эътирофлар кўрсатадики, глобал таракқиёт даврида Алишер Навоий умумбашарий ғоялари: бағрикенглик, меҳр-оқибат, огоҳлик, элсеварлик, халқлар дўстлиги сингари қадриятларга йўғрилган фикрларининг жамият маънавий юксалишидаги ўрни ва қадри тобора ошиб бормоқда. Шу боис унинг шахсияти ва ижодий мероси янгича илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида тадқиқ ва тарғиб этилмоқда. Ўзликни англашиш, инсон маънавиятини юксалтириш, умуминсоний ғоялар асосида ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳими, адибларимиз ҳам барча даврларда бу эзгу ишга муносиб ҳиссаларини қўшиб келишди. 1942 йилда Ойбекнинг “Навоий” романи, 1966 йилда Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссаси, 2006 йилда Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман дилогияси, 2021 йилда Музаффар Мирзонинг “Шам ва Шамшир” (Навоий ва Бойқаро) роман-трилогиянинг биринчи китоби, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи юзага келди.

Эътибор берилса, бу асарларнинг ёзилиши Навоий таваллудининг 500, 525, 565, 580 йиллик юбилей саналарига тўғри келади. Шунга қарамасдан, уларни шу ташқи факторга кескин боғлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Чунки қисса ва роман жанрларига мансуб ушбу асарларда улар юзага келган даврларнинг, ҳар бир авлоднинг улуғ Навоийни англаш ва ҳиссий идрок этиш даражаси, айти пайтда, муаллифлар қалбининг ички эҳтиёжи ҳам ўз ифодасини топган.

Шубҳасиз, ижтимоий давр берган имкониятлар турлича бўлишига қарамасдан, барча адиблар Алишер Навоий даҳоси орқали замондошларида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, ўз тарихий ўтмишидан ифтихор туйиш ҳиссини юксалтиришни кўзлашган. Шу маънода, ўзбек насрида Алишер Навоий шахсияти, ижодиёти, мероси сари бадиий сўз майдонида кечган ва

---

<sup>197</sup> Ўша манба. 5-бет.

халқимизга миллий ғурур ҳамда ифтихор бахш этиш, дунё кўз ўнгида ўзини, ўзлигини намоён қила олувчи рух улашиш борасидаги барча интилишларни истиқлол сари солинган йўл, уни мустаҳкамлаш, инсон омилига эътиборни орттириш учун олиб борилган кураш дейиш мумкин. Чунки Навоий шахсияти ва илмий-адабий меросида она юрт учун фидойилик, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром, маънавий юксаклик, башарий етуклик, илоҳий комиллик каби олий туйғулар тарбияси етакчилик қилади. Улар эса, ўз томир ришталари билан халқ тарихи, ҳаётий тажрибаси, миллат эътиқоди, хусусан, Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шариф кўрсатмаларига бориб туташади. Бинобарин, учинчи Ренессанс пойдевори замондошларимизга Алишер Навоий даҳоси ва ижодий меросини янада яқинлаштириш, айна пайтда, янги давр кишисининг комиллик даражасини Навоий идеаллари сари юксалтириш – уни янгича англаш, мазмун-моҳияти, ҳиссий дунёсини кенг тафаккур қилиш, моддий ва руҳоний ҳаётига изчил татбиқ этиш орқали яратилади.

Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи<sup>198</sup> чоп этилгач, у ҳақда фикр-мулоҳазалар баён этилган илк тақризлар<sup>199</sup> пайдо бўлди. Бу ҳол маънавий зарурат маҳсули бўлган бу романга илмий-адабий доираларда тезда қизиқиш пайдо бўлганини кўрсатади. Жумладан, Хайриддин Султон: “Бизнинг адабий авлодимиз Алишер Навоий ҳақида ўз бадиий сўзини айтиши кўпдан бери кутилмоқда эди. ...буюк мутафаккир шоиримиз ҳақида янги, мухташам ва оригинал роман яратилган... мунаввар сийрат ва тийнатга эга авлиё зот ҳақида ҳар жиҳатдан мукамал бадиий асар бўлган “Алишер Навоий” – аввало, Яратган Парвардигор ва унинг ижоди бўлмиш инсон зотига, инсон даҳосига улкан муҳаббат, чексиз ихлос, завқу шавқ билан дунёга келган асар, десак янглишмаган бўламиз...”

Сизнинг ҳайратомуз равишда тарихий табиийликка эришганингиз, энг муҳими, ҳеч кимга малол келмайдиган гўзал ифода услубини топа

<sup>198</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.3-438.

<sup>199</sup> Султонов Х. Мактуб (Сўнгсўз ўрнида) / Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.505-510; Каримов Б. Ҳазрат Алишер Навоийга эҳтиром ёхуд Инсоният куёши таърифида битилган роман тўғрисида бир-икки оғиз сўз // “Янги Ўзбекистон”. 2021 йил 10 август. №160 (416). 6-бет.

олганингизни романнинг муҳим хислати ва ибратли фазилати сифатида баҳоламоқ лозим”<sup>200</sup>, – деб ёзади.

“Алишер Навоий” романидан ҳикмат ва фазилат излаган адабиётшунос Баҳодир Каримов ёзувчи дунёқараши, роман композицияси, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ифодаси, Султон Ҳусайн, Шайбонийхон, Мўмин Мирзо сингари адабий қаҳрамонлар руҳий-психологик олами, Навоий ижод психологиясини кўрсатиш ва бадий адабиёт метафорик табиатидан унумли фойдаланишдаги ёзувчи поэтик маҳоратини юксак баҳолаб: “Исажон Султон истеъдодли адиб ўлароқ, қайсидир маънода биз тасаввур қилиб юрган Алишер Навоий образини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди”<sup>201</sup>, – дея ўз қониқишларини баён қилади.

Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи улуғ шоирнинг “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) мукамал йиғма девонидан ибрат олинган ҳолда тўрт қисмга бўлинган ва бу қисмлар худди Навоий девонлари каби номланади. Исажон Султон бундай йўл тутишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

Биринчидан, “Ҳазойин ул-маоний” девони шоирнинг бутун онгли ҳаёти давомида ёзилган бўлиб, “Бадойиъу-л бидоя” ва “Наводиру-н-ниҳоя”га кирмаган қирқ беш минг мисрага яқин шеърни қамраб олади.

Иккинчидан, ҳақиқатан ҳам шеърларда Навоийнинг 7-8 ёшлигидан то 1499 йилгача бўлган даврдаги кўнгил ҳоллари шарҳи: кайфияти, тафаккур ва тахайюл олами, орзу-умидлари, дард-изтироблари, жунун шиддати ва унинг турфа ғалаёнлари лафз ва маъно уйғунлиги билан акс этган.

Учинчидан, Девон таркибига кирган барча байтлар ўз замонасининг икки беназир кишиси – таъби нозик ҳукмдор Султон Ҳусайн ва Алишер Навоийнинг муборак назарларидан ўтган. Шу маънода, бу асар XV аср маънавий ҳаётининг ҳам ўзига хос қомусидир.

---

<sup>200</sup> Султонов Х. Мактуб (Сўнгсўз ўрнида) / Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.505-510.

<sup>201</sup> Каримов Б. Ҳазрат Алишер Навоийга эҳтиром ёхуд Инсоният қуёши таърифида битилган роман тўғрисида бир-икки оғиз сўз // “Янги Ўзбекистон”. 2021 йил 10 август. №160 (416). 6-бет.

Алишер Навоий ўз девонларига йил фаслларига қиёсан ном танлаган ва асар тузилиши ҳақида “Хамсату-л-мутаҳаййирин”, “Муншаот”, “Муҳокамату-л-луғатайн”, айниқса, “Хазойину-л-маоний”да сўз юритган. Жумладан, биз “Ғаройибу-с-сиғар” девони “Дебоча”сида шундай мисраларни ўқиймиз:

Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,  
Бўстони ҳаёту лолазорин дағи.  
Оллида хазони зарнисорин дағи,  
Кофурфишон қиш била қорин дағи<sup>202</sup>.

Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи **биринчи қисми**: “Ғаройибу-с-сиғар” (“Ёшлик ғаройиботлари”, 3-118-б.)да ёш Алишернинг 7-8 яшарлигидан 20 ёшигача – султонлар ўзаро ёвлашгани сабаб Ҳироту Машҳадда юзага келган нотинчликлар ёшлик завқларини юлиб олиб, тақдир уни Самарқанд сафарига йўллашигача бўлган даврдаги ҳаёти қамраб олинган.

Ёзувчи роман Муқаддимасида Ҳиротнинг Ҳарируд дарёси шовуллаши билан бир қаторда, баҳор чечаклари: ўт-ўланлар, қизғалдоқлар, печаклар, ёввойи арпа, йўнғичқа, ажриқлар, курмаклар, бангидевоналар; ҳашаротлар: ниначилар, ўргимчаклар, боларилар нутқи ва хатти-ҳаракатларига зоҳир ҳамда ботин (дил) кулоқларини тутуди. Яралмишлардан таралаётган тириклик ва ҳаёт мусиқасини тинглайди. Уларнинг яшаш тамойилларини: “ифор ҳам чечак ибодатидир”, тарзида изоҳлайди. Барчасида ибодат ва ибрат кўради.

Демак, адиб яралганлар орқали улар ижодкорининг беқиёс санъат-қудратини кўради, мислсиз ҳайрат туяди ва: “... ҳар шаклда сенинг улуғлигинг ва азизлигинг намоён бўлиб туради. Инсон боласига ҳам ўхшаши йўқ бахтлар ато этдинг, ҳайвон жасад ичра тўлғин қалб яратдинг, уни завқу ҳайратларга, дарду изтиробларга, ўйлару ҳикматларга ошно қилиб қўйдинг, кўз устига яна бир кўз, кулоқ устига яна бир кулоқ, тил устига яна бир тил,

<sup>202</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.19.



юрак устига яна бир юрак бердинг ва унга ҳам “Сўзла!” дединг. Буларнинг бари бир “Бўл” деган ҳукминг билан қилдинг...”<sup>203</sup>.

Бизнингча, бундай тасвир тасодифий бўлмай, моҳият эътибори билан Алишер Навоий “Хамса”сининг “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) достони муқаддимасида улуғ шоир ўз қарашини: “Дунёнинг боши ҳам, охири ҳам, яратувчи ҳам, кузатувчи ҳам Аллоҳдир”, – дея ифода этишига бориб тақалади. Исажон Султон роман матнига: “Дунё – Аллоҳ жамолининг ойнаси. Аллоҳ дунёни ғоят гўзал (латиф) қилиб яратди. Лекин ҳаммасидан инсонни улуғ (шариф) айлади. Бинобарин, Аллоҳ ҳар нарсадан улуғ ва яқин тутган инсон табиат ва жамиятнинг гултожи”, – деган қадим шарқ адабиёти, хусусан, Алишер Навоий адабий меросига хос бўлган ҳамд (араб. – улуғланиш, таъриф-тавсиф, мадҳ) руҳини олиб киради. Бу жараёнда Алишер Навоий “Муножот”ларида келувчи: “... Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ – сенинг ҳамдингга зокир ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ – сенинг неъматингга шокир”<sup>204</sup> каби ҳамдлар мазмунидан ижодий фойдаланади.

Шундан сўнг инсон умрининг мазмуни: табиат – жамият – инсон учлиги (триадаси)нинг муносабатларини характерлар қисмати мисолида кўрсатишга ўтади. Инсон кечинмаларининг уч хил: (қизил, сариқ, яшил) ранг-тусда бўлиши шарҳ-изоҳлари Алишер қалбида: оҳанг ва сурат, таассурот ва ҳайрат ҳис-туйғулари улғайиб бораётганини рамзий-ишоравий, мажозий тарзда изоҳлашга хизмат қилади. Ёзувчи Алишер Навоий даврининг ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини поэтик ифодага кўчиради.

Маълумки, Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девонида:

Тухм ерга кириб, чечак бўлди,

Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!

<sup>203</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.5.

<sup>204</sup> Алишер Навоий. Муножот. МАТ. Ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.293.

Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!<sup>205</sup>

– деб ёзган эди. Исажон Султон романда ўз хотирасида муҳрланиб қолган юқоридаги мисралар билан ғайририхтиёрий тарзда диалогик муносабатга киришади. Муҳаммад Али тоғойи ёш Алишерга бир лолани кўрсатиб: “Бул тухм эди, лола бўлди. Чечакка “Аллоҳ” дегил десам, гул очиб юборди, – дебди бир шоир”<sup>206</sup>, – дейди.

Англашиладики, Исажон Султонга Навоийнинг тарбиясида тоғаларининг роли бекиёс эди, деган жўн ахборот-маълумотдан кўра, Алишер руҳий камолини унинг ижод намуналари мисолида кўрсатиш муҳимроқдир. Аммо бу ҳолат очиқ-ошкор эмас, илғаниши бирқадар мушкул тарзда ифодаланадики, айти жиҳат биз юқоридаги бадиий матн тақлид эмас, ижодий ўзлаштириш намунаси, – дейишимизга изн беради. Дарҳақиқат, бадиий матнда Навоий мисраларининг эсланиши, персонажнинг у ҳақда билдирган фикр-мулоҳазаси, шарҳ-муҳокамаси ўз ғоявий-тематик ва ҳиссий-эмоционал мотивига кўра реминисценция<sup>207</sup> (лот. *reminiscentia* – хотирлаш, эслаш) ҳодисасини юзага чиқаради.

Адиб Навоийнинг ҳамиша илоҳий қўлдов остида улғайиши билан бир қаторда, унинг камолини “Мантиқу-т-тайр” ҳайратлари, Қосим Анвор байт-ғазаллари, Саъдий фиғонлари, Лутфий ҳаётбахш лирикаси, Шарафиддин Али Яздий дуоларининг ёш дилга жо этилиши ва уларнинг мустажоб бўлиши билан узвий туташтиради. Умуман, романнинг биринчи қисмида Алишер Навоий Аллоҳнинг мислсиз санъати қаршисида ҳайратда қолиб, ундан завқ олади, олам маъноларини илғайди. Ғазалларида яралишнинг асл маншаъини ифода этади.

**Иккинчи қисм:** “Наводиру-ш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”, 119-199-б.)да улуғ шоирнинг 20 яшарлигидан 35 ёш – Самарқанд таҳсилидан сўнг Ҳиротга қайтган Алишернинг Ёдгор Муҳаммад Мирзо хавфини бартароф

<sup>205</sup> Алишер Навоий. Бадойиъ ул бидоя. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.8.

<sup>206</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.6.

<sup>207</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.248-249.

килишга бош қўшиши, Ҳусайн Мирзо салтанатида нисбий осойишталик ўрнатилишигача бўлган йигитлик даври қаламга олинган.

Бу қисм ҳам мумтоз адабиёт анъанасига мувофиқ тарзда: инсон руҳини, ўзини, Қуёш, Ой, тупроқ, ҳаво, сув, шамолни пайдо қилиб, улар ичида инсонни муқаррам қилган, унга осмонлару ердаги нарсаларнинг исмларини ўргатиб, халқ қилинганларнинг барчасига йўқликдан борликка ва борликдан йўқликка томон сафар амрини берган улуғ зотни мадҳ этиш билан бошланади. Ёзувчи Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар изҳор этгач:

“Бир қулингга кишиларни тўплаб, золим мамлакатидан чиқиб кетишни буюрдинг, сон-саноксиз кишиларни шундай қилиб фалокатдан қутқардинг, унга Тур тоғида нидо қилдинг ва асо ато этдинг; бузоққа жон киритдинг, ки бузоқнинг не эканию унга кирган жон нима эканини биров билолмади”<sup>208</sup>, – деб ёзади.

Синчков китобхон юқоридаги матнда Мусо алайҳиссалом қиссасининг мазмуни эслатилаётганини илғайди. Маълумки, бу муборак исм Қуръони каримда 132 марта зикр қилинади. У зотнинг номлари Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Юнус, Ҳуд, Иброҳим, Исро, Каҳф, Марям, Тоҳо, Анбиё, Ҳаж, Мўминун, Фурқон, Шуаро, Намл, Қасас, Анкабут, Сажда, Аҳзоб, ас-Саффот, Ғофир, Фуссилат, Шуру, Зухруф, Аҳқоф, Зарият, Нажм, Соф, Назиат ва Аъла сураларида келади<sup>209</sup>.

Хўш, Навоий ҳақидаги романга бу ишора нима учун зарур бўлди? Бизнингча, ҳатто Мирзо Бобур ҳам: “Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳирийдин ихрож қилди”, – дея таажжубланиб қараган ҳаётий ҳодисада Исажон Султон мислсиз шафқатсизликни кўради. Чунки Абу Саид Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегимни қиличдан ўтказган, Навоийнинг икки тоғасини қатл эттирган, ўзини Ҳиротдан бадарға қилган ва ниҳоят бувиси Гавҳаршодбегимнинг хуни эвазига Ёдгор Мирзо томонидан

<sup>208</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.120.

<sup>209</sup> Мусо алайҳиссалом. // <https://islom.uz/maqola/4515>. 2017. йил апрель.

ўлдирилганди. Адиб Абу Саид Мирзонинг бу қадар ҳаддан ошишларини Фиравн тутумларига, кейинчалик бутун ҳаётини куфрга, исёнга, ширкка ва турли нобакорликларга қарши курашга бағишлаши лозим бўлган Алишернинг ҳамиша Аллоҳ ҳифзи-ҳимоясида бўлганини Мусо алайҳиссалом қисматига қиёсан бадиий тадқиқ этади.

Албатта, тасвирнинг мантиқан ишончли чиққанини эътироф этган ҳолда, адабиётшуносликда Навоийнинг Самарқанд сафаридан таҳсил олиш мақсади кўзда тутилган<sup>210</sup>, – деган қарашлар ҳам борлигини таъкидлаш ўринлидир.

Умуман, Улул азм пайғамбарлардан бири – Мусо алайҳиссаломга салавоту дурудлар айтиш жараёнининг ишоравий мазмунида юқоридаги каби ижтимоий-сиёсий, тарихий-биографик масалалар назарда тутилганки, бизнингча, адиб уларнинг поэтик ечимида пайғамбарлар қиссасига<sup>211</sup> таяниб тўғри йўл танлаган. Чунки уларда пайғамбарлар ҳақидаги энг тўғри маълумотларнинг хулосаси келтирилган.

Ёзувчи Навоийнинг Самарқандда таҳсил олиш даврини тасвирлар экан, уни Мавлоно Шоший, Хўжа Хурд, Мавлоно Муҳаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий каби шоирлар давраси – адабий муҳит ичига олиб киради. Мавлоно Риёзий сахв-хатоларини тузатган, Юсуф Бадиий (Сафойй) билан бўлган бегидир баҳсларда ўз ҳозиржавоблиги, мутойибага мойиллиги билан эътибор қозонган Алишер сиймоси тирик инсон сифатида ҳис қилинади.

Бир ўринда Фазлуллоҳ Абулайс Алишерга: “Инсоннинг кўнглини чароғон этишга сабаб бўладиган хизмат, зикр ва муроқабадан анча олдин келади... Нафл ибодатининг натижаси ва мўминлар муҳаббатининг ҳосиласи асло бир даража эмас. Бири дарё бўйидаги ёлғиз дарахт бўлса, иккинчиси яхшилик кўрган мўминлар саноғичалик улкан бир боғдир... Бу худди

<sup>210</sup> Эшонбобоев А. Навоий таржимаи ҳолига доир янгилик. // “Шарқ юлдузи”. – Тошкент: 2016 йил, №1. – Б.110.

<sup>211</sup> Шайх Зоҳиджон Қодир Отахон ўғли. Пайғамбарлар қиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси, 2019. – 112 б.

Мустафога Тангрининг барча марҳаматлари инъом этилса-да, “Умматим” деб зорланганига ўхшайди”<sup>212</sup>, – дея уқтиради.

Кўринадики, Исажон Султон халққа хизмат қилишнинг фойдаси ҳақидаги билим ва ҳаётий тажрибалар негизида Навоий дунёқарашининг юксалиш жараёнини кўрсатади. Адиб зикр ва мувоқабани инкор этмайди. Лекин бирор мусулмонга яхшилик қилишни ундан улуғроқ деб билади. Худди шундай, нафл (қилса савоб, қилмаса гуноҳ бўлмаган амаллар)дан халққа хизмат қилишни афзал санаркан, ўз қарашларини Хўжа Аҳрор Валий сўзлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳаётларидан мисоллар келтириш билан тасдиқлайди. Хусусан, Муҳаммад (с.а.в)нинг умматларини ўйлаб, кўзларига ёш олганлари, “умматим” деб изтироб чекиб, “биродарларимни кўргим келди”, – деганлари, яъни умматларини ўз “биродарлари” билиб, уларни соғинганлари каби мисоллар шулар жумласидандир.

Юқоридаги каби таълим-тарбия қилишдан қаламни афзал билиш, ҳамиша халққа қайишиш каби Алишер Навоийнинг ҳаётий принциплари шаклланиши, камол топиш негизларининг бадиий мушоҳада объектига айлангани билан қадрлидир. Зотан, комил иймон таянчи бўлган айнан шу назарий тамойиллар кейинчалик Ёдгор Муҳаммад<sup>213</sup> хавфини бартараф қилиш ва Султон Ҳусайн салтанатида осойишталик ўрнатишда ҳаётий амалга айланади.

Англашиладики, ёзувчи бу қисмда “Наводиру-ш-шабоб”даги муҳим ғоялар: ҳаётий масалаларга муносабат, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий мушоҳадалар, инсонпарварлик қарашларини роман сюжет линияси ва бадиий-эстетик қатламига олиб киришга интиланган. Ҳаётий ҳикматларни бадиий сўзга муҳрлаш, санъат либосига ўраш – либоси мавзун кийдиришга муваффақ бўлган. Бу ҳол барча тасвир воситалари ягона манзил (асл мазҳар)га ишора қилишида ёрқин кўзга ташланади. Исажон Султон қалб –

<sup>212</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.148.

<sup>213</sup> Ёдгор Муҳаммад – Султон Абу Саид қатл этилгач, Окқўюнли давлатининг ҳукмдори Узун Ҳасаннинг ёрдами билан 1468 йилда Хуросон тахтини эгаллаган. Икки йил ҳукмдорлик қилгач, 1470 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро билан бўлган жангда ҳалок бўлган. (М.О.)

Аллоҳнинг назаргоҳидир! – деган қарашга содиқ қолади ва Навоийнинг кўнгил оламини кашф этишга ҳаракат қилади.

Исажон Султон Шайбонийхон шахсияти ва фаолиятининг тарихшунослик илми тарихий онгимизда шакллантирган зиддиятларни тўла бартараф қилолмайди. Унинг ҳаёти, фаолияти, минтақа ижтимоий-маданий ва сиёсий-географик иқлимга таъсирини холис баҳолай олмайди. Темурийлар салтанати ғоят танг аҳволга тушган, ўзига хос бўшлиқ (хаос) юзага келган бир даврда янгича фикрловчи ва ташқи сиёсат юритувчи саркарда, олим ҳамда давлат арбобига кучли зарурат мавжуд бўлган мураккаб вазиятда Шайбонийхон тарих саҳнасига чиқди. Тарихчи олим Бахтиёр Алимжанов тўғри таъкидлаганидай: “Шайбонийхон сиёсий фалсафасининг асоси – иқтисодиётни устун қўйиш ва халқаро урушларга аралашмаслик, илм-фанни ривожлантиришдан иборат эди”<sup>214</sup>. Дарҳақиқат, у айни вазиятда, империядан воз кечиб, ягона Марказий Осиё давлатини яратиш ва миллий давлат тизимига ўтиш, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамда мўътадил муносабатлар юритиш сиёсатини амалга оширди. Ёзувчи Шайбонийхоннинг Аҳмад Яссавийга ҳурмати кучли экани, Султон Хусайнга қарши фитналарга қўшилмаслиги каби фазилатларини эътироф этади. Унинг қадим қўшиқлар ва халқ достонларини тинглашни хуш кўриши, тузуккина ғазаллар битишини таъкидлайди. Бироқ Абулхайрхонни: “дашт тулкиси” ва Муҳаммад Шайбонийхонни: “чингизийларнинг бўриси”, – деб таърифлайди<sup>215</sup>.

**Учинчи қисм:** “Бадоеъу-л-васат” (“Ўрта ёш бадиалари”, 200-260-б.)да Алишер Навоийнинг ўрта ёшлик, яъни 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган даври ўз аксини топган. Бу қисмда келтирилган ҳамдда Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да илгари сурган концепция – чин солиқ учун ягоналик хазинаси, Аллоҳнинг ўзидан бўлак ҳеч нарса: хур ҳам, жаннат ҳам керак эмаслиги фикри маъқулланади. Шунинг учун карами кенг Парвардигор афв-муруввати, лутф-марҳамати мадҳига эътибор қаратилади. Фақат Аллоҳгагина умид боғлаш

<sup>214</sup> Алимжанов Б. Муҳаммад Шайбонийхон даврни ўзгартирган сиёсий лидер эдимиз? // “Ишонч”. 2021 йил сентябрь. – Б.2.

<sup>215</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.161.

кўнгили хотиржамлиги каффорати экани таъкидланади. Демак, нақшбандийлик тариқати асосларига таянган Навоий самимияти ғоят табиий ҳамда иймон-этиқоди ҳар қандай таъма ва илинждан холи экани кўрсатилади. Адиб: “Навоий маслаҳатига кўра, ҳар иш Тангри таоло адолатига мутлақо мос бўлмоғи Хусайн Мирзо сиёсатининг бош мезони сифатида белгиланди, амирлар ўз ҳукмларини шайхулислом тасдиғидан ўтказишлари шарт қилинди”, – деб ёзади. Англашиладики, Навоийнинг давлат ишларига бевосита аралашуви наинки ҳукмдор, балки барча амирларнинг ҳам ўз фикрини мутлақ ҳукм сифатида ўтказишига чек қўйди. Яъни Навоий давлат сиёсати ва маданий ҳаётни яна асл Шарқона ўзанларига қайтаришга уринди.

Навоий гоҳ талабчан, гоҳ илтифотли амир; ҳазил-мутойиба ва нозик кочиришларга мойил дўст; донишманд олим; нозиктаъблиги боис қалби тез жароҳатланиб, ранжиб қолувчи шахс каби турли ракурсларда тасвирланади. Бундай ўринларда ёзувчи Навоий ҳақидаги халқ ҳикоятларига, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Гиёсиддин Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор”, “Мақорим ул-ахлоқ” асарларига таяниб иш кўради. Бу бежиз бўлмай, Зайниддин Восифий “Нодир воқеалар” асарида Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрон билан боғлиқ сиёсий-мафкуравий масалалар билан бир қаторда, илмий-адабий муҳит, тарихий ва маданий ҳаёт, мушоира кечалари ҳақидаги ғоят қизиқарли воқеаларни ҳам баён қилган эди. Гиёсиддин Хондамир эса “Хулосат ул-ахбор”да Навоий мажлисларида ўзининг ҳикоятлар айтгани ҳақида шундай баён қилади:

“Улуғ амир, ҳидоятпаноҳ, кароматли Рухнинг муаййиди (акси), сўфийсифат, соф ниятли рўзгор покизаси, мусулмон маросимларини улуғловчи, салтанат устунни ва мамлакат таянчи, ҳоқон давлатининг ишончли кишиси, султоннинг яқини, улким, саховат дастурхонидан барча муҳтож тўқ, ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига

иссиқлик бахш этарди. Кундан кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди”<sup>216</sup>.

Кўринадики, шариф мажлислардаги дилтортар суҳбатлар, адабий муҳит, Алишер Навоий шахсияти ва дидига хос завқ, саховатпешалик фазилатлари, Султон Ҳусайн салтанатидаги мавқеи ҳақида ҳам етарли тасаввурлар беради. Шунинг учун Исажон Султон романда олти ойлик маошини олдиндан талаб қилган Мавлоно Алишоҳ ва Навоий от совға қилган Мавлоно Шаҳобиддин Муддавин ортиқча лутф-мулозаматидан бешиб, ўйлаб топилган “ҳийла”; саховатли амир Алишер Навоий ҳамда Султон Ҳусайн дўстлиги билан боғлиқ: берилган қарз муддатининг белгиланиш сири, фитнесчиларга бу сирнинг очилиши ҳақидаги ривоятлардан ўринли фойдаланилган. Алишер Навоий боғбон Бектош бобога ўзининг Марвда қишлаб, эрта баҳорда Ҳиротга қайтиш арафасида чодирда ин қуриб, бола очган мусичага кўрсатган меҳр-шафқати ҳақида сўйлаши билан боғлиқ эпизод ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин<sup>217</sup>. Фақат бу лавҳа Исажон Султондан илгарироқ Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад” романида ҳам келтирилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Айни пайтда Исажон Султон ривоят мазмунини мулозим Хожа Ҳасан Бахтиёр ва боғбон Бектош бобо каби персонажларнинг турфа руҳиятини очиш, Алишер Навоийнинг донишманд ва хокисор қиёфасини кўрсатишга ҳам йўналтира олганини эътироф этмоқ лозим.

Мажидиддин ҳақида гапирганида: “Золимлар гўё салтанат меваси ичига тушган курт каби эдилар” – дея ўхшатиш қўллаган ёзувчи инсоний характери: одоб-андишаси, иймон-этиқодига кўра Алишер Навоий даврасидаги кишиларнинг зидди (антиподи) бўлган ушбу персонажга бўлган антипатиясини ошкор этиб, ижодий ғоясини ёрқин бадий ифодалашга эришади.

---

<sup>216</sup> Қораев Ш. Алишер Навоий мажлислари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2020. – №7. – Б.106-108; Мир ҳузуридаги мажлисларда кимлар иштирок этган. // “Қашқадарё”. 2020 йил январь. <https://qashqadaryogz.uz/read/mir-uzuridagi-mazhlislarda-kimlar-ishtirok-etgan>

<sup>217</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.254-255.



Бу ҳол Исажон Султон инсоний характерлар талқини учун эътиборли манбаларни асос қилиб олиши билан боғлиқдир. Масалан, Қуръони каримда: “Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига топширишингизни ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат ила ҳукм қилишингизни амр қилур. Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур! Албатта, Аллоҳ ўта эшитувчидир, кўриб турувчидир”<sup>218</sup>, – дейилади. Саҳиҳ ҳадиси шарифлардан бирида эса: “Бир соатлик адолатли ҳукм қирқ йиллик ибодатга тенг” экани таъкидланади. Ҳадисда баён қилинган фикр романда: “Бир соатлик адолат, инсонлару жинларнинг ибодатидан яхшироқ”<sup>219</sup>, – деган шаклда келади. Бу ўринда ҳам ёзувчи яралишнинг ҳикмати баён қилинган исломий манбаларда жинларнинг ибодати махфий экани, ичига риё кириш эҳтимоли камлиги, инсонларнинг ибодатлари, қўрқув ва кўзбўямачилик иллатлари аралашгани учун ҳамиша ҳам риёдан холи бўлавермаслиги билан боғлиқ йўл-йўриқларга асосланади.

Умуман, романнинг учинчи қисмида тасвирланган сарой шеърхонлик мажлисларига хос зариф маъни юксаклиги ва шу азим маънилар қаршисида туйилган муҳташам ҳайрат китобхон кўнглига хушқайфият, нафис туйғулар улашиб, онгига балоғат фалсафасини олиб киради. Айни пайтда бадий матн ботинидан Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Сухайлий каби устоз ва дўст-биродарлар даврасидаги донишманд, камтарин ва хокисор, саховатпеша ва бунёдкор Навоий қиёфаси ҳам кўзга ташланади.

**Тўртинчи қисм:** “Фавойиду-л-кибар” (“Кексалик фойдалари”, 261-438-б.)да Навоийнинг 45 яшарлигидан 60 ёшга яқинлашгунгача бўлган даврдаги ҳаёти тасвирланган.

Жаҳон адабиётини кузатар эканмиз, инсоният бадий тафаккурининг нодир намуналарида одам боласининг яралиши, аъмоли ва охират манзили (ибтидо – ҳаёт – интиҳо) масалалари зинҳор четлаб ўтилмаганининг гувоҳи бўламиз. Чунки Платон ва Прокл томонидан ишлаб чиқилган ҳамда олмон

<sup>218</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири./ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Нисо сураси. – 58 оят. 87-бет.

<sup>219</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.220.

файласуфи Г.В.Ф.Гегель диалектик ривожланиш тамойили (тезис – антитезис – синтез) сифатида талқин этган<sup>220</sup> бу учлик борлик ва тафаккур тараққиётининг уч босқичли эканини билдиради. Дунё адабиётининг гўзал намуналари юқорида саналган мухташам муаммо ечими тўғри анланган нуқтада муайян умумийлик касб этади.

Навоий ижодий меросида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га берилган улуғ мўъжизалардан бири бўлмиш Меърож воқеаси тафсилоти Қуръони карим ҳақиқати ва муаззам Шарқ фалсафаси негизида баён қилинади. Улуғ шоирнинг фикрича, бу сафарлар одамзод – иймон, ирфон ва муҳаббат аҳлининг Аллоҳ билан бевосита боғланиши, ҳақиқатлар кашфидаги энг юксак нуқтадир. Шунинг учун коинотдан хорижга қилинган бу сайр билан боғлиқ ҳақиқатни замон, макон ва масофа каби тушунчалар билан англаб бўлмайди.

Исажон Султон қаламига мансуб “Алишер Навоий” романи тўртинчи қисми –“Ҳайрат” номли илк фаслида Аллоҳнинг қудрати мушоҳада қилинади. Аллоҳ, борлик ва инсон ҳақида сўзланади. Ёзувчи бу ўринда “Ҳайрат ул-аброр”га таянади. Аслида, Навоий дунёқараши асл маншаъи бўлган Қуръони каримнинг Исро сурасида: “Мўъжизаларимизни кўрсатиш учун, Масжиди Ҳаромдан Биз атрофини барокатли қилган Масжиди Ақсони тунда сайр қилдирган Зот барча нуқсонлардан покдир!”<sup>221</sup> дейилади. Англашиладики, Исажон Султон дунёнинг ишлари улуғ бир низом асосида бошқарилишини эътироф этади ва унинг ижодкорига ҳамд ўқийди. Демак, Навоий асарларида ана шу ҳақиқат баён этилганини англаб этади. Китобхонни ҳам улуғ мутафаккир Навоий ҳақиқат ва маърифат дунёси, тафаккур юксакликларига кўтаришни орзулайди.

Исажон Султон навбатдаги гапни Сўз ва унинг илоҳий моҳияти шарҳидан бошлайди. Чиндан ҳам ёзувчининг тафаккур куши замонлар оша

---

<sup>220</sup> Гегель. Феноменология духа. (Вступ. статья и комментарий Ю.Р. Селиванова). – М.: Академический проект, 2008. – 767 с.

<sup>221</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири./ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Исро сураси. – Биринчи оят. – 282-бет.

саёҳат қилади. Муҳаммад (с.а.в.) давридан Навоий замониғача ва ундан бизнинг замон ва маконимизғача идрок этишга интилади. Шунинг учун романда Ҳазрат Навоий сиймоси ўзининг теран эътиқоди, нозик ҳиссиётлари, чуқур ўйлари, адолатли амаллари ва юксак инсоний фазилатлари билан намоён бўлади. Роман матнига Навоий қаламидан тўкилган асарлардаги шарҳи-ҳоллар мазмуни кириб келади. Масалан, адиб Мажнуннинг ҳолини изоҳлар экан: “Аслида уни маҳлиё қилган – Лайли мавжудиятидаги Тангри санъатидир. Озод икки руҳнинг бир-бирига интилмоғидан ажаб хайрат борми оламда?”<sup>222</sup> – деб ёзади. Исажон Султон жонон сари интилган жон учун жумла жаҳоннинг тўсиқ экани, яъни “Лайли ва Мажнун” достонидаги:

Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд,

Бўлса яна Коинот нобуд

сингари мисралар шарҳи жараёнида секин-аста Навоийга яқинлашади. “Маъни денгизига фарқ бўлган лаҳзаларда Мажнун ҳам, Лайли ҳам, теварақдаги оломон ҳам унинг ўзи эди” каби мулоҳазалар Исажон Султон мутасаввиф шоирнинг ижод психологияси, эстетик идеаллари ва озод руҳининг асл моҳиятига етиб борганини кўрсатади. Шоир руҳининг адабий қаҳрамонларга кўчиб ўтиш жараёни, мажоз ва ҳақиқат даражаларидаги ишқининг рангин жилваларини ҳиссий идрок этади. “Фарҳод ва Ширин”да шоирнинг “Лайли ва Мажнун” достонига сиғмаган орзу-армонлари, қувонч-изтироблари, умр фалсафаси ифодасини кўрган адиб: “Фарҳод ҳам Навоийнинг ўзи эди”<sup>223</sup>, – деб ёзади.

Ёзувчи она заминда яшашга ҳукм этилган Одам болаларини Маҳшар кунидан огоҳ этаркан: “Эй хотиржам-сокин нафс, рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт!” – деган мисраларни битадики, бу билан инсониятни огоҳликка даъват этади. Умр мазмуни ҳақида ўйлашга, фикрлашга ундайди. Исажон Султон юқоридаги каби ўринларда ажру-мукофот нафсининг ҳолати, сифат ва турларига қараб

<sup>222</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.269.

<sup>223</sup> Ўша асар. – Б.275.

берилажаги ҳақидаги Қуръоний ҳақиқатларга таянади. Зотан Аллоҳ таоло “Фажр” сурасида: “Эй хотиржам нафс! Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт! Бас, бандаларим ичига киргин! Ва жаннатимга киргин!”<sup>224</sup> – дейди. Исажон Султон ўз адабий қаҳрамонларига нафснинг поклиги ютуқ-юксалиш, аксинча, нафснинг ғуборли бўлиши ноумидлик сари етаклаши ҳақидаги Қуръон карим концепцияси негизида баҳо беради. Мағфиратли ва билгувчи Зотнинг оят-қўрсатмаларидан ибратланади. Шунинг учун романда оламдаги жонлию жонсиз барча мавжудотлар тилга киради ва оламлар гултожи бўлмиш инсонга таъзим қилади.

Исажон Султон Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) асарида келтирилган Пир ва мурид масаласи билан боғлиқ ибратли маълумотларни романга киритади<sup>225</sup>. Жумладан, Восифий ёзади: “Алишер ўз “Хамса”сини Султон Ҳусайнга бағишлаб тақдим этганида, подшоҳ айтди: “Бир можаро Сиз билан бизнинг орамизда анчадин бери ҳал бўлмас эди, бугун шу ишни бир ёқлик қилайлик”. Бу можаро шундай эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишни кўпдан бери орзу қилар ва уни “пирим” деб атар эди. Алишер эса бунга жавобан: “Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, бу қанақа сўз бўлди. Аслида биз муридмиз, Сиз эса ҳаммамизга пирсиз”, – дер эди. Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради: “Пир нима-ю, мурид нима?!” Алишер жавоб берди: “Пирнинг тилаги, муриднинг тилаги бўлиши керак”. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. Бу от жуда шўх, чопқир эди. Султон Ҳусайн айтди: “Сиз мурид бўлсангизу мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманки, Сиз шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман”. Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлди. Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловидан ушлаб етаклай бошлади”<sup>226</sup>. Исажон Султон бу ҳолни шарҳларкан: “Ҳеч бир замонда шоҳ шоирга жиловдорлик қилмас эди. Каримут-тарафайн ғозий Султон Ҳусайн

<sup>224</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири./ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Фажр сураси. – 27-30-оятлар. 594-бет.

<sup>225</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.279-280.

<sup>226</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ (“Нодир воқеалар”). – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1979. – Б.214

шундай қилибдилар”<sup>227</sup>, – деб ёзади. Шубҳасиз, бу буюк “Хамса”га берилган юксак баҳогина эмас, балки Шайх Низомиддин Мир Алишер шахсиятига бўлган чексиз эҳтиром ҳам эди. Зотан, айнан ўша буюк дўстлик ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром, дину диёнат ва эътиқодда собитлик Хирот салтанатининг гуллаб яшнашига асос бўлган эди.

Англашиладики, Исажон Султон замонамиз ва замондошларимиздан 580 йил йироқдаги улуғ инсон – Шайх Низомиддин Мир Алишер Навоий даҳосининг ибратли ҳаёти, маънавий-руҳий баландликларини соғинган. Бу соғинч замирида бир жиҳатдан, замонавий миллий бадиий тафаккуримиз ва замондошимиз интеллектуал даражасини янада юксалтириш эҳтиёжи ва зарурати ҳам туради. Чунки шиддат билан ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва глобал муаммолар, хусусан, пандемия офати гирдобда оптимал йўл излаётган китобхонни оламлар турфалиги, Ҳақ ва ҳақиқатнинг турфа даражалари ҳақида фикрлаш, мулоҳаза қилишга ундаш хайрли амалдир. XXI аср ижтимоий-маданий воқелигини инсониятнинг илк яралишиданоқ олам ва одамнинг ўзаро уйғун эканлиги ғояси билан бойитишга кучли эҳтиёж мавжуд. Исажон Султон романда ана шу эҳтиёжини теран ҳис қилиб қалам тебратган. Хайриддин Султонов таъкидлаганидай, романда дунёдан диёнат ва ҳидоят излаган ёзувчи инсон даҳоси ва унинг яратувчиси – Аллоҳга бўлган чексиз ихлос, завқ ва шавқини ҳам ифода этган. Шунинг учун китобхон 580 йил олдин яшаб ўтган ҳамиша соф кўнгилли башарият юрагига яқин бўлган мутафаккир образи билан бир қаторда, унинг барча фикр-туйғуларини юрак-юракдан кечинган адиб – замонамизнинг донишманд кишиси сиймосини ҳам кўради.

### **Боб юзасидан айрим хулосалар:**

1. “Паҳлавон Муҳаммад” тарихий-биографик романи тасвир йўсинига кўра: ўзида ҳам очик ҳам ёпиқ романларга хос хусусиятларни аралаш ҳолда намоён этади. Романда дил маҳрами бўлмиш кадрдон кишисидан айрилиб, тақдир синовлари олдида бетадбир қолган Султон Ҳусайн ва Навоий кўнгил

---

<sup>227</sup> Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – Б.279-280.

ҳоллари: ўкинч, армон ва соғинч туйғулари қоришиқлигида ғоят нафис ифодаланган.

2. Асад Дилмурод романда тарих ва тарихдаги шахсларга янгича ёндашиб, қаҳрамонни тарихга қилинган илова эмас, балки ўз қисматини ўз шаънига яраша ўташи мумкин бўлган яратик сифатида кўрсатган. Муаллиф узоқ тарихда яшаб ўтган инсоннинг бошидан ўтганларини ҳикоя қилиш орқали бугунги одамларнинг маънавий дунёсига назар ташлашга уринган. Тарих ҳақиқатига кескин боғланиб қолмаслик, ўз бадий реаллигини яратишга интиланган.

3. Адиб Паҳлавон Муҳаммаднинг кундалик турмуш ташвишлари ва моддий дунё қайғу-ҳасратларидан юксак турувчи одамийлик даражаси ҳамда ахлоқини унинг нафсга муносабати, эътиқоди ва ҳимматига қараб белгилаган.

4. Ёзувчи давр ҳодисалари ва сарой интригаларини тасвирлашга, шогирд ва тутинган ўғил бевафолиғи ботнида нафс етовидаги бандалар кирдикорлари туришини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу воқеалар баёни роман ижтимоий залварини орттирган. Аммо Паҳлавон Муҳаммаднинг кексаликдаги ғам-андуҳли ҳолини янада теранроқ кўрсатишга бирқадар соя солган.

5. Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи Аллоҳ ва унинг ижоди бўлмиш инсон зотиغا, инсон даҳосига улкан муҳаббат, чексиз ихлос, завқу шавқ билан дунёга келган асар бўлиб, унда бадий мушоҳада ва поэтик ифода муштараклиги таъминланган.

6. Ёзувчи яралмишларнинг барчасида ибодат ва ибрат кўради. Романга қадим шарқ адабиёти, хусусан, Навоий адабий меросига хос бўлган ҳамд ва муножотлар руҳини олиб кирган. Инсон умрининг мазмуни: табиат – жамият – инсон учлиги (триадаси)нинг муносабатларини характерлар қисмати мисолида кўрсатган.

## ХУЛОСА

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таҳлилларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Мустақиллик йилларида Қуръони каримнинг изоҳли маъновий таржималари юзага келиши ва маданий мерослар дурдоналари нашр этилиши адабиётшунослар учун муҳим қўлланма бўлиб, ижод аҳлининг фикр ва ифода йўсини, мавзу ва образлар олами кўламининг янада кенгайиши учун асосли манба вазифасини ўтади. Ўзбек романчилигидаги миллийлашиш жараёни теранлашди. Чунки тасаввурлар инсоннинг маънавий комиллик йўллари: тажрид ва тавҳид, сурат ва сийрат, таваккул ва иттиҳод, ғайб асрори ва ладуний илмлар моҳияти сари кенгайди.

2. Ўзбек романларида миллий адабиёт намуналарининг бош мавзу ва етакчи мотивлари, умумбашарий ва абадий мавзуларга мурожаат қилишга интилиш ортди. Шайх-валийларнинг ҳаёти, фазилат-хислатлари, ақл-заковати, қувваи ҳофизаси, ғайб асрори каби масалалар: а) Аллоҳнинг буюк иродаси билан туғилиш; б) Аллоҳ ҳифзи-ҳимояси остида камол топиш; в) сафар ва синов мотиви билан боғлаб баён қилишга киришилди. Замоनावий романлар ўз азалий ўзанларидан озикланди ва хронотоп тасвири мислсиз кенгайди.

3. Шайх-валийлар образининг жаҳон насридаги мустақиллик давригача бўлган бадий талқинлари юзага келган даври, жуғрофий тарқалиш ареали, поэтик талқинлари, мавзу кўлами, мотивлари, образлар тизими, сюжет ва композициясига кўра сезиларли фарқларга эга. Уларни қуйидагича тасниф қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1. “Таврот” асосидаги ижтимоий-бадий талқинлар. 2. Черков ҳаёти танқид қилинган – антиклерикал бадий талқинлар. 3. Қуръоний ва тасаввуфий бадий талқинлар. 4. “Шайх” ва “имом”ларнинг ҳажв қилиниши.

4. Қуръон оятлари, Қуръоний қиссалар, саҳиҳ ҳадислар, тарихий-адабий ва маноқиб асарлар негизида юзага келган романларда мифологик талқинларнинг ҳасад ва алдов версияси, синов мотивларига айрим муштарак

жихатлар бўлишига қарамасдан, уларни ўлим ва тирилиш култи етакчилик қилувчи мифология билан эмас, балки ўз асос манбалари билан боғлаб ўрганиш лозим.

5.Саъдулла Сиев Аҳмад Яссавий сиймосини Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмуни ва тасаввуф ғояларини қўшиб қуйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик ва узлат билан боғлаб ҳаёт кечирган инсон сифатида тақдим қилишга интиланган. Бироқ конфликтни тасвирий-динамик тарзда ривожлантира олмаган. Ёзувчи Аҳмад Яссавий Сайрамдан Марвгача ва аксинча, Марвдан Сайрамгача босиб ўтган йўл аслида, қахрамоннинг кўнгил сари талпиниши – ишқ ва ирфон сафари эканини теран бадиий талқин қилишга эриша олмайди. Айни чиллага кирилган вақтдан эътиборан Аҳмад Яссавий ҳаётида сифат жиҳатидан янги бир давр – юксак ҳол босқичи бошланганини теран илғай олмайди.

6.Тўлқин Ҳайит романда Баҳоуддин Балогардон нақшбандия сулуки мабдаи, васати ҳамда ниҳояси билан боғлиқ тасвирларда ишончли манбаларга таяниб, сезиларли ютуқларга эришган. Аммо асарда адибнинг ахлоқий-тарбиявий мақсади устуворлик қилади. Муаллиф “Мен”ининг бундай мавқеи романда ижтимоий-руҳий ва психологик талқинларни чуқурлаштириш, мутасаввиф шайх ва тариқат пири ишқини самовий миқёсларга олиб чиқишга ҳам қисман тўсқинлик қилади.

7.“Паҳлавон Муҳаммад” тарихий-биографик романи тасвир йўсинига кўра: ўзида ҳам очик, ҳам ёпиқ романларга хос хусусиятларни аралаш ҳолда намоён этади. Романда дил маҳрами бўлмиш қадрдон кишисидан айрилиб, тақдир синовлари олдида бетадбир қолган Султон Ҳусайн ва Навоий кўнгил ҳоллари: ўкинч, армон ва соғинч туйғулари қоришиқлигида ғоят нафис ифодаланган. Паҳлавон Муҳаммаднинг кундалик турмуш ташвишлари ва моддий дунё қайғу-ҳасратларидан юксак турувчи одамийлик даражаси ҳамда ахлоқини нафсга муносабати, эътиқоди ва ҳимматига қараб белгилаган.

8.Ёзувчи давр ҳодисалари ва сарой интригаларини тасвирлашга, шогирд ва тутинган ўғил бевафолиги ботнида нафс етовидаги бандалар



кирдикорлари туришини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу воқеалар баёни роман ижтимоий залворини оширган. Аммо Паҳлавон Муҳаммаднинг кексалиқдаги ғам-андуҳли ҳолини янада теранроқ кўрсатишга бир қадар соя солган.

9.Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида бадиий мушоҳада ва поэтик ифода муштараклиги таъминланган. Ёзувчи яралмишларнинг барчасида ибодат ва ибрат кўради. Романга қадим Шарқ адабиёти, хусусан, Навоий адабий меросига хос бўлган ҳамд ва муножотлар руҳини олиб кирган. Инсон умрининг мазмуни: табиат-жамият-инсон учлиги (триадаси)нинг муносабатларини характерлар қисмати мисолида кўрсатган.

10.Жаҳон адабиётида юзага келган мавзуга оид асарларнинг қуйидаги жиҳатларига эргашиб бўлмайди: а) иймонсизлик, ахлоқий нопоклик, қасоскорлик ва қотиллик акс этган тасвирларига; б) жоҳилият даври ва айрим культларга алоқадор мотивларга; в) индивидуализм белгилари ёрқин намоён бўлган ўринларга; г) дунё ҳаёти мазмунсизлиги ҳақидаги ақидапарастлик тамойилларига; д) эътиқоди ва илми-аъмоли залолатда бўлган рижкор шахслар адабий қаҳрамон сифатида танланиб, дин уламолари образи ва турмуш тарзининг сатирик планда тасвирланишига; е) сюжет воқелигида айрим зарарли тариқат ва оқимларга эргашиш ҳолларига.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009 й. – 40 б.
3. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. – Тошкент: Адолат, 2017. – 112 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2020 йил, 1 октябрь, № 207.

### **II. Илмий-назарий адабиётлар:**

5. Алоуддин Мансур. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 767 б.
6. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.
7. Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 208 б.
8. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 335 б.
9. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965. – С. 376.
10. Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид (Хожа Ахрори Вали). – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 152 б.
11. Гегель. Феноменология духа. (Вступ. статья и ком. Ю.Р. Селиванова). – М.: Академический проект, 2008. – 767 с.

12. Ёкубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: Фан ва технология, 2011. – 475 б.
13. Ёкубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Монография. – Тошкент: “Nurafshon business”, 2021. – 336 б.
14. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 254 б.
15. Ислам – энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – 315 с.
16. Ибн Араби. Избранное. Т. 1. – М.: 2014. – с. 17.
17. Идрис Шох. Нақшбандий тариқати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 64 б.
18. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Тузувчи ва изоҳлар муаллифи: Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.
19. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
20. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
21. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под ред. А.Н.Николюкина. – Институт научной информации по общественным наукам РАН: – Интелвак, 2001.– Стб. 889 – 892 – 1596 с.
22. Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – 332 с.
23. Мелетинский Е. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. – 316 с.
24. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.
25. Муҳаммаджон хожи Ҳиндистоний. Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон. Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 980 б.
26. Мусулмон Намоз. Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2018. – 226 б.

27. Насафий (Евгений Ефимович Березиков). Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Фан, 1993. – 48 б.
28. Насафий (Евгений Ефимович Березиков). Хожа Аҳмад Яссавий. Бадиа. Русчадан Маҳкам Маҳмуд таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 10 б.
29. Навоий ғазаллари. (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар). – Тошкент: Баёз, 2013. Б.88.
30. Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. – Тошкент: Фан, 2017. – 85 б.
31. Озод Мўмин Хўжа. Ҳазрат Сайид Амир Кулол. Тарихий воқеаномалар. – Тошкент: Тошкент ислом университети НМБ, 2012. – 176 б.
32. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 35 б.
33. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012. – 302 б.
34. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) Бадиа. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 80 б.
35. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
36. Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги мусталаҳоти урафо. Луғат китоби. – Техрон: 1941. – Б.79.
37. Тафсири ирфон. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 3 - 4 - 5 - 6 жузлар. Таржима ва тафсир муаллифи: Муфтий Усмонхон Алимов. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 352 б.
38. Туркияда яссавийшунослик: (Қул Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати мавзусида турк яссавийшунослари билан ўтказилган суҳбатлар тўплами) // Суҳбат қилувчи ва нашрга тайёрловчи Н. Ҳасан./ Сўзбоши муаллифи: И. Ҳаққулов; Масъул муҳаррир: С. Сайфуллоҳ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 56 б.

39. Fuad Kuprulu. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. – Ankara, 1976. – 469 p.
40. Фуод Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. 8-босқич. (Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар муаллифи доктор Ўрхон Ф. Кўпрулу) – Анкара: 1993. – 415 б.
41. Фитрат А. Аҳмад Яссавий: Танланган асарлар (нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.141
42. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд. – Тошкент – Самарқанд: 1928. – 135 б.
43. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. (Форс тилидан Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний ва Б.Умрзоқ. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. – 535 б.
44. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 44 б.
45. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний таржимаси. – Тошкент: Наврўз, 1994. – 16 б.
46. Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.7-22.
47. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.– Тошкент: Шарқ, 2011. – 640 б.
48. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.– Тошкент: HILOL NASHR, 2017. – 628 б.
49. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. –Türkiye Diyanet Vakfı, 2018. – 628 б.
50. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур (тўлдирилган иккинчи нашр). – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2011. – 280 б.
51. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.: Руҳий тарбия. 1-, 2-, 3 - жузлар. “Покланиш”, “Тикланиш” ва “Хулқланиш”. “Hilol” нашриёт-матбааси, –Тошкент: 2020. – I - 480 бет, II - 496 бет, III - 464 бет.

52. Шайх Зоҳиджон Қодир Отахон ўғли. Пайғамбарлар қиссаси. –Тошкент: Ўзбекистон Халқаро Ислom академияси, 2019. – 112 б.
53. Шайх Умар Форук Сайдо ал-Жазарий – Нақшбандий. Ўзбекистон – авлиёлар ватани. – Тошкент: Sano-Standart, 2019. – 176 б.
54. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977. – 397 б.
55. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnasr, 2010. – Б.257.
56. Қаюмов А.П. Алишер Навоий: (Улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). – Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.
57. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.33-34.
58. Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 63 б.
59. Ҳамидхон Ислomий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Фан, 2005. – 40 б.
60. Ҳомиджон Ҳомидий.Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 208 б.
61. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали Мақомотлари ёки Мақомот. Форсчадан Муталлиб Ҳазратқулов таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011. – Б.12.
62. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир ул-аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -344 б.
63. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: 1970. – 330 б.

### **III.Диссертация ва авторефератлар:**

64. Бекташева А. Тариқат, маърифат ва шеърят муштарақлиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида). – филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... – Тошкент: 2019. – 163 б.

65. Бойназаров Ф. Художественная интерпретация исторической личности (о походах Александра Македонского в Средней Азии в советской исторической прозе). Дис.д-ра филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1991. – 204 с.
66. Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида) Филол. фан. фалсафа докт (PhD)... дисс. – Қарши: 2019. – 156 б.
67. Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси. Филол.фан. д-ри...дисс. – Тошкент: 2012. – 257 б.
68. Джураева Л.Ш. Навоий ва мусиқа санъати. – Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2019. – 144 б.
69. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Ҳамса”сида хронотоп поэтикаси. – Филол. фан. д-ри. дисс... – Тошкент, 2017. – 264 б.
70. Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. 26 б.
71. Муродов Ғ. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. Филол. ф. д-ри. дисс. – Тошкент: 2018. – 248 б.
72. Пардаева З.Ж. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент: 2003. – 295 б.
73. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида) Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент: 2006. – 159 б.
74. Петанова А.Ю. Романистика Юрия Тынянова и ее жанровое своеобразие. Дис. канд. филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1990. – 202 с.
75. Полонский В.В. Биографический жанр в творчестве Д.С.Мережковского 1920-1930-х годов. Дис.канд.фи-лол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1998. – 206 с.

76. Проскурня Н.В. Ю.Н.Тынянов как писатель-литературовед: жанрово-стилевой эксперимент в истори-ко-биографическом романе. Дис. канд. филол.наук. – М.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 1999. – 204 с.
77. Тўраева Д. Бадиий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласи. фалсафа доктори (PhD) дисс... ) Филол. фан. фалсафа докт(PhD)... дисс. – Фарғона: 2019.
78. Хажиева Ф. Биографик роман жанри хусусиятлари (И.Стоун, М.Қориев ва Н.Норматов асарлари қиёсида). Филол. фан. фалсафа докт(PhD). дисс... – Тошкент: 2018. – 153 б.
79. Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол.фан д-ри...дис. – Тошкент: 2018.– 298 б.
80. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар) – филол. фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд: 2019. – 283 б.
81. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик. (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида) Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: 2020. – 225 б.

#### **IV.Манбалар:**

82. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Ёйигирма жилдлик. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. – 419 б.
83. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011. – Б.539-604.
84. Алишер Навоий. МАТ., Ўн иккинчи том. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.138.
85. Алишер Навоий. Ўн бешинчи том. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.119.
86. Алишер Навоий. МАТ. Ўн учинчи том. Мажолисун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.114.



87. Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.19.
88. Алишер Навоий. Муножот. МАТ. Ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.293.
89. Alı Şir Navai ve eserleri sempozyumu. Bildiriler kitabı. – Istanbul: 2021. – 661 б.
90. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққул. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 256 б.
91. Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. – Тошкент: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – 432 б.
92. Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Роман. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 336 б.
93. Зайниддин Муҳаммад Восифий. Бадоеъ ул-вақое. (Нодир воқеалар). Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 214 б.
94. Мухторов О.Навоий ва рассом Абулхайр. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 223 б.
95. Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Таърих-и Рашидий. – Тошкент: Фан, 1996. – 321 б.
96. Navoiy g‘azallari. (nasriy bayon, sharh va izohlar.) Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: prof. B.To‘xliyev va D.To‘xliyeva. – Toshkent: 2017. – B.5.
97. Олтин силсила-Саҳихул Бухорий. –Тошкент: Hilol-Nashr, 2021 (2013,2016,2019). – 672 б.
98. Орипов А. Муборак бобокалон қиссаси. / Саъдулла Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари. Роман. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.3-4.
99. Прус Б. Фараон . – Москва: Правда, 1988. – 720 с.
100. Радий Фиш Геннадиевич. Джалалиддин Руми – М.: Молодая гвардия, 1972. – 285 с.; Джалалиддин Руми. – 2-е изд., испр.. – М.: Наука, 1985. – 268 с.

101. Радий Фиш. Жалолоддин Румий. Роман. Рус тилидан Жамол Камол Таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –368 б.
102. Сиёев Саъдулла. Аҳмад Яссавий: роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 336 б.
103. Султон Исажон. Алишер Навоий. Роман. – Тошкент: “ADABIYOT” нашриёти, 2021. – Б.3-438.
104. Томас Манн. “Joseph und seine Bruder”. Bd 1-2. – 1933, 1943. – 269 с.
105. Томас Манн. Иосиф и его братья. Перевод с немецкого Соломона Апта. – М.: Правда, 1991. – 720 с.
106. Тўлқин Ҳайит. Бурок водийси ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд кассаси. Роман / Қайта нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 448 б.
107. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.
108. Fariduddin Attor. Mantiq ut-tayr (nasriy bayon). Forsiydan Najmiddin Komilov va Mahkam Mahmudov tarjiması. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006. – 172 b.
109. Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 44 б.
110. Қодирий А. Мехробдан чаён. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 287 б.
111. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.148.
112. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тузувчи: Иброҳим Ҳаққулов. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 360 б.

#### **V. Илмий тўплам, журнал ва газетадаги мақолалар:**

113. Адабий алоқалар – ижодий жараён кўзгуси (давра суҳбати). // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 2014. – №13. – Б.3.
114. Алимжанов Б. Муҳаммад Шайбонийхон даврни ўзгартирган сиёсий лидер эдими? // Ишонч. – Тошкент: 2021 йил сентябрь. – Б.2.

115. Александров В.Б. Исторический портрет и его функционирование в историческом познании // Биография как вид исторического исследования. – Тверь, 1982. – С.52-69.
116. Бугрина Н.А. Документальность биографического повествования и его жанры // Факт, домысел, вымысел в литературе. – Иваново, 1987. – С.117-131.
117. Болтабоев Ҳ. Туркий тазкираларда Алишер Навоий сиймоси. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.170.
118. Давронова Ш. Тарихий романда мутасаввуф аллома сиймоси. // Til va adabiyot tadqiqotlari I. Karabuk Universiteti nashrlari: 53. – Karabuk, 2020. – Б.115.
119. Жумахўжа Н. Мурувват барча бермакдур. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.156.
120. Жумахўжа Н. Баҳсдан мақсад – ҳақиқат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 1998 йил, 10 июль. № 28. – Б.1.
121. Жўрабоев О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти Қўқон адабий муҳити ижодкорлари талқинида. // [https://naqshband.uz/guxiy-tarbiya/bahouddin\\_naqshband\\_va\\_uning\\_talimoti](https://naqshband.uz/guxiy-tarbiya/bahouddin_naqshband_va_uning_talimoti). 2013 йил 20 февраль.
122. Жўрақулов У. “Лисон ут тайр”да хронотоп шакллари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010, №1. – Б.16-26.
123. Йўлдошев Қ. Қомусларга айланган ижод. / “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”. – Навоий: 2017. – Б.65.
124. Каримов Б. Ҳазрат Алишер Навоийга эҳтиром ёхуд Инсоният қуёши таърифида битилган роман тўғрисида бир-икки оғиз сўз // Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2021 йил 10 август. №160 (416). – Б.6.
125. Мамадалиева З. Навоий ва Софокл. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2014 йил, № 2. – Б. 49.
126. Нодир Маҳмудов. Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида.// Янги Ўзбекистон . – Тошкент: 2021 йил 10 февраль. №29 (285). – Б.5.

127. Олим С. Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таърифи. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2013. – №3. – Б.152.
128. Олим С. “Лисон ут тайр” моҳияти. // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент: 2021 йил 10 февраль; <https://huquqburch.uz>
129. Пауло Коэльо. Бешинчи тоғ. Роман. Озод Шарафиддинов таржимаси. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2004 йил, №3 (82) – Б.3-55.
130. Расулов А. Тарих, фалсафа, роман. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2003 йил. № 9. – Б.154.
131. Расулова У. Қисса жанри генезиси. // Филология масалалари. – Тошкент: 2020 йил, 1-сон. – 13-20-б.
132. Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1972, № 4-5.
133. Саъдий А. Яссавий ким эди? // Инқилоб. 1922, 5-сон. – Б.4.
134. Фитрат. Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар. // “Маориф ва ўқитғучи”. 1927, 6-сон. – Б.29-35; 7-8-қўшма сонлар. – Б.39-44.
135. Цурганова Е.А. Современный роман и особенности литературы второй половины XX века // Современный роман. Опыт исследования. – М.: 1990. – С.3-24.
136. Шукуров Ш. Совершенный человек и богочеловеческая идея в исламе // Совершенный человек. Теология и философия образа. – М.: 1997. – С.72-110.
137. Эшонкулов Ж. Алишер Навоий – дунёнинг шоири. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 2021 йил. №14. – Б.1.
138. Эшонбобоев А. Навоий таржимаи ҳолига доир янгилик. // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 2016 йил, 1-сон. – Б.110.
139. Юсупова М. Навоий образининг янгича талқини. (Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-диалогияси мисолида) // ФарДУ Илмий Ахбороти, 2019 йил 1-сон. – Б.155-157.
140. Ўринбоев Б. Шайх Худойдод Вали маънавияти. // Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий кадрятларни юксалтиришдаги ўрни ва

аҳамияти. Илмий-амалий анжуман материаллари.– Самарқанд: 2006. – Б.7.

141. Қораев Ш. Алишер Навоий мажлислари // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 2020. – № 7. – Б.106-108.

142. Қосимов У. Навоий ва Саъдий. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2013 йил, №2. – Б.160.

143. Гафуров И. Қуръон таржималари: тажрибалар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 2009. – № 16. – Б.3.

144. Ҳаққулов И. Навоий азиз билган... // Ёшлик. – Тошкент, 1988. № 4. – Б.67-72.

145. Ҳабибулла Зайниддин. Битикларда бордир ҳақиқат. / Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2005 йил, № 12.

#### **VI.Интернет сайтлари:**

146. [www. Ziyouz.com](http://www.Ziyouz.com)

147. <https://www.mehrob.uz/article/710>

148. <http://muslim.uz>

149. [https://naqshband.uz/ruxiy-tarbiya/tasavvufiy\\_talimoti\\_tarihidan](https://naqshband.uz/ruxiy-tarbiya/tasavvufiy_talimoti_tarihidan)

150. <https://hidoyat.uz/>

151. <https://saviya.uz/hayot/suhbat/navoiyni-anglash>

152. <https://uzas.uz/articles/5540/>

153. [https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-zhurnali-zahon-kezmoqda\\_282390](https://uza.uz/uz/posts/alisher-navoiy-zhurnali-zahon-kezmoqda_282390)

154. <https://yuz.uz/news/>

155. <https://kh-davron.uz/kutubxona/>

## Изоҳлар:

**Валий** (кўплиги – **авлиё**)

**I. Араб тили асосида** (Араб тили грамматикаси ва луғатшунослик илми нуқтаи назаридан).

“Авлиё” сўзи араб тилидан олинган. У арабча “валия” феълидан ясалган. Мазкур феъл қуйидаги маъноларни англатади: а) яқин бўлмоқ; б) қўшилмоқ; в) бошқармоқ, волийлик қилмоқ; г) мудирлик қилмоқ, идора қилмоқ (Байтуллоҳ “авлиёлари”гина унга эгалик ва мутасаддилик қилиш, идора этишга ҳақлидир маъносида М.О.); д) васий, ҳомий; е) валий, авлиё (Аллоҳнинг дўсти).

“Авлиё” сўзининг “дўст” маъносини бериши икки инсон ўртасидаги муносабатни эмас, балки бир зотнинг иккинчи зотга эргашишидан ҳосил бўладиган дўстлик, яъни эргашган ва эргашилганнинг дўст бўлиши (қалбдан яхши кўриш)ни назарда тутаяди. Аслида, “авлиё” деган сўз бу – “валий” сўзининг кўплик шаклидир. “Валий” сўзи ҳам қуйидаги тўртта маънода келади: а) яқин; б) туғишган; в) қариндош; г) мулкдор, мулк эгаси.

**II. Диний-илоҳий асосда** (Қуръони карим негизида).

Қуръони каримда “авлиё” сўзи “Аллоҳнинг дўстлари” маъносидагина келмай, кўплаб ёндаш маъноларни ҳам билдиради: Бу йўсинда изоҳланганида “авлиё” сўзи икки хил маънони англатади:

**1) Васий, ҳомий;****2) Валий, авлиё** (Аллоҳнинг дўсти)**Уларнинг маъно қирралари қуйидагича:**

а) яқин дўст, маҳбуб ва “жавобгар, ҳомий”. Иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жиҳод қилганлар ва ҳижрат қилиб келган муҳожирларга жой бериб, уларга ёрдам кўрсатганлар (мадиналик мусулмонлар – ансорийлар);

б) Мўмин эркаклар ва мўмина аёлларнинг бир-бирини яхшиликка буюриши ҳамда ёмонликлардан қайтариши, намозни ҳамжиҳатликда тўқис

адо этиши, закотларни бериши, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилиши ҳам уларнинг ўзаро дўст-валий эканлигини англатади. Зотан, валий одам хамиша ўз дўстига ҳомийлик қилиши, оғир дамларда ўзини фидо қилиши, дўсти учун заррача оғринмай машаққатлар чекмоғи лозим;

в) Ҳақ Раҳнамо (ёлғиз Аллоҳ)дан ўзга ҳеч ким (одам киёфасидаги илоҳлар назарда тутилмоқда. М.О.) бандасига раҳнамолик қилолмайди. Шу маънода, Аллоҳ ҳам мўмин бандаларига “авлиё-дўст”дир. Унинг дўстлигига эришиш Унга қуллик қилиш орқали юзага чиқади. Банданинг Аллоҳга дўст бўлиши ўзининг қуллик мақомини унутмаган ҳолда кечади. Шу боис иймон келтирган ва тақво қилган бандалар ул зот кўрсатмалари бўйича ҳалол, пок ва тўғри яшаб, икки дунё саодатига ноил бўладилар.

**Диний уламоларимиз Қуръони каримда келган “авлиё” сўзини оятларда англатган маъноси жиҳатидан қуйидаги турларга бўлишади:**

1. Мусулмон ва муслима ота-оналарнинг ўз фарзандларига авлиё – дўст бўлишлари.

2. Чин мўмин ва мўминаларнинг (фикҳий маънода) ўзаро бир-бирларининг авлиёси, яъни дўсти бўлишлари.

3. Мўмин ва тақводор бандаларнинг ўз қуллик мақомини унутмаган ҳолда, Аллоҳнинг авлиёси (дўсти) бўлишлари. Бу ҳол мўмин ва тақводор инсон учун пайғамбарликдан кейинги энг улуғ мақом ҳисобланади.

4. Расулуллоҳ (а.с)нинг ҳижрат қилганларга (фикҳий маънода) валий бўлганлари.

5. Мўмин-мусулмонларнинг Байтуллоҳга “авлиё” – мутасадди, бўлишлари.

6. Аллоҳни эмас, балки бир-бирини “авлиё” – илоҳ қилиб олган бандаларга аламли азоб борлиги.

7. Шайтонларни дўст (“авлиё”) тутиш орқали одамийликнинг энг тубан даражасига тушиш.

**III. Тасаввуфий асосда** (Тасаввуф назарияси ва амалиёти ҳақидаги манбалар негизида).

Тасаввуф инсоннинг руҳий жиҳатига имкон қадар чуқурроқ кириш ва руҳ тарбиясига кўпроқ эътибор қаратишга асосланган йўналиш бўлиб, у аксарият динларда мавжуд. Бошқа динлар ўзларига туширилган нисбатан соддароқ шариатга таяниб, руҳий камолотга интилишди. Кейинроқ туширилган Ислом дини, камолотни энг баланд чўққисига юксалтирди. Бинобарин, тасаввуфнинг динлараро фарқи шариатда намоён бўлади.

Масалан, политеистик дин бўлмиш ҳиндуизм руҳ ўлмаслиги ва кўчиб айланиб юриши (сансара таълимоти М.О.), қайта туғилиши (карма таълимоти М.О.), гуноҳ ишлар учун жавоб берилиши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади. Бу динда кўп худодилик излари сақланган (коинотнинг ижодкори ва яратувчиси – бош худо Брахман; Вишну ва Шива каби худоларга сиғинишади. Ҳиндуизмда руҳни юксалтириш ва поклаш мақсадида инсон жасадига азоб бериш – танани калтаклаш, таркидунёчилик, узлатда яшаш орқали руҳни тарбиялаш каби ҳоллар ҳам намоён бўлади.

Христианликнинг роҳиблик таркидунёчилик амалиётида (ибодат тариқасида турмуш қуришни қатъиян тарк қилиб, бутун умрини черков хизматида бағишлаш); гуноҳлари учун худога ёлвориш эмас, пойдан – ўртада туриб, воситачи бўлишни сўраш каби моддий дунё амалларидан батамом узилиш етакчилик қилади.

Қуръони каримда: Исломда роҳиблик, яъни таркидунёчилик йўқ экани хабари келади<sup>228</sup>. Пайғамбаримиз (с.а.в) муборак ҳадисларидан бирида: “Умматимнинг энг яхшиси охират иши деб дунё ишини, дунё иши деб охират ишини қолдирмайдиганларидир”, – дея марҳамат қиладилар. Ислом динида бошқа динларда бўлгани каби Муқаддас Оталик, яъни Роҳиблик мақоми йўқ. Бу Қуръонда таъқиқланган<sup>229</sup>. Ислом дини руҳий, жисмоний ва ақлий ҳаётнинг ўзаро уйғунлиги ғоясини илгари сурди. Инсонда ўз нафси ва аҳли оиласининг ҳам ҳаққи бор. Шу негизда шаклланган тасаввуф илми

<sup>228</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. Қуръони карим. Ҳадид сураси. 27- оят. 541-бет.

<sup>229</sup> Қуръони карим. Тавба сураси. 31- оят. 191-бет.



мўътадилликни ёқлайди. Марказий Осиё шоиру адиблари ўз асарларида ўша йўсиндаги тасаввуфий ғояларни куйлашди.

Таъкидлаш ўринлики, Европа шарқшунослари тасаввуфнинг XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги анча сузлашган даврини ўрганишган. Айрим олимлар тасаввуфга тобеинлар даврларида шаклланган таълимот сифатида қараш тамойили етакчилик қилади. Бундан фарқли ўларок, дин уламолари асарларида (Иноят Хон. “Сўфийлик таълимоти”) тасаввуф тарихий жиҳатдан муайян таълимот сифатида азалдан мавжуд деб қаралади. Олам ҳамиша инсон ички зиёсини ифода этади, деган қараш илгари сурилади. Моҳиятан оламни Худонинг илми деб қарашга асосланган илоҳий илм сўфийлик, деб ҳисобланади.

Диққат қилинса, юқоридаги икки хил қарашда ўзаро зиддият мавжуд. Бизнингча, тасаввуфнинг она замин яратилганидан буён мавжуд экани ва турли шаклларда намоён бўлиб келгани ҳақидаги қараш анча асосли туюлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в) даврларида руҳий тарбия ва мўминнинг камолига ўзлари устозлик қилдилар. У кишидан кейин саҳобийлар, кейин тобеинлар, улардан кейин табаъа тобеинлар устоз бўлиб, мусулмонларни камолот сари етакладилар.

Бинобарин, биз Қуръони карим негизида шаклланган тасаввуф – руҳий тарбия воситасини ўрганамиз. Чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)дан аввал ҳам пайғамбарлар келишган. Улар ўргатган динларда шаръий қонунлар билан бирга руҳий камолот ҳам муҳим ўрин тутар эди. Шундай экан, Одам (а.с) яратилганларидан буён маънавий-руҳий камолотга интилиш мавжуд. Айтмоқчимизки, Мусо (а.с) дўстлари, Исо (а.с) ҳаворийлари, Каҳф соҳиблари ҳам мутасаввиф зотлар эдилар.

**Тасаввуф.** Ислом дини қонун-қоидаларининг руҳий тарбияга оид қисми ва унинг нафс тарбияси: қалбни иллатлардан тозалаш, хусни хулқ сингари амалий кўринишини ифода этади. Тасаввуфнинг бош ғояси комил инсонни тарбиялашдир. Бундай камолотга эришган шайхларнинг ўз даражалари ва

маноқиблари мавжуд. Комил инсон эса тасаввуфий истилоҳда “авлиё” (“Аллоҳнинг дўсти”) дейилади. Валий тушунчаси ҳам Қуръон ва ҳадисга асосланган бўлиб, “дўст” (Аллоҳнинг дўсти) маъносини билдиради. Валоят – банданинг Ҳаққа бўлган эҳтиромидир. Мазкур мақомда инсон ўз нафсидан юқори кўтарилади.

Тасаввуф – Қуръон ва Суннат (оят-ҳадислар) руҳи, Расулуллоҳ (с.а.в) ва саҳобалар йўлидир<sup>230</sup>. Шу боис дин ва Ислом ҳимоячилари бўлмиш буюк тасаввуф шайхлари ва тариқат пирлари барча муаммоларни руҳий тарбияга боғлаб изоҳлашган. Бу бежиз бўлмай, Аллоҳ таоло Ислом умматини тўғри йўлга солиш; адашган, ботил қавмлар, турли бузғунчи ва мутаассиб тўдаларга нақлий ва ақлий далил-ҳужжатлар асосида кескин раддиялар бериш; жамиятни бу иллатлардан тозалаб туриш учун ҳар бир замонга мос забардаст уламоларни етказиб турган. Тасаввуф эҳсон ҳақиқати<sup>231</sup>, ҳар бир ишни виждонан, холис ният билан бажариш, маромига етказиш, унинг сифатига масъул бўлиш, ҳар бир амал (ҳаракат) ва ниятни “Аллоҳ мени кўриб турибди”, – деган комил ишонч билан қилишни юзага чиқарадиган илмдир. Тасаввуф – қалбни поклаш, бандага Аллоҳни танитиш, уни Аллоҳга етказиш илмидир.

Расулуллоҳ (с.а.в) ҳаётлик чоғларида мусулмонлар барча нарсада у зотнинг ўзларига эргашганликлари учун ақоид, фикҳ ва бошқа исломий илмлар қатори тасаввуф – “инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи”<sup>232</sup> ҳам алоҳида ажраб чиқмаган эди. Кейинчалик саҳобалар ўзлари Қуръон ва Суннатдан керакли ҳукм ва хулосаларни чиқариб олиб, амал қила бошлашди. Ўша пайтда руҳий камолотга, зикр ва зоҳидликка мойил зотлар турли оят ва ҳадислардан далил топиб, мазкур ишларни ўз ҳаётларига татбиқ қилдилар. Тобеинлар авлоди бошқа барча илмлар қатори, руҳий тарбия ва нафсни жиловлаш илмини ҳам саҳобалардан

<sup>230</sup> Саййид Раҳматуллоҳ Термизий ҳафизаҳуллоҳу. Тасаввуф ва зикр ҳақида. // Mehrob.uz. 2018.

<sup>231</sup> Ўша жойда. - Mehrob.uz

<sup>232</sup> Тасаввуфий таълимотлар тарихидан - (naqshband.uz)

кабул қилиб олдилар. Шу тариқа рухий тарбия устозлари, шогирдлари ва жамоалари пайдо бўлди.

Айрим манбаларда валоят иккига бўлинади:

1) **Валояти омма** – Барча мўминлар учун хос валоят.

2) **Валояти хосса** – Хақ васлида фано ва бақо мақомига етганларга хос валоят.

Улуғ ҳамюртимиз Ҳаким ат-Термизий “Хатм ул-авлиё” асарини валоят ва авлиёлик масалаларига бағишлаган эди. У тасаввуф тарихида биринчи марта а) хатм ул-анбиё; б) хатм ул-авлиё мавзулари – пайғамбарлик ва авлиёлик даражаларини махсус таҳлил этди. Бу асарда Қуръон ва ҳадисдан келтирилган далиллар асосида: а) валоятнинг ўн хусусияти; б) авлиёларнинг аломатлари; в) ваҳий, илҳом, каромат, фаросат, қурб каби масалалар ёритилди.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” ва “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларида валоятнинг қуйидаги даражалари келтирилган: а) Валояти узмо – пайғамбарларга хос буюк валоят; б) валояти лохутий; в) валояти кубро – бошқа набийларга хос улуғ валоят; г) валояти жабарутий; д) валояти вусто – валийларга хос ўртача валоят; е) валояти малакутий; ё) валояти суғро – мўминлар ва орифларга тааллуқли кичик валоят; ж) валояти носутий.

Тасаввуфда авлиёлик қуйидаги олтита даражага бўлинади:

1. **Қутб** – Тасаввуф шайхларига бериладиган энг олий унвон. Тасаввуфда маълум бир даражага етган авлиёлар. Улар икки нафардирлар. Ҳар бир даврнинг ўз қутби бўлиб, улар ҳар замонда мавжуд бўладилар. Уларнинг қалби Муҳаммад (а.с) қалблари билан алоқадор бўлади.

2. **Ғавс** – Бу ҳам Қутб каби бўлиб, ёрдам берувчи деган маънони англатади.

3. **Абдол** – Ғойиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичра бўлсалар-да, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди. Абдол форс ва туркий тилларида “чилтан” (қирқ кишидан иборат) деб юритилади. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол янгиси тайин этилади.

Олдинги кишига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларга “абдол”, яъни “ўринбосарлар” деб ном берилган. Баъзи манбаларда уларнинг адади 400 та эканлиги ҳам қайд қилинган.

4. **Автод** – бу сўзнинг луғавий маъноси “қозиклар” дир. Улар ҳам абдол каби зотлар бўлиб, ададлари баъзи манбаларда 4 нафар дейилса, баъзиларида 70 нафар дейилган.

5. **Нужабо** – Олий зот бир тоифа авлиёларки, улар фақат инсонларнинг фойдаси учун фаолият кўрсатадилар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари мустажоб бўлади. Уларнинг адади баъзи манбаларда 70 киши дейилса, яна баъзи манбаларда 40 киши деб кўрсатилган.

6. **Нуқабо** – Тасаввуфда бир тоифа авлиёларга шу ном берилган бўлиб, улар умматлар билан зоминдирлар. Улар одамларнинг сирларидан воқифдирлар. Ададлари 300 нафар.

Тариқат аҳли ва сўфий сўзи келиб чиқиши билан боғлиқ таърифлар турфа хилдир:

**зоҳирий таъриф**га кўра тариқат аҳли аксар ҳолларда кийиб юрган ўша даврнинг энг арзон кийими бўлмиш жун чопон (“сувф” – “жун” деган сўздан келиб чиққан. М.О.)да моддий дунё лаззатларию хою ҳавасларига учмасликка рамзий ишора мужассам.

**тарихий таъриф**га кўра пайғамбар алайҳиссалом муборак масжидлари ёнида баъзи камбағал саҳобалар яшаган жой (суфа – супа; “аҳли суффа” ёки “асҳоби суффа”)дан келиб чиққан;

**ботиний таъриф**да сўфийларнинг доимо зикр айтиб юриш орқали қалбларини Аллоҳ зикри билан покиза қилганлари, яъни (“сафо ул-қалб” – қалб софлиги) назарда тутилади;

**амалий таъриф**да сўфийлар Пайғамбар алайҳиссалом муборак суннатларини кишилар ўртасига ёйиш, уларга доимо амал қилиш, асҳоби суффа одатларига, жандапўшликка ва қалб покизалигига қаттиқ эътибор берганлари назарда тутилади.

**Тарикат.** (арабча “**торийк**” – моддий ва маънавий “йўл” демакдир. М.О.) бир устознинг рухий тарбиясини олиб, ўша тарбияни ҳаётига татбиқ қилиб юрган жамоа аъзолари тутган йўлдир<sup>233</sup>. Маълум бир шайхнинг номи: (Рифоъия, Шозилия, Қодирия, Мавлавия, Яссавия, Нақшбандия сингари) билан машхур бўлган: катта тариқатлар ҳижрий бешинчи ва олтинчи асрларда юзага келгани боис ўша пайтларда тасаввуф ҳам ўз равнақи чўққисига чиққан эди.

**Шайх.** Устозлари силсиласи Расулulloҳ (с.а.в)га туташувчи ва тариқати Қуръон ва Суннатга мувофиқ устозлар ўз шогирдлари томонидан “шайх” дея эътироф қилинган.

Ибн Арабий тасаввуфни фалсафий оқим сифатида изоҳлашга уринди<sup>234</sup>. Бундай талқинда тасаввуфга фан тармоқларидан бири сифатида қаралади ва амалий моҳиятидан бирқадар узоқлашилади. Буни тўғри англаган Ибн Халдун “Муқаддима” асарида тасаввуфга махсус бир боб бағишлаб, Ибн Арабийни эсга олади ва: “Сўфийлар ва мутакаллимларнинг вакиллари ваҳий масаласида ва онгдан ташқарида бўлган нарсаларда узоққа кетдилар. Ва уларнинг кўплари ниҳоят пантеизмга ва мавжудликнинг ўзига хослигига етиб келишди”<sup>235</sup>, – деб ёзади.

Юқорида таъкидланганидай, тасаввуфни соф амалиёт – амалий фаолият, ўзликни англаш ва ўзини поклаш билан боғлиқ узлуксиз жараён<sup>236</sup> сифатида қаровчилар ҳам бор. Бундай нуқтаи назар тарафдорлари унинг ижтимоий аҳамияти, жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнига алоҳида аҳамият қаратиб, инсоний камолот пиллапояларини босиб ўтиш билан боғлиқ машаққатли жараённинг кўмакчиси эканига урғу беришади.

---

<sup>233</sup> **Тарикат ёхуд сулук** – бу тасаввуфдаги бирор шайх ёхуд валиulloҳ томонидан маълум тизимга солинган йўл, оқимдир. Илмий-ирфоний манбаларда тарикат йўлбошчисига нисбатан **пир** ёки **муршид**, бу йўлни қабул қилган шахсга нисбатан **мурид ёхуд солиқ** атамалари қўлланилади. Тасаввуф илми билан шуғулланган, унинг тарихи ва тараққиётини ўрганиб, ғояларини тарғиб қилган олимлар эса **мутасаввифлар** деб юритилади. (М.О.)

<sup>234</sup> Ибн Араби. Избранное. Т. 1. – М.: 2014. – с. 17.

<sup>235</sup> Ибн Халдун. Муқаддима. Часть 6. Глава о суфизме: Ibn Khaldun. The Muqaddimah. Chapter 6. The science of Sufism (англ.)

<sup>236</sup> Тасаввуфий таълимотлар тарихидан - Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази (naqshband.uz)

Тасаввуф шайхлари таркидунёчи бўлмай, халқнинг маънавий раҳбарлари ва руҳоний мураббийлари сифатида майдонга чиқишаркан, улар пайғамбарлар фаолияти, ҳолатларини муносиб давом эттиришга жазм қилишган. Жумладан:

Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар. Бинобарин, ҳар бир улуғ пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажариш билан бир қаторда, ҳалол меҳнат билан ризқ топишни ҳам ўз бурчи деб билган. Шу маънода, тасаввуфни пайғамбарлардан мерос қолган, исломий қоидаларга, аҳли суннага боғлиқ таълимот дейиш лозим.

Хожагон шайхлари ва муридларида ижтимоий ҳаётга вобасталик ёрқин кузатилади. Жумладан: Хожа Али Рометаний – тўқувчи, Муҳаммад Бобойи Самосий – боғбон, Саййид Амир Кулол – кулол, Баҳоуддин Нақшбанд – наққош, тўқувчи ва чорвадор, Амир Кулолнинг ўғли Амир Ҳамза – овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – чорвадор ва савдогар бўлишган.

Юқоридаги амалларда малака ҳосил қилувчи ҳикматлар мужассам:  
а) атрофингни қуршаган нарсаларнинг ҳаммаси табаррук эканини идрок этиш; б) буюмлар билан ўзингни қиёслаш; в) улар билан тиллашиш; г) ясаётган нарсангга жонингни жо қила олиш.

Малака эгалланиш ҳоллари ўзликни англаш жараёнини тезлаштиради, оқиллик ва донолик сари юксалтиради. Инсон ўз меҳнати билан одамлар оғирини енгил қилиш, заминни яшнатиш, демакки, Аллоҳга хизмат қилиш мумкинлигини англайди ва руҳан пишиб етилади.

Бинобарин, жисмоний меҳнат билан шуғулланиш ички иштиёқни орттириш, машаққатларга сабр-матонат билан бардош бериш, имон ва эътиқодни мустаҳкамлаш ва улуғ орзулар учун интилиш сабоғидир. Шубҳасиз, юқоридаги жиҳатлар қалбни имон маърифати, жисмни меҳнат роҳати билан озиқлантириш иштиёқида бўлган аҳли солиқнинг кўпайишига

мустаҳкам замин яратган ва асрлар давомида хожагон тариқати мавқеининг ортишига олиб келган омил эди.

**Тариқат сардорлари.** Аллоҳ таоло наздида бениҳоя азиз тутилган тариқат сардорлари (муршидлар) валийлик (авлиёлик) сифатига эга бўлиб, бу ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган юксак мартабадир. Ҳақ таолонинг назари тушган солиҳ, тақводор, кароматли ва ихлосли – Аллоҳ нурининг маъданлари бўлган бу бандаларга Ҳақ таоло томонидан каромат берилади. Аниқроқ айтганда, пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига доимо амал қилиш натижасида уларда каромат пайдо бўлади. Бинобарин, авлиёлар каромати ҳақ<sup>237</sup>. Албатта, мутлақ ғайбни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, лекин Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларига мутлақдан муқайядини<sup>238</sup>, унинг бир нуқтасини хабардор қилади.

**Мўжиза.** Агар пайғамбардан одатдан ташқари иш содир бўлса ва одамлар шунга ўхшаш нарсани қилишдан ожиз қолсалар, мўжиза бўлади.

**Каромат.** Пайғамбардан бошқа, аҳли тақво ва солиҳ одамдан одатдан ташқари иш содир бўлса, каромат бўлади.

Манбаларда каромат ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина хос уч сифат: илм, қудрат ва беҳожатлик экани таъкидланади. Қуръони каримнинг бир неча оятларида каромат масаласи билан боғлиқ ибрат - кўрсатмалар келади<sup>239</sup>.

Каромат тушунчаси ва унинг турлари ҳақида гап кетаркан: “каромат” “карума” – “якруму” феълидан олинган масдар<sup>240</sup> бўлиб, юқорилик ва шараф маъносини англатиши ва икки хил бўлишини таъкидлаш ўринлидир:<sup>241</sup>

а) **башарият учун умумий – аслий кароматлар;**

б) **касбий кароматлар** – узоқ масофани қисқа муддатда босиб ўтиш, муҳтож пайтда озиқ-овқат, ичимлик ва кийим-кечакнинг пайдо бўлиши, сув

<sup>237</sup> Қудратов Эркин. Валийлар каромати ҳақ. // muslim.uz. мақолалар, 2018.

<sup>238</sup> Мутлақ (умумий маънода келган) ва муқайяд (махсус бир маънода келган) оятлар ҳақидаги илм. – muslim.uz

<sup>239</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004.; Қуръони карим. – Анъом сураси, 50-оят, 133-бет; Аъроф сураси, 187- оят, 174-бет; Ал-Исро сураси, 90- оят, 291-бет; Фурқон сураси, 7 – оят, 360-бет.

<sup>240</sup> валийлар ва кароматлар. – islom.uz

<sup>241</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. Қуръони карим. – Исро сураси, 70-оят, 289-бет; Ҳужурот сураси, 13-оят, 517-бет.

устида юриш, ҳавода учиш, жонсиз ва тилсиз нарсалар билан гаплашиш, келган балоларни пасайтириш ва ҳоказо.

Қуръони каримда кароматлар ростлигига етарли далиллар келтирилган<sup>242</sup>. Улардан англашиладики, одатдан ташқари ишларга каромат, дейишлик мажозийдир. Аллоҳ таоло ўша ишларни тақводор мўмин икромии учун унинг томонидан содир этади. Яъни ибодат билан қурбат ҳосил қилиб валийлик даражасига етган бандаларига икром кўрсатиб, баъзи бир оддий одамлар қила олмайдиган нарсаларни қилдиради. Кароматнинг зоҳир бўлишидаги ҳикмат эса у содир бўлгач, валийнинг ишончи янада зиёда бўлиб, дунёдаги зуҳди-тақвоси кучайиб, ҳавойи нафс даъвоси йўқолишида намоён бўлади.

Қуръони каримда шайх-валийларга: мусибатлардан кушойиш, ўйламаган ва билмаган томонидан ризқ ҳамда ҳақ билан ботил орасини фарқловчи нур берилиши таъкидланади. Бинобарин, шайхнинг асосий мақсади каромат кўрсатиш эмас, балки руҳий тарбия билан шуғулланиш ва кишиларни тарбия қилишдан иборатдир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, авлиёлар ўз вафотларидан кейин ҳам инсонларга маънавий фойда етказадилар. Жумладан, уларнинг тушларига кириб, бирор нарсадан огоҳ этадилар ёки уларга насиҳат қиладилар, танбеҳ берадилар.

**Сехр.** Нотўғри йўлда юрган одамдан одатдан ташқари иш содир бўлса, сеҳр ёки синов<sup>243</sup> бўлади.

Сўфийлар эл тинчлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик йўлидаги фидойи инсонлар ва фаол курашчилар ҳам эдилар. Жумладан:

Салоҳиддин Айюбий Байтул Мақдиси мусулмонларга қайтариб берганлар. Имом Шофеъий мақбарасини биринчи тиклаганлар. Жасюн тоғларида мадрасалар қурганлар.

---

<sup>242</sup> Қуръони карим. Оли Имрон сураси, 37-оят; Каҳф – (ғор) соҳиблари қиссаси. Шунингдек, тақводор валийлар каромати зикр қилинган: Талок сураси, 2-оят; Анфол сураси, 29-оятлар.

<sup>243</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур (тўлдирилган иккинчи нашр). – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2011. – 280-б.



Сўфийлар Ватан ва дин озодлиги йўлидаги жангларда ҳам олдинги сафда турганлар. Масалан:

Сануссия тариқати пири муршиди – Умарул Мухтор (р.а) Ливияда италян мустамлакачиларига қарши курашганлар. Кубровийя тариқати пири муршиди – Нажмиддин Кубро (қуддиса сирруху) мўғул босқинчилари “мурувват”ларини кескин рад этиб, уларга қарши жангда шаҳид бўлганлар. Ўзининг жасур ва мард инсонлар авлоди экани билан чексиз фахрланган Мавлоно Жалолоиддин Румий бир шеърида:

Мо аз он мухташамонем, ки соғар гиранд,  
На аз он муфлисон, ки он бузи логар гиранд,  
Ба яке даст майи холиси иймон нушад,  
Ба яке дасти дигар парчами кофар гирад<sup>244</sup>

деб ёзган эди.

Шундай мўътабар зотлардан яна бири – Шозилийя тариқатининг пири муршиди Абул Ҳасан Шозилий 60 ёшдан ошган ва кўзлари анча заифлашиб қолган бўлишига қарамай, душманга қарши отланганларида туғни ўз илкларига тутиб, қўшиннинг биринчи сафида борганлар. Кексалик туфайли байроқни кўтара олмай қолган кезларида у зотга муридлари ёрдам беришган. Султонул уламо Изз ибн Абдуссалом ва бошқа мўътабар зотлар Абул Ҳасан Шозилий орқаларидан қурол ушлаб, Ватан озодлиги учун курашганлар.

Соҳибқирон Амир Темур ғалабаларида ҳам Термиз саййидларининг ўрни беқиёсдир. Хожагон силсиласи олтинчи пири “Амир Калон” – Шамсиддин Саййид Амир Кулол унинг пири эди. Амир Темур бутун умри давомида саййидлар хонадони вакиллари билан чамбарчас алоқада бўлган. Ҳар сафар Термиз орқали ўтганида саййидларнинг уйида меҳмон бўлишни қанда қилмаган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399 йил кузида ва

---

<sup>244</sup> **Мазмуни:** “Биз бир ориқ эчкини дунё деб билган назари паст кашшоқлар қавмидан эмас, балки қўлида эътикод қадахини тутган улуғ зотлар тоифасиданмиз. Бу тоифа бир қўли билан иймоннинг холис майини сипқорса, иккинчи қўли билан кофирлар байроғини маҳкам ушлайди.” (М.О.)

1404 йил ёзида Амир Темур Аъло ул-Мулк Худовандзода<sup>245</sup> уйида меҳмон бўлган. Ундан анча олдин, қайноғаси амир Ҳусайндан енгилиб, Қашқадарё тоғларида 40 нафар йигит билан сарсон-саргардон юрганларида Термиз саййидлари у кишига ўзларининг Аллоҳ ризоси учун ҳеч қандай душмандан кўркмайдиган содиқ муридларини жангчи қилиб беришган. Шу боис Соҳибқирон кетма-кет ғалабаларга эришган. Ёхуд 1370 йилда Амир Темур Балхга кетаётиб, Термизда Саййид Барака қўлидан ҳокимият рамзи ноғора ва байроқни олишга муяссар бўлган. Саййид Барака (р.а) у кишига доимий хамроҳлик қилиб, маънавий-руҳий камолга етказганларида музаффар байроқ янада баландроқ ҳилпираган. Дарҳақиқат, ярим дунёни забт этган Амир Темурнинг Самарқанддаги сўнгги маскани (ўзларининг васиятларига кўра М.О.) Термиз саййидларининг энг кичиги – ҳазрати Саййид Барака оёқлари учида экани ҳам бежиз эмас. Юқорида саналган мисоллар сўфийлар Ватан ва дин озодлиги йўлида ҳамиша олдинда бўлишганини тасдиқлайди.

Тасаввуф таълимотига кўра, инсон қарама-қарши икки асос (жисм – модда (восита) ва рух (илоҳийлик)дан иборат бўлгани учун унда шу асосларнинг гоҳ у, гоҳ бу хусусиятлари ғолиб келиши мумкин. Сўфий олтин ўрталикни сақлаб, моддий истакларини жиловлаши ва ўзидаги илоҳийлик сифатларини ривожлантириши, юксалтириши лозим.

IX аср бошларига келиб сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари ва одобини яратиш зарурати туғилди. Бунинг натижаси ўлароқ, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари – ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди. “Тарикат”, “маърифат”, “ҳақиқат” тушунчалари юзага келибгина қолмай, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуаси ҳам тузилди. Бинобарин, тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Аммо тарикат ва шариат орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва олам

---

<sup>245</sup> Исмоил Сомоний қизи Моҳи Симни Термиз саййидларидан Амир Абдуллога турмушга берган. Уларнинг авлодлари худовандозлар деб аталган. Худовандозда Абу-л Макарим Аъло ал-Мулк – “Амир аш-Шаҳид” (1292-1344) Термиз ҳокими бўлиб, мўғулларга қарши мустақиллик курашида фаол иштирок этган.

моҳияти алоқа-муомаласи, тавҳид – ваҳдат (абодий барҳаёт Зотнинг яккаю ягоналигини тасдиқлаш ва имон келтириш) масалалари турли мунозараларга ҳам сабаб бўлди. X-XI асрларга келиб тасаввуф таълимотлари Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқала бошлади.

**Фикҳ.** Фикҳ илми ва фикҳий мазҳаблар, Ислондаги намоз, закот, рўза ва хаж ибодатлари билан шуғулланади.

**Ақоид илми** иймон келтириш аҳкомлари билан шуғулланади.

**Вуқуфи ададий.** “Банда зикр калималарини айтар экан, буни нақшбандияда вуқуфи ададий дейилади, саноғи муҳим, лекин эътибор Аллоҳга бўлади.

**Зикр.** Буюк, улуғ ва пок амал бўлган зикрдан мақсад Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога етишишдир<sup>246</sup>. Бундай ҳолатлар, жаҳрий тариқат вакилларида бўлади ва само рақслари, само зикри дейилади.

---

<sup>246</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. 1-қисм. – Тошкент: «Нилол» нашриёт-матбааси, 2021. – 400 б.